

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

**М.Ф.ХАКИМОВА
Н.Х.ЛУТФУЛЛАЕВА
Р.М.АБДУЛЛАЕВА
Д.М. ФАЙЗУЛЛАЕВА**

**Ўқув
қўлланма**

ТОШКЕНТ - 2019

УЎК: 005.95(075.8)

КБК 67.404.1

Ҳакимова М.Ф., Лутфуллаева Н.Х., Абдуллаева Р.М., Файзуллаева Д.М. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. - 142 б.

Бугунги кунда олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири замонавий таълимий-касбий дастур асосида юқори самарали таълим жараёни ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш ҳисобланади. Ушбу ўқув қўлланмада махсус фанларни ўқитиш методикаси курсининг фанлар тизимида тутган ўрни, мазмуни, мақсад ва вазифалари, таълим қонуниятлари, таълим тамойиллари, давлат таълим стандарти, ўқув жараёнида ўқитиш воситалари, замонавий педагогик технологиялар, талаба ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш вазифалари ва унинг имкониятлари кабилар ўрин олган. Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари ҳамда магистрлари учун мўлжалланган.

Сегодня одной из основных задач высшего образования является обеспечение качественного образовательного процесса и подготовки квалифицированных кадров на основе современных образовательных и профессиональных программ. В данном учебном пособии рассмотрены роль, содержание, цели и задачи курса, методология обучения, принципы обучения, государственные образовательные стандарты, учебные материалы, современные педагогические технологии, роль обучения студентов в морально-этических ценностях курса. Этот учебник предназначен для студентов и магистров высших учебных заведений.

Today one of the main tasks of higher education is to provide high-quality educational progress and training of qualified personnel on the basis of modern educational and professional programs. In this tutorial, the role, content, goals and objectives of the course, methodology of educational, principles of educational, state educational standards, teaching materials, modern pedagogical technologies, the role of teaching students in the moral and ethical values of the course, such as opportunities. This textbook is intended for students and masters of higher educational institutions.

Такризчилар: п.ф.д., проф. Д.О.Химматалиев, п.ф.н., доц. Н.Файзуллаева

ISBN-000000000

УЎК: 00000000

КБК: 0000000000

© IQTISODIYOT нашриёти, 2019
© М.Ф.Ҳакимова, Н.Х.Лутфуллаева, Р.М.Абдуллаева, Д.М.Файзуллаева, 2019

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	6
1-Боб. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари.....	10
1.1. Ўзбекистон республикаси таълими тизимида касбий-педагогик таълимни муҳим ўрин эгаллаши.....	14
1.2. Ўзбекистон Республикасида касбий таълимнинг аҳамияти.....	19
1.3. Меҳнат ва касбий тайёргарлик ғояларини ривожланиши.....	20
1.4. Касб таълимнинг асосий тамойиллари.....	21
2-Боб. Таълим мазмуни ва ўқитиш мазмунини тузишда ўқув -меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти.....	24
2.1. Таълим мазмунини Давлат таълим стандартларида ифодаланиши.....	24
2.2. Мутахассисларга касбий талаб - Касблар таснифлагичи: моҳияти ва функциялари.....	27
2.3. Ўқитиш мазмунига ўқув режа ва дастурлар тақдим этилиши.....	30
3-Боб. Таълим мақсадларини белгилаш-мутахассислик фанини ўқитишни лойиҳалаш ва режалаштиришнинг асоси сифатида.....	33
3.1. Мутахассис модели таълим мақсадларини аниқлашнинг асоси сифатида...	33
3.2. Ўқитиш мақсадларини белгилаш йўллари. Мақсадлар таксономияси.....	34
3.3. Мутахассислик фанларини ўқитишда билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўлларига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини белгилаш.....	39
4-Боб. Махсус фанини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган ўқитиш методлари.....	42
4.1. Ўқитиш методларини таълим бериш жараёнидаги ўрни ва вазифаси.....	43
4.2. Ўқитиш методлари таснифланиши.....	45
4.3. Фаол ўқитиш методлари ва уларнинг хусусиятлари.....	54
4.4. Ўқитиш методларини танлаш.....	54
5-Боб. Махсус фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган таълимнинг ташкиллаштириш шакллари.....	58
5.1. Таълимни ташкиллаштириш шакллари: моҳияти ва мазмуни.....	58
5.2. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш техникаларининг моҳияти ва аҳамияти.....	59
5.3. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси.....	60
5.4. Ҳамкорликда ўзаро ўқиш турлари ва уларнинг моҳияти.....	63
6-Боб. Махсус фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган таълим воситалари.....	71
6.1. Ўқув жараёнида таълим воситаларини ўрни ва аҳамияти.....	71
6.2. Таълим воситаларини таснифи.....	72
6.3. ЎУМ турлари ва улардан фойдаланиш.....	72
6.4. График ташкил этувчиларнинг ўрни ва аҳамияти.....	73
7-Боб. Махсус фанлар бўйича ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш ва режалаштириш асослари.....	83

7.1. Таълимга технологик ёндашувнинг моҳияти ва унинг узлуксиз ривожланиши.....	83
7.2. Таълимни технологиялаштириш соҳасидаги асосий тоифа ва тушунчалар.....	87
7.3. Ўқув машғулотида ўқитиш технологияси моделининг мазмуни ва унинг тузилиши.....	93
7.4. Ўқув машғулотининг технологик харитаси мазмуни ва унинг тузилиши.....	95
8-Боб. Маъруза ва семинар машғулотларини лойиҳалаштириш ва режалаштириш асослари.....	99
8.1. Маъруза шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	99
8.2. Маъруза турлари ва уларнинг тавсифлари.....	101
8.3. Семинар шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	103
8.4. Семинар машғулотининг турлари ва уларнинг тавсифлари	106
9-Боб. Махсус фанларни ўқитишда қўлланиладиган инноватсион технологиялар.....	109
9.1. Ўқув лойиҳа ва унинг мазмуни.....	109
9.2. Лойиҳавий таълимнинг асослари.....	111
9.3. Ўқув лойиҳавий фаолият.....	115
9.4. Ўқув лойиҳасининг услубий паспорти.	119
10-Боб. Махсус фанларни ўқитиш натижалари назорати.....	125
10.1. Талабаларнинг ўқув ютуқлари назоратининг аҳамияти ва унинг вазифаси.....	125
10.2. Ўқитиш натижалари назоратида тестнинг ўрни.....	126
10.3. Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларни ишлаб чиқиш йўллари.....	128
Фан бўйича изоҳли луғат (гlossарий).....	132
Фойдаланилган	137

Содержание

Введение.....	6
Глава-1. Цели и задачи предмета «Методика преподавания специальных дисциплин.....	10
Глава-2. Значение образовательных документов в разработке образовательного контента и учебного контента	24
Глава-3. Проектирование и планирование преподавания специальных дисциплин и способы постановки учебных целей	33
Глава-4. Используемые методы обучения при преподавании специальных дисциплин.....	42
Глава-5. Формы обучения используемые в преподавании специальных дисциплин.....	58
Глава-6. Использование средств обучения в преподавании специальных дисциплин.....	71
Глава-7. Основы проектирования и планирования учебных занятий специальных дисциплин	83
Глава-8. Основы проектирования и планирования лекций и семинаров	99
Глава-9. Использование инновационных технологии в преподавании специальных дисциплин.....	109
Глава-10. Контроль результатов обучения специальных дисциплин.....	125
Глоссарий.....	128
Список использованных литератур.....	137

Contents

Introduction.....	6
Chapter-1. Goals and objectives of the subject “Methodology of Teaching special subject”.....	10
Chapter -2. The importance of educational and normative documents in the development of educational content and Teaching content	24
Chapter -3. Ways of setting educational goals in the development and planning of special subjects	33
Chapter-4. Teaching methods used in teaching special subjects.....	42
Chapter -5. Forms of study used in teaching special subjects	58
Chapter -6. Teaching aids used in teaching special subjects	71
Chapter -7. Basics of design and planning of training sessions in Special subjects.....	83
Chapter-8. Basics of designing and planning lectures and seminars.....	99
Chapter-9. Basics of designing and planning lectures and seminars.....	109
Chapter-10. Control of the results of Teaching Special subjects.....	125
Glossary.....	128
List of references.....	137

КИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари сингари касбий педагогикани ривожлантириш борасида ҳам бир талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида шакллантирилаётган узлуксиз таълим тизимида касб таълимига алоҳида ўрин берилиши натижаси сифатида касб-хунар коллежлари ва лицейларнинг тизими шаклланди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юксак умумий маданиятга ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўғри йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек ҳар томонлама камол топган, ҳаётга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояни илгари суради.

Республикамизда иқтисодий эркинлаштириш ва бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодий сир-асрорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, фанни чуқур ўрганишга бўлган талабларни ҳам кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий қонунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган иқтисодчилар тайёрлашнинг эҳтисоби, балки уларга таълим-тарбия берадиган иқтисодчи-педагоглар тайёрлашни ҳам талаб қилади.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани талабаларга иқтисодчи-педагог кадрларни тайёрлаш, талабаларда замонавий иқтисодчилар учун зарур бўлган касбий ва ахлоқий хусусиятларни шакллантириш, талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш тўғрисида билимлар бериш вазифаларини бажаради.

Маълумки, кадрлар билими ва малакаси янада яхшиланишига нисбатан қўйиладиган талаблар бугунги давр ва истиқболдаги эҳтиёжлардан келиб чиқиши керак¹. Президент 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш” га алоҳида эътибор қаратдилар. Унга асосан:

- олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;
- илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш;

¹ 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Президенти фармони 07.02.2017 й. 29 май,

- илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш;

- олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар;

- юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш» каби такомиллашиб боровчи чора тадбирлар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Бундай тизимни қўллаш кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳамда мустақил йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган ёш авлодни шакллантиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат парламенти – олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги, 2017 йил 16 ноябрдаги “Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ² ги қарорлари ҳамда 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши олий таълим тизимининг истиқболини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикасида юксак шиддат билан амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилишидаги ўзгаришлар иқтисодиёт масаласига тубдан янгича ёндашишни талаб қилмоқда ҳамда масъулият ҳиссини ошириш вазифасини юкламоқда.

² “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 қарори.

Жамиятнинг тараққиёт даражаси, давримизнинг ахборот асрига айланиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолайдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва оқилона қарор қабул қила оладиган малакали мутахассис қилиб тайёрлаш учун педагогнинг анъанавий усулларга таяниб дарс ўтиши, ўқувчи - талабаларни бошқариши етарли эмас. Иқтисодий фанларни ёшларга ўргатиш учун ўқитувчининг ўзи бу фанларни яхши билиши, дарс бериш методларини маҳорат билан қўллай олиши, барча педагогик қобилиятларни намоён эта олиши талаб этилади. Ватаннинг равнақи ва унинг келажаги баркамол авлод фаолиятига бевосита боғлиқ бўлганлиги туфайли бўлғуси мутахассисларда педагогик қобилиятларни шакллантириш, уларни эртанги кун талабига мос кадр қилиб тайёрлаш долзарб вазифадир.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 7 февралда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга кўра мамлакатимизда 2017-2021 йилларда "...иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш кўзда тутилган".

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли асарида қуйидаги фикрларни билдирган эдилар: "Фанга истеъдодли ёшларнинг кириб келишини таъминлаш учун комплекс тадбирлар туркумини амалга ошириш зарур"³.

Мутахассислар тайёрлашдаги асосий мақсад зарур билимларни ўзлаштириш билан бирга талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, уларда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилишдир.

«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанини ўрганиш давомида талабалар замонавий таълим технологияси, компьютер, ахборот технологияси, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик мазмундаги амалий

³ Каримов И.А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". – Т.: Ўзбекистон, 2011.-440 б.

ўйинлар, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот топшириқларини бажарадилар. Жумладан, «Ақлий ҳужум», «Веер технологияси», «Бумеранг технологияси», «Иқтисодчи технологияси» каби технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу замонавий педагогик технологиялар ҳозирги давр учун, яъни инсоннинг ривожланиш даражаси ва техниканинг ривожланиш даражасига мос тушиши ҳамда инсон ва техник ресурсларнинг уйғунлигини таъминлаш керак. Мана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда педагогик технологияларнинг мазмуни бугунги кунда кенг қўламда қараладиган бўлса, индивидуаллаштирилиши, ривожлантиришга йўналтирилиши даркор. Тор маънода хусусий педагогик технологияларнинг мазмуни маълум вазиятдан ва муаммолардан келиб чиққан ҳолда асосий тамойилларга асосланиб аниқланади.

Ушбу ўқув қўлланмада махсус фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳозирги пайтда кенг қўлланилиб келинаётган методлар, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанини ўқитишдаги хорижий мамлакатларда тўпланган илғор тажрибалар ҳам ҳисобга олинган.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа

- 1.1.Ўзбекистон Республикаси таълими тизимида касбий-педагогик таълимнинг муҳим ўрин эгаллаши.**
 - 1.2.Ўзбекистон Республикасида касбий таълимнинг аҳамияти.**
 - 1.3.Мехнат ва касбий тайёргарлик ғоялари ривожланиши.**
 - 1.4.Касб таълимнинг асосий тамойиллари.**
-



1.1.Ўзбекистон Республикаси таълими тизимида касбий-педагогик таълимни муҳим ўрин эгаллаши

Таълим инсоний капиталнинг ва пировард натижада мамлакатнинг ривожланиши даражасига таъсир кўрсатувчи омилдир. Шу сабаб, таълим тизимининг аҳволи, унинг мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазифаларига мувофиқлиги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киритилган. Республикамизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бунинг ёрқин исботидир. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлаш ўринлидир: “Айниқса ўсиб келаётган ёш авлод тақдирига ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. Бунда олий ўқув юртларининг аҳамияти каттадир. Ёшларни қай усулда ўқитиш, уларни тарбиялаш, мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлишига қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунда олий ва ўрта махсус таълим тизими савиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш, халқ хўжалигида мутахассисликларга бўлган талаб ва

эҳтиёжларни илмий таҳлил асосида аниқлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир”.¹

Ҳар бир мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими олдида, одатга кўра, қуйидаги вазифалар туради:

- аҳолини таълим билан қамраб олишни ошириш, унинг саводхонлик даражасини кўтариш ва бу жараёни давлат томонидан доимий қўллаб - қувватлаш;

- иқтисодиёт ва жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида зарур бўлган малака ва касбга эга, шунингдек, ўз ички кучларининг сифатини муттасил ошириб боришга қодир мутахассисларни тайёрлаш;

- таълим ва тарбиянинг сифатини ошириш;

- қашшоқликнинг таъсирини бартараф этиш;

- шахсни ҳар томонлама уйғун тарбиялаш ва унда миллий мустақиллик ғояларини шакллантириш;

- таълим олишда жинсий, ирқий ва миллий хусусиятларга кўра камситишга йўл қўймаслик;

- таълим хизматларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносибликни камайтириш;

- муқобил давлат таълим ва тарбия муассасаларини ривожлантириш, ушбу соҳада рақобатни кучайтириш;

- таълим жараёнига бюджетдан ташқари маблағларни ва инвестицияларни жалб этиш.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустақкам замин яратмоқда.

Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” нинг асосий мақсади - таълим тизимини ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этилиши назарда тутилган:

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;

- педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мавқеини кўтариш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлокий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Республикаимизда таълимни ривожлантиришнинг бугунги босқичида жаҳон талаблари даражасида янгилашиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, №14 (5434) 20 январь 2012 йил.

кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндашувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва тадбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирги замонавий таълим беришнинг концептуал асослари мавжуд бўлиб улар:

➤ *Шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим* - таълим бериш жараёнини тузиш ва амалга оширишда шахсга мақсад, субъект устунлиги, натижа ва унинг самарадорлигини асосий мезондек йўналтириш; таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўлақонли ривожланишини таъминлаш; таълим бериш жараёнини инсонпарварлаштириш ва табақалаштириш: касбий тайёргарлик йўналишлари бўйича Давлат Таълим стандартлари талабларига риоя қилган ҳолда таълим олувчи шахсини ривожланиш йўлига йўналтириш.

➤ *Фаолиятли ёндашув* - фаолият-шахснинг ривожланишида асос, восита ва ҳал қилувчи шарт. Бу таълим олувчи шахсининг жараёنли сифатларини шакллантириш, унинг ҳаракатларини фаоллаштириш ва жадаллаштиришни, ўқув жараёнида унинг барча имконияти, тиришқоқлиги ва ғайратини кенгайтиришни юзага келтиради.

➤ *Сухбатли ёндашув* - таълим жараёнини таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги сухбатдек тузишни ифодалайди ҳамда дастурий фаолиятни ҳамкорликда тузишга йўналтирилган.

➤ *Тизимли ёндашув* - таълим технологияси тўғрисидаги тушунча педагогик тизимнинг аниқ бўлган бутун (тузилмавий ва мазмунли) таркибини билдиради.

➤ *Ҳамкорликдаги таълим* шахсга йўналтирилган ғояларни намоён қилади: (1) ҳар бир таълим олувчилар томонидан БМК, уларнинг шахсий хусусиятларининг ривожланиш даражасига мувофиқ эгаллаши; (2) мулоқот кўникмаларини шакллантириш: бирга фаолият олиб боришни ўргатиш, таълим олиш ва яратиш, ҳар доим бир-бирига ёрдамга келишга тайёр бўлиш.

➤ *Муаммоли таълим*- бу таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол ўзаро ҳаракатини ташкиллаштириш йўли бўлиб, бунда тақдим этилган муаммоли таълим мазмунини ечишда улар мунозара юритадилар, фикр юритишни ўрганадилар, билимларни ижодий ўзлаштирадилар.

➤ *Психология ва педагогикада инсонпарварлик ёндашув*- Таълим тизими ва барча таълим жараёнининг шахснинг ривожланиши, умуминсоний қадриятлар устунлиги, шахсларнинг ўзаро ҳаракатини мақбуллаштиришга йўналтириш.

Бугунги кунга келиб, малакали билим тизимининг ривожланиш тенденцияси билимни регионлаштириш, интеграциялаш, стандартлаштириш, демократлаштириш ва бошқаларнинг тўхтовсиз ривожланишида намоён бўлмоқда, яъни:

1.Таълимнинг узлуксизлигида-биринчи марта узлуксиз таълим концепцияси 1965 йилда ЮНЕСКО Форумига тақдим этилган эди. Уни йирик назарий олим Ленграндом олиб чиққан эди. Узлуксиз таълимнинг асл

моҳиятини биз “Библия”, “Қуръон”, “Ҳадислар”даги ҳикматли сўзларда, умуман, инсоният тарихи ва ривожланиши га оид муқаддас китобларда ҳам кўрамыз.

2. Таълимнинг бирлашишида-сўнгги 20 йил давомида таълим тизимида катта ўзгаришлар рўй берди. Баъзи ҳужжатларда 2 аспект тўғрисида сўз боради.

1. Илмий техниканинг ютуқлари.

2. Илм ва техника ютуқлари, янги технология, янги қўлланмалар, маълумотларни қайта ишлаб чиқувчи мосламаларни юзага келтириб, бу эса ўз навбатида фаннинг ривожига олиб келади.

3. Таълим стандартларида- Бошланғич малакавий таълим стандартлари берилган таълим босқичларини ва мақсадларини талаб қилади.

1. Мутахассис ишчи ходимларнинг таълим олишини давом эттиришлари учун минимал даражага жавоб берувчи база ташкил этиш.

2. Мутахассисларнинг профилини мутахассис тайёрлов сифатини ошириш орқали кенгайтириш.

3. Узлуксиз таълим тизими алоқасини яхшилаш ва тайёрлов аспектларини тартибга келтириш.

4. Давлат ичида ва давлат ташқарисида халқаро меҳнат бозорида мутахассисларнинг олган билимларига бўлган ишончни таъминлаш.

Шу кун талабларига жавоб берадиган бўлажак иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашнинг муҳим томонларидан бири — бу уларни касбий педагогик малакаларини юқори даражада шакллантириш ҳамда ўқув жараёнини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу жараён “Махсус фанларни ўқитиш услубиёти” фани аҳамиятини олдиндан аниқлаб беради ва уларни педагогик фаолиятига тайёрлашда ўқув жараёнининг муҳим бўғинларидан ҳисобланади.

“Махсус фанларни ўқитиш услубиёти” фанини ўқитишдан мақсад - мустақил кўрсатма ва тавсияномалардан самарали фойдаланган ҳолда педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича талабаларда ҳаракатлар мажмуасини шакллантиришдан иборат.

“Махсус фанларни ўқитиш услубиёти” фанининг асосий вазифалари - Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бутун жаҳон билан юзма-юз бўлаётган бир даврда унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий юксалишини таъминловчи, ёшларнинг асосий Конституциявий ҳуқуқларидан бўлган ҳар бир кишининг ахлоқий-амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, ўзи хоҳлаган касб танлаш, уни мукамал эгаллаб шу соҳада самарали фаолият курсатиш учун моддий- маънавий, тарбиявий- дидактик шарт-шароит яратиш, истиқлол мафкурасини ўзлаштирган мутахассис тайёрлаш, унда тарбиячилик саънати ва маҳоратини шакллантиришдан иборатдир.



1.2. Ўзбекистон Республикасида касбий таълимнинг аҳамияти

Бугунги кунда биз мустақиллик туфайли жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий асосларини мустаҳкамлаш борасида кўпгина

ишларни амалга оширдик. Уларни давом эттириш эса ёшларимиз кўлидадир. Шунинг учун иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ҳамда таълим тизимини ўрганиш асосида мамлакатимиз иқтисодийтида эришилган ютуқларни атрофлича таҳлил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни батамом бартараф этиш ҳамда иқтисодийни ривожлантириш усуллари илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари илгари сурилади. Бунда, асосий эътибор Ўзбекистонни жаҳон иқтисодийтига интеграциялашуви жараёнини жадал суръатларда ривожлантириш, бунинг учун мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чоратadbирларни амалга оширишга қаратилади.

Республикаимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида касбий таълим ишчи касбларига махсус тайёрлаш масаласига, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Замонавий жамиятнинг ҳаёт тирикчилигини таъминлашда турли даражадаги мутахассислар муҳим ўрин эгаллайди. Касб таълими узлуксиз таълимнинг бўлинмас бир қисми ҳисобланиб, энг муҳим вазифани бажаради: инсонни аниқ касбий фаолиятга тайёрлайди.

Ҳозирги кунда касбий таълимга бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Таълим ислохотлари натижасида гимназия, лицей, коллеж ва бошқа турдаги янги ўқув муассасаларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши;

2. Олий ўқув юртларида касб таълимини ташкил қилиш, алоҳида бўлим ва факультетларнинг ташкил этилиши;

3. Касбий педагогиканинг бошқа фанлар билан янада жипсроқ боғланиб бориши, истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган, билим соҳалари туташувида янги концепция ва назарияларнинг юзага келиши;

4. Касбий таълим муассасаларининг аҳолига таълим хизматларини кўрсатиш турларининг ортиб бориши, ўз базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шакллари жорий этиши ва бошқалар.

Маълумки, *касб маҳорати дейилганда*, битирувчининг юқори даражадаги касбий кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлик даражасида ўз аксини топади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юқори даражада мослашувчанлигини ва янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши, фаолият соҳасини мустақил танлай олиши каби сифатлар билан белгиланади.

Глобаллашув шароитида мамлакатимиз олий таълим тизимида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида иқтисодий таълимнинг ҳалқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодийти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар

қандай шароитда рақобатлаша оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иқтисодий таълим тизимига эгадирлар.

Олий таълим муассасаларида иқтисодиёт йўналиши соҳалари мутахассисликлари бўйича замонавий кадрларнинг тайёрлашнинг ўзига хос хусусияти эса қуйидагилар ҳисобланади:

- олий таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларига таяниш;
- таълим жараёнини тузишга нисбатан янги ёндашувларни ўзлаштиришнинг инновацион таълим стратегиясига чиқиш;
- ўқитишнинг замонавий шакллари, усуллари ва технологияларини қидириб топиш;
- таълимга нисбатан иқтисодий ёндашув.

Бундай ёндашувнинг асосида таълим соҳалари бўйича тақсимланган, таълим йўналишларининг тизимлаштирилган рўйхатини ўзида намоён этувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг классификатори ётади ва у олий касб таълимининг қуйидаги таълим дастурларининг таркибий асоси ҳисобланади:

- камида 4 йил мобайнида бакалавр даражасини олишни таъминлаш дастурлар;
- бакалаврият базасида камида икки йил мобайнида магистр даражасини олишни таъминловчи дастурлар.

Иқтисодий соҳа кадрларни тайёрлаш даражасига қўйиладиган давлат талаблари нафақат бакалавр ва магистрнинг маълумотлилиқ даражасига қўйиладиган умумий талабларни, балки умумий гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, умумий математика ва табиий-илмий, умумий касб ва махсус фанлар бўйича билимлар ва кўникмаларга қўйиладиган талабларни ҳам белгилаб беради. Улар, шунингдек, йўналиш ёки мутахассислик бўйича касб дастури мазмунининг таълим минимумини ҳам белгилаб беради.

Олий иқтисодий таълимнинг мақсадини умумий тарзда қўйидагича ифодалаш мумкин: замонавий иқтисодий билимларнинг асосини ўзлаштириш учун шарт-шароитларни таъминлаш, яъни уларни базасида касб иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш мумкин бўлсин.

Ушбу мақсад қуйидаги вазифаларни келтириб чиқарди:

- фундаментал иқтисодий билимларни ўрганиш;
- иқтисодиёт назариясининг фанлар тизимидаги ўрнини англаб етиш;
- иқтисодий мутахассислар учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларини ўзлаштириш;
- шахснинг ахлоқий-этик хусусиятларни ривожлантириш.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун иқтисодий билимларни тизимлаштириш, яхлитлиқни таъминлаш, функционал аҳамиятига қараб бўлимларга ажратиш, базавий ва қўшимча билимлар, умумфан, умумий касб ва махсус билимларни аниқлаш ва охир оқибатда, мутахассисларни ушбу билимлар ва кўникмаларни реал иқтисодий амалиётда қўллашга ўргатиш зарур.

Маълумки, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ўз навбатида мутахассислар малакаси ва маҳоратини юқори бўлишини, мутахассисларга

бўлган талабнинг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилувчан бўлишни талаб этади. Бунинг учун иқтисодчи мутахассисларни мустақил изланиш, фикрлаш, турли қарашларни таққослаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиш лозим.

Таълим олиш – билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқараши ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади. Инсон маълумотли бўлиб, билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиб, ўзида фикрлар тизимини шакллантиради.

Таълим олиш вазифалари турли йўللار билан ҳал қилинади. Улардан энг асосийси ўқитиш ҳисобланади.

Ўқитиш – таълим олувчиларга янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.

Ўқитиш жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида ўзаро ҳаракат юзага келади ва унинг самардорлиги ўқитувчи ва талабани ҳамкорлигига боғлиқ бўлади.

Ўқитишда ривожлантирувчи вазифа моҳияти- ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади.

Ривожлантирувчи вазифа ривожлантирувчи принципга асосланиб, унинг моҳияти, ўқитиш жараёнини шундай мураккаб даражада тузиш керакки, бунда талабадан ҳам ақлий ҳам иродавий кучларни сарф қилсин. Ўқув жараёни талабада қониқиш, билиш қувончини, ҳайрон бўлиш, яъни у ниманидир бажара олиши ҳиссини уйғотиши зарур. Шу боис ўқув материали жуда ҳам содда бўлмаслиги керак ва талаба фақат уни қайтариб қолмасдан, балки билимлар асосида топшириқлар занжирини еча олиши керак.

Ўқитишда тарбияловчи вазифа – ўқитишни тарбиялаш принципига асосланади. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари ўзвий боғлиқликда бўлади. Уларнинг умумий мақсадлари- бўлғуси мутахассисликнинг моҳиятини ва ижтимоий муҳимлигини тушунувчан, ўз меҳнатининг натижаларига касбий маъсулиятга эга бўлган мутахассисни шакллантиришдан иборат.

Ўқув жараёнида тарбия ўқитиш мазмунини амалга ошириш йўли орқали, уни тўғри ташкиллаштириш ва зарур усулларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Таълим бериш вазифаларининг яна бир йўли бу *мустақил ўқиш* ҳисобланиб, бунда талабаларда мустақил ўқиш учун уларда қизиқишни уйғотиш, билиш эҳтиёжини пайдо қилишда уларга ёрдам бериш, мустақил ақлий меҳнатнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат бўлади.

Ўқитишнинг асосий натижаси – талабалар томонидан ўзлаштирилган *билим, кўникма ва малакалар*, уларда шакланган *билиш эҳтиёжлари ва қобилиятларидир*.

Билимларда ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Талабалар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.

Ўқитишнинг натижаларидан бири бу **малакаларни** эгаллаш ҳисобланади.

Малакалар – бу, кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёрий), ҳаракатлардир.

Касбий фаолиятда малакалар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар куч, вақт, эътиборни тежайди.

Ўқитиш жараёнининг яна бир муҳим натижаси – бу **кўникмадир**.

Кўникма – эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.

Педагогик амалиётда кўникма *ақлий* ва *амалий* кўникмаларга бўлинади.

Ақлий кўникма фикрловчи вазифаларни амалга оширишдан иборат бўлади. Булар ижодий фаолият ва ишлаб чиқарувчи фаолият учун муҳим ҳисобланади.

Дидактик тизим негизини тарбиявий ўқув жараёни ташкил этиб, у ўз вақтида 2 босқичга бўлинади: доимий ва динамик.

Асосий ўқув жараёни – бу босқичда таълим олувчилар умумий талабларга жавоб берувчи билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиб, улар шундай билим оладиларки, у илмий-техник ўзгаришлар таъсирига мос келади. Умумий меҳнат эгалланган билим, кўникма ва малакаларга касбий билимларга асос бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ишлаб ўқитишнинг самарадорлигига олиб келади. Асосий ўқув жараёнида таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар унинг келажакдаги фаолияти, меҳнат тури ва ишлаб чиқаришда эгаллайдиган ўрнига боғлиқ бўлади. Асосий билим бериш жараёни махсус билим беришнинг негизи бўлиб хизмат қилади, шунинг учун таълим олувчи кўрсатилган фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларни мустаҳкам эгаллаб бормоғи лозим.²

Махсус ўқув жараёни – асосий ўқув босқичидан махсус босқичга ўтиш секин-аста рўй бериб, бутун ўқув жараёни шу мақсадларга қаратилган вақт ичида олиб борилади. Махсус босқичда ўқитиш танланган касбга йўналтириш бўйича олиб борилиб, ўқитиш жараёни шу соҳадаги техник ва технологик ривожланиш талабларига жавоб бермоғи лозим, аммо марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқилган ўқув дастури хўжалик соҳасидаги ёки корхона талабларига жавоб бера олмайди, чунки бир соҳада технологик жиҳозларнинг бир тури ўрганилса, иккинчи турида мутахассисларни тайёрлашда турли соҳалар бўйича ўқитиш афзалдир.

Махсус ўқитиш жараёнида таълим олувчиларни корхонанинг хусусиятлари билан аниқ ва мукамал таништириш жараёнида унинг корхонадаги ҳамма иш турларида эгаллаган билим ва малакасини амалда қўллай олишни таъминлаш лозимдир. Таълим олувчилар ишлаб чиқаришдаги техник ва технологик жараёнлар, қурилма ва мосламалар ҳақида билим олиб

² Толипов Ў.Қ. ва бошқ. Касбий педагогика.(Маърузалар матни). – Т.: ТДИУ, 2001.

амалда қўллай билишлари керак. Махсус ўқитиш жараёнида ўқитувчи устанинг ишлаб чиқариш жараёнига ўқитишда қуйидагиларга эришмоғи лозим:

➤ таълим олувчини ҳозирги замон техника жараёни методлари ва замонавий методлар ҳамда қурилмаларда ишлашни ўргатиш;

➤ меҳнатни ташкил этиш методи ҳам таълим олувчини зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларига, касбий малакасига қараб турли иш операцияларини бажаришни замонавий технология талабига жавоб берувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

➤ таълим олувчини иш меъёрини бажаришга ёндашишга ўргатиш;

➤ корхонадаги иш чизмаларини тўғри ўқишга, технологик ҳужжатлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш;

➤ корхона жамоасида таълим олувчи ишидан муҳим тарбия сифатида фойдаланиш;

➤ таълим олувчини меҳнат хавфсизлиги, ишлаб чиқаришдаги ва ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилишга ўргатиш;

➤ таълим олувчининг онгига иш ўрни ва меҳнат қуролларига нисбатан жавобгарлик ва қадрлаш ҳиссини сингдириш;

➤ таълим олувчига иш маданияти ҳақида таассурот бериш, иш жойини тўғри ташкил қилишни ўргатиш.

Умуман, бугунги кунда шундай мутахассис кадрларни тарбиялашга эришиш керакки, у англаган ҳолда иш унумдорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшсин. Уларни ишлаётган корхонанинг обрўси, иш сифатини ошириш, меҳнат интизомига қатъиян риоя қилиш руҳида тарбиялаш лозим.

Бўлғуси мутахассисни *касбий фаолиятга тайёргарлиги* қуйидагилардан иборат:

- иқтисодчи касбини тўғри танлаганлигига ишонтириш,
- жамият учун бу мутахассисликни муҳимлигини англаши,
- яхши жисмонан соғлиқ,
- касбий билимдонлик,
- мулоқотмандлик
- ташкилотчилик,
- маъсулиятлилик,
- фуқаровий етуклиги,
- ахлоқий сифатлар,
- касбий мослашувчанлиги
- сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлиги,

Касбий таълимнинг самарадорлик мезони эса қуйидагича

- малакавий фаолиятда мустақиллик ҳисси;
- меҳнат хавфсизлигига амал қилган ҳолда техник талабларни бажариш;
- иш фаолиятида вақт ва нормаларни бажариш;
- касбий фаолиятда фикрлаш ва ўз-ўзини назорат қилиб бориш;
- меҳнат маданиятига қатъий амал қилиш;
- меҳнат фаолиятига ижодий ёндашиш;
- бажарилган иш учун масъулиятни ҳис қилиш кабилар киради.



1.3. Меҳнат ва касбий тайёргарлик ғояларини ривожланиши

Педагогиканинг узоқ йиллар ва бир неча авлодлар тажрибасида йиғилган маълумотларни инсоният тарихи ҳамма жабҳаларида авлодларни ўқитиш ва малакавий педагогик билимлар бериш дунё тарихида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Масалан, ўрта аср шарқ мутаффакирлари ўз асарларида ёшларни касбий меҳнат таълими ва тарбиясига жуда катта аҳамият берганлар. Улар касб-хунар таълимига таълим тарбиянинг зарурий таркибий қисми сифатида ёндашганлар ва уни ақлий, жисмоний ва маънавий тарбия билан бирга олиб бориш зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар ўз асарларида ўз фарзандларини меҳнатга нисбатан нафрат руҳи билан тарбия қилувчи одамларни қаттиқ танқид остига олганлар, бу руҳий қашшоқлашишга ва маънавий ибтидоси меҳнат жараёнида пайдо бўлади, деб огоҳлантирганлар. Уларнинг асарларида меҳнатга инсон ҳаётининг моддий ва маънавий негизи, инсон бахтининг манбаси сифатида қаралади.

Ўрта аср Шарқининг буюк истеъдоди *Ибн Сино* ўзининг машҳур “Дастуриламал ва насиҳатларида” шундай деб фикр юритади- инсон ўзини инсон деб ҳисобламасдан аввал, нима туфайли уни инсон деб аташларини англаб етмоғи лозим. *Фаробий* эса шундай деб фикр юритади- инсоннинг хунарамандчиликка ва санъатга бўлган қобилияти туғма, табиий эмас деб ҳисоблаган.

Довонийнинг “Жалол этикаси” асарида ҳам қуйидаги панд насиҳатни учратиш мумкин: “Бир инсон ҳар турдаги хунар билан шуғулланмаслиги керак, чунки бу табиатга зиддир, бу инсон ҳеч қачон ижобий натижага эришмайди, чунки ҳар бир хунар зарур диққат ва вақтни талаб қилади”.

Марказий Осиёда ўрта аср даврларида хунарамандчилик уюшмаларининг таркибий тузилмаси қуйидагича бўлган: хунарамандчилик уюшмасининг раҳбари **бобо** деб аталиб, у ўзида авлоди пирни, яъни хунар ҳомийсини ҳислат ва фазилатларини мужассамлаштирган. Бобо устахона кенгашида бошчилик қилган, шогирдларнинг устачиликка бағишланган барча тадбирларни ўтказган. Уста оиласига ташқаридан бирор кимсанинг кириб келиши ҳам бобонинг фикр-мулоҳазалари ва кўрсатмалари остида бўлган.

Йирик устахоналарда бобонинг ёрдамчилари – **оқсоқол ва пайкорлар** деб аталган. Ўрта осийнинг баъзи бир шаҳарларида устахона жамоасида оқсоқол ва пайкорларга нисбатан мавқеи пастроқ бўлган шахслар **ҳалфа** – уста деб аталиб, улар ўз ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган.

Ўрта Осиё хунарамандлари **касаба** (арабча –орттирмақ, эга бўлмоқ, ишлаб топмоқ) деб номланган хунарамандчилик уюшмаларига бирлашганлар. Ана шундан ҳозирги хунарамандларнинг- косиб деб номланиши келиб чиққан. **Касаба деб** – муайян бир турдаги касб бўйича хунарамандларнинг уюшмаси тушунилган.

Шарқда ўғил болаларга касб-хунар сирларини ўргатиш 12 ёшдан бошланган бўлиб, у 8-10 йил давом эттирилган.

Хунарамандчилик рисоалари “удумлар низоми” бўлиб (у унча катта бўлмаган 16-18 варақ ҳажмдаги китобча), уста-хунарамандлар ва уларнинг шогирдларнинг маънавий ҳаётлари ва меҳнат фаолиятларини белгилаб берувчи

меъёрий ҳужжат сифатида фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикасида касбий таълимнинг ривожланиши 1924-1940-йилларда таълим тизими сифатида ватанимиз касб-ҳунар таълимининг таркиб топиши ва ривожланиши барқарор бўлмаган даври билан ифодаланади. Шунингдек:

1941-1960 йилларда сафарбарлик даври.

19601-1964- йиллар давомида республикадаги барча меҳнат заҳиралари ўқув юртлари ягона шаҳар ва кишлоқ ҳунар-техника билим юртларига айлантирилиб, уларнинг ҳар бири маълум соҳалар бўйича ихтисослаштирилиб, малакали ишчилар тайёрлашга киришилди.

1970-йилларнинг охиридан бошлаб оммавий равишда ўрта маълумотли ишчилар тайёрлашга ўтилди.

1981-1986 йиллар сакрашсимон ўзгаришлар инкирозолди даврини ўзига қамраб олган босқич ҳисобланади.

1991-1996-йилларни ўзига қамраб олган мослашувчанлик даври.

1992-йилга келиб секин-аста тайёрланган мутахассис кадрлар ва ўқув юртлари сони ҳам барқарорлаша бошлади.

1993-йилга келиб ҳунар-техника таълимига қабул қилишда ортиш кўрсаткичлари қайд этилди

1992 ва 1997-йилларда “Таълим тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилиниб, ҳозирги кунда унинг янги таҳрири устида ишлар олиб борилмоқда. 1997 йил бошида республикада умумий 221 минг ўқувчилари бўлган. 442 касб-ҳунар таълими ўқув юртлари фаолият кўрсатар эди. Уларнинг таркиби 209 та касб-ҳунар мактаблари 180 касб-ҳунар лицейлари ва 55 та бизнес мактабдан иборат эди.



1.4. Касб таълимнинг асосий тамойиллари

Таълим тамойиллари педагогнинг фаолиятини ва талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл-йўриқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим тамойиллари ҳар иккала фаолиятнинг яъни педагог ва талаба томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим қоидалари ўқитишнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим тамойиллари деб, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидалари йиғиндисига айтилади.

Инсон вужудга келибдики, ўз фарзандига билганларини ўргатиш, ўзи эга бўлган билим, малака ва кўникмаларини кейинги авлодга ўтказиш даставвал англамаган ҳолда бўлса-да мавжуд эди. Бу яшаш учун кураш қонунидан келиб чиқиб, яшашнинг зарурий шартини ҳисобланган. Жамият ривожланар экан, авлоддан-авлодга ўтказиш лозим бўлган билимлар ҳажми ҳам ортиб борди. Билимлар, эгаллаш лозим бўлган малака ва кўникмалар мураккаблашиб борди.

Бу жараён олимлар томонидан таҳлил қилиниб аста-секин маълум қоидалар ишлаб чиқилди.

Таълим жараёнини чуқур ўрганган олимлардан бири қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақида шундай фикрларни билдиради. Ўқув жараёнида педагог қуйидаги қонуниятларга:

- талабанинг зериктирмаслиги;
- билим беришда турлиликка асосланиши;
- узвийликка, изчилликка риоя қилиши керак.

Беруний янги мавзуларни қизиқарли, асосан кўргазмали баён этиш самарали натижалар беришини ҳам таъкидлайди.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) билим олишда ёшларни ўқув муассасасида ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

- талабага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- ўқитишда жамоа бўлиб, ўқув муассасасида ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда талабаларнинг майлини, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Ушбу ишлаб чиқилган қоидалар таълимда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади.

Шундай қилиб, таълим тамойиллари асрлар оша сайқал топиб борди. Албатта дидактика тамойиллари ҳар бир даврнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб боради. Чунки таълим тамойиллари жамият ва давлат олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Унда педагог ва талабалар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун қоидалари, яъни таълимга қуйилган дидактик талабларга қай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Кейинги йилларда таълим қоидаларини ўрганиш уларни таҳлил қилиш ва мукаммаллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Таълим қоидаларини тизимлаштириш масаласи ҳам доимо фаол масала бўлиб келган.

Бугунги кунда касбий педагогика ҳамда махсус фанларни ўқитиш методикаси фани қуйидаги **таълим тамойилларини** ажратиб кўрсатмоқда:

- Таълимнинг илмий бўлиши;
- Таълим-тарбиянинг бирлиги;
- Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши;
- Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлишини таъминлаш;
- Таълимда онглик, фаоллик ва мустақилликка эришиш;
- Таълим жараёнининг кўрсатмали ва кўргазмали бўлиши;
- Билимларни пухта ва тизимли ўзлаштириб бориш;
- Таълим жараёнида шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш;

Хулоса

Ўзбекистондаги олий таълим тизими кадрлар тайёрлашнинг миллий моделига ва дастурига асосланган мақсадли давлат сиёсати асосида

ривожланмоқда. Бу ҳол таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш тизимини тартибга солиш имконини бериш билан бирга бутун ушбу тизими ҳамда унинг алоҳида унсурларини жадал ривожланишини таъминлайди. Мамлакатда туб ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар, меҳнат ва таълим хизматлари шаклланаётганда бу жамиятни ривожлантириш муаммолари билан жипс боғлиқ жаҳон ҳўжалигига уйғунлашаётган, юқори рақобатбардошликка эга бозор иқтисодиётини кадрлар билан таъминлаш давлатнинг стратегик мақсади бўлиб қолмоқда.

Мустақил давлатимизнинг сиёсати, жамият ривожланишининг ҳозирги даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодиётига ўтиш, олий мактаб олдида турган янги вазифалар фақат сифат жиҳатидан янги бўлган таълим мазмуни ва технологиясини, тарихан шаклланган вазиятни ҳўжалик юритишнинг замонавий шароитларида ҳисобга оладиган бозор иқтисодиёти қонунларига риоя этадиган мутахассислар тайёрлаш ва бунга бўлган талаб йўналишини белгилашга янгича ёндашишни ҳам талаб этади.

Шундай қилиб, бугунги кунда жамият ҳаётида юзага келаётган иқтисодий муаммоларни ўз вақтида англаб етган ҳолда уларни оқилона ҳал қилиш учун зарурий чора-тадбирлар белгилаш соҳа мутахассисларидан жуда катта билим ва малакани талаб этади. Бўлғуси иқтисодчилар бугунги давр талабларига жавоб бериш учун ўз билим ва малакасини тинимсиз ошириб бориши, замонавий тажрибаларни қунт билан ўрганиши, изланиши лозим. Бу нафақат бугунги кун кишилари, балки келажак авлод олдида ҳам жуда катта масъулиятни бўйнига олиш демакдир.

Тушунча ва таянч иборалар: Билим, кўникма, малака, мутахассис, таълим олиш, касб, касбий таълим, касбий фаолият, касбий маҳорат

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

- 1.Ўзбекистон Республикаси таълими тизимида касбий-педагогик таълим қандай аҳамиятга эга?
2. Ўзбекистон Республикасида касбий таълимнинг ривожланиши хусусида сўзлаб беринг.
3. Касбий тайёргарлик қандай амалга ошади?
4. Касб таълимнинг асосий тамойиллари санаб ўтинг.
- 5.Таълим олиш нимани ангалатади?
- 6.Ўқитиш деганда нимани тушунасиз?
- 7.Ўқитишни ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифалари нималардан иборат?
- 8.Ўқитишнинг асосий натижасини нимадан иборат?
- 9.Билим, кўникма ва малакалар тушунчасини айтинг.
- 10.Касбий таълим, касбий таълим олиш, касбий тарбия, касбий фаолиятга тайёргарлик тушунчаларини моҳиятини ёритиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.
2. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент, 2018 йил 5 июн
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -48 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -488 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
7. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.
8. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
9. Жуков Г.Н, Матросов П.Г, Каплан С.Л. Основы общей и профессиональной педагогики.-М.: Гардарики, 2005.
10. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.

ЎҚУВ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА ЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ ТУЗИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Режа

2.1. Таълим мазмунининг Давлат таълим стандартларида ифодаланиши.

2.2. Мутахассисларга касбий талаб - Касблар таснифлагичи: моҳияти ва функциялари.

2.3. Ўқитиш мазмунига ўқув режа ва дастурлар тақдим этилиши.



2.1. Таълим мазмунининг Давлат таълим стандартларида ифодаланиши

Ривожланган мамлакатларда касб таълими (шу жумладан олий таълим)нинг бош мақсади - рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва барча тоифадаги малакали ходимларни тайёрлаш орқали рақобатбардош хизмат кўрсатишдан иборат. Узлуксиз таълимни ташкил этишда унинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши ҳамда у юксак маънавий заминидан қурилишига қатъиямнат бериш кераклиги, давлат таълим стандартларини жорий этиш ва унинг механизминини ишлаб чиқиш муҳимлиги устувор соҳа сифатида кўриб чиқилганлиги бежиз эмас.

Хўш, таълимда давлат стандарти нима?

Таълимни стандартлаштириш - инсониятнинг ижтимоий онгида рўй берган туб ўзгаришлар туфайли келиб чиққан заруратдир. Иқтисодий аҳволи ва тараққиёт даражаси турлича бўлган давлатларда яшовчи барча кишиларнинг фикрлаш даражасини иложи борида бир хил ҳолатга келтириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бу ҳолат таълим стандартлари деб аталмиш тушунчани юзага чиқарди.

Стандарт –таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даражасидир. Стандартни ишлаб чиқишда талабани ҳаддан ташқари зўриқтириб юбормаслик талабларига риоя қилиш, яъни у ўқувчи ёшига мос, уни бажаришга қурби етадиган даражада бўлиши керак. Албатта, таълим олувчининг қизиқиши, хоҳиши, эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим. Давлат ва жамият таълим муассасалари олдига муайян ижтимоий буюртмалар қўяётган экан, ўша муассасалар томонидан тайёрланадиган кадр эгаллаши лозим бўлган ижтимоий сифатларнинг минимал чегарасини ҳам кўрсатиб бериши табиийдир. Таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдори илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик ҳужжат - давлат таълим стандарти ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, ДТС назорат воситаси, айна вақтда, таълим муассасаларида кўзланган кўрсаткичларни қўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш ўлчови ҳамдир.

Давлат таълим стандартларининг *икки асосий вазифасини* алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Бундай стандартлар ўқувчиларга бериладиган таълим мазмунининг *мажбурий минимумини* ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини белгилаб беради. Таълим мазмунининг мажбурий минимуми ўқув дастурлари ва дарсликларда тўлиқ ўз ифодасини топиши шарт. Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўра ўқувчи муайян босқичда эгаллаши шарт бўлган билим, кўникма ва малакаларининг *минимал миқдори* белгиланади.

Таълим стандарти таълимнинг мақсади, қиммати, унинг мазмуни ва натижаси (тайёрлов даражасига бўлган талаб), таълим-тарбия дастурий хусусияти, таълим жараёнининг тузилиш тарихи, унинг мақсадга эришиш даражасини босқичма-босқич ва якуний диагностикасига мўлжалланган кўлам ҳамда вақтини, таълим ва маълумотлилик даражасини белгилайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ ДТС ишлаб чиқиш тамойилларининг асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- гуманитарлаш ва инсонпарварлаш;
- назарийлаштириш (фундаментализация);
- умумтаълимий ва касбий тайёрлов;
- таълим – касбий программа долзарблиги;
- талабаларнинг академик зарбдорлиги;
- фанлар қисмлари ва гуруҳларнинг уйғунлиги;
- мустақил давом эттириш имкониятларини кенгайтириш;
- сифатнинг кўп босқичли назорати.

Педагогик жараённинг мазмуни белгиланган мақсадларга мувофиқ ва қуйидаги: “Нимага ўқитиш ва шахснинг қандай сифат ва хислатларни шакллантириш” саволларига жавоб беради.

Мазмун – инсон ривожланиши мақсадлари билан мувофиқликда танланадиган ва унга етказиб бериладиган, авлодлар ижтимоий маҳорат қисми.

Педагогик жараён мазмунида икки ўзаро боғлиқликдаги таркибий ташкил этувчиларни – *ўқитиш мазмуни* ва *тарбиялаш мазмуни* ажратиб кўрсатиш мумкин.

Уларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятига эга, яъни ўқиш мазмуни “*нимага ўқитиш керак?*”, тарбиялаш мазмуни – “*шахсда қандай сифат, хислат, муносабатларни шакллантириш керак?*” саволларига жавоб беради.

Ўқитиш мазмуни (ўқитиш, маълумот олиш) таълим жараёнида эгаллаши зарур бўлган, илмий билим, амалий кўникма ва малакалар тизими.

Ўқув ахборотининг манбаси адабиётлар ва ўқув қўлланмалар, луғатлар, маълумотномалар ва маълумотли манбалар ҳисобланади. Умумлаштирилганда улар фан бўйича ўқитиш мазмунини ташкил этади.

Ўқув ахборотини танлаш қуйидаги омилларга асосланади:

- ✓ Белгиланган мақсадлар билан – қандай мақсад билан ўрганиш?

✓ Мавжуд бошланғич вазият ҳолати билан- берилган мазмунни амалга ошириш учун мақбул шароитлар мавжудми?

✓ Мазмунни тузилмавийлик хусусияти билан – фан ёки модулли, ёки масофавий таълим учунми?

✓ Таълим стандарти билан- нимани ўрганиши керак?

✓ Танлаб олинган педагогик шакл ва воситалар билан- ахборотни қандай воситалар ва йўллар билан тақдим этиш керак?

✓ Ахборотни баён этиш тартиби билан – қандай тартибда ўрганиш керак?

✓ Ўзлаштириш даражаси билан – қандай даражада ўзлаштириш керак?

Ўқитиш мазмуни таълим бериш ва ўз ўзини ўқитиш жараёнида амалга оширилади, яъни ақлий фаолиятда.

Ўқитиш мазмунига қуйидаги таркиблар киради:

-Табиат, жамият, техника, фикрлар ва фаолият йўллари тўғрисидаги илмий билимлар;

-Ақлий билимлар ва амалий кўникма ва малакалардан иборат бўлган, фаолият йўлларини амалга оширувчи тажриба;

-Ижодий, изланувчилик фаолияти тажрибаси.

Ўқитиш мазмуни қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан аниқланади:

Давлат таълим стандарти, ўқув муассасининг ўқув режаси, ўқув дастурлари, адабиёт ва ўқув қўлланмалар.

Давлат таълим стандарти. Давлат таълим (тармок) стандарти (ДТС) мутахассисликларнинг ёзма модели бўлиб, касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларни ҳамда шахсий фазилатларни ўзига қамраб олади.

ДТС асосида қуйидагилар амалга оширилади:

- таълим мазмуни танлаб олинади ва шакллантирилади;
- ўқув дастурлаштириш ва методик ҳужжатлар, таълим воситалари ишлаб чиқилади;

- таълим натижаларига қўйилган талаблар шакллантирилади;
- касбий тайёргарлик сифатини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилади;
- таълим муассасаси аттестация қилинади;
- касбий маслаҳат, касбга йўналтириш, касбий танлаш ишлари ташкил этилади;

ДТСни ишлаб чиқишни ташкил этиш.

ДТСнинг амалий муҳимлигини ҳисобга олиб, уни қуйидаги тартибда ишлаб чиқиш тавсия этилади:

- муаллифлик жамоаларини тузиш;
- алоҳида бўлимларни ишлаб чиқиш, уларни дастлабки баҳолаш ва ўзгартиришлар киритиш;

- ДТС лойиҳасини тузиш, уни эксперт баҳолаш;

- якуний ишлов бериш, таҳрирлаш, расмийлаштириш ва тасдиқлаш;

ДТСнинг мазмуни қуйидагилар асосида аниқланади:

- Давлат ва соҳа меъёрий, техник ва технологик ҳужжатлар;

- меҳнат бозори талаблари;

- мутахассис меҳнат фаолияти мазмуни;
- илмий техник тараққиёт ва бозор муносабатларининг ривожланиши таъсирида ушбу соҳадаги меҳнат анъаналарини ривожланиши;
- мавжуд тарификация ва аттестация тузилмалари;
- чет эл касбий таълим стандартларини ўрганиш, таҳлил этиш ва шу кабилар.



2.2. Мутахассисларга касбий талаб - Касблар таснифлагичи: моҳияти ва функциялари

Таснифлагич ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминловчилар, ўрта махсус, касб-хунар таълимида Давлат таълим стандартлари ўқув режалари, дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқарувчилар таълим муассасалари раҳбарлари, республика ва маҳаллий бошқарув ташкилотлар мутахассислари, вазирликлар, муассасалар ва бошқа республикамиз хўжаликларини ривожлантиришда фаолият кўрсатаётган субъектлар учун мўлжаллангандир. Таснифлагич касб-хунар коллежлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг қайси вазирликка, қарашли эканлигидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар айнан қўлланилиши шарт.

Таснифлагичда қуйидаги таърифлар қўлланилган: тайёрлов йўналишлари; касблар ва ихтисосликларнинг умумдавлат таснифлагичи (ТИКИУТ); ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида кичик мутахассисларни тайёрлаш бўйича тайёрлов йўналишлари; касблар ва мутахассисликларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

Малака мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражаси, ундаги маълум ишни бажариш учун зарур бўлган билим, иш-ҳаракат усуллариининг аниқ, тез фурсатда, талаб даражасида бажарилишидир. У мутахассиснинг малакасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, у ҳақида тоифа ёки дипломнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Кичик мутахассис таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштиришга, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражасидир:

Кичик мутахассис:

- назарий ва амалий билимлар мажмуасига касбий билим, кўникма ва малакаларга;
- мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданият, ижтимоий аҳамиятли хусусиятлар ва шахсий фазилатларга эга бўлади.

Ихтисослик - бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Касблар таснифлагичининг мазмуни ва унинг вазифалари

ЎМКХТ таълим муассасаларидаги тайёрлов йўналишлари аниқ касбий фаолият соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доирасидир. Мутахассислар касбий фаолиятининг аниқ соҳаси бўйича тайёрлов йўналишлари номи меҳнат фаолиятининг мазмуни ва хусусияти орқали аниқланади.

Касб - махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуаси, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг (машғулотининг) туридир.

ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари ва касблар коди - касбий фаолият соҳаларига мувофиқ касблар ва ихтисосликлар бўйича тайёрлов йўналишлари ихтисослаштирилган рўйхатининг рақамли белгисидир.

Амалдаги таснифлагичда қуйидаги саккиз соҳа назарда тутилган: **100000-** Таълим

200000 - Гуманитар фанлар ва санъат;

300000 - Ижтимоий фанлар;

400000 - Фан;

500000 – Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари;

600000 - Қишлоқ хўжалиги;

700000 - Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;

800000 - Хизматлар.

Таснифлагичда таълим босқичлари ва таълим соҳалари тайёрлов йўналишлари ва касблар қуйидагича еттита рақамли код билан белгиланади. Таълимнинг ҳалқаро классификациясига биноан таълим босқичи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими 3 рақами билан белгиланади, масалан, 3144610, 3210210, 3380110 ва ҳ.к.

X X X XX XX -

Мутахассислик коди

Тайёрлов йўналиши коди

Таълим соҳаси коди

Билим соҳаси коди

Таълим дастури босқичи коди

Биринчи рақам - *таълим дастури босқичи коди*;

Иккинчи рақам - *билим соҳаси коди*;

Учинчи рақам - *таълим соҳаси коди*;

Тўртинчи ва бешинчи рақамлар - *тайёрлов йўналиши коди*;

Олтинчи ва еттинчи рақамлар — *мутахассислик коди*;

Таснифлагичдан қуйидаги вазифаларни ҳал этишда фойдаланилади:

- ҳудудий бандлик дастурларини ишлаб чиқиш;
- миллий ва ҳудудий меҳнат бозорларида ижтимоий меҳнат соҳасидаги жараёнларини таъминлаш ва тартибга солиш;
- иш кучининг самарадорлигини ва иш кучига кетаётган сарфларни аниқлаш;
- меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва меъёрлаштиришни такомиллаштириш;

- халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва асосланган узлуксиз таълим дастурини ишлаб чиқиш;

- меҳнат статистикаси соҳасида ахборотнинг халқаро миқёсда таққосланишини таъминлаш.

ДТСнинг ташкилий-бошқарув функцияси таълим тизимини сифат ва миқдор тавсифларини тартибга солиш, чегаралашдан иборат. Булар воситасида шахс, давлат, жамият, иш берувчи томонидан назорат этиш таъминланади.

Ҳар бир таълим хизматини талаб этувчининг таълимдан ўз мақсад ва қадрияти бор:

- *шахс* бундай таълимда ўзининг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш ва имкониятларини намоён этишни кўзлайди;

- *жамиятга* таълимдан юқори даражадаги ижтимоий ва ахлоқий самара лозим;

- *давлат* таълим тизимидан фуқароларни ўқитиш ва тарбиялашни, миллий уйғониш мафқураси ҳамда умуминсоний қадриятлар устуворлиги асосида уларда маънавият ва ахлоқий мифатларни ривожлантиришни кутади;

- кадрларни *талаб этувчилар* таълимдан рақобатбардош товарлаш ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлашни кутади.

ДТС мувофиқлашган мужассам мақсадни излашга даъват этади. Шундан сўнг мезонлар ёрдамида стандартда кўзда тутилган мақсадга ва сифатга эришиш орқали ижтимоий тартибга солишни бошқариш ва таълимни бошқариш амалга оширилади.

Шахс таълимий хизмат истеъмолчилиги сифатида ДТСга мувофиқ танлов асосидаги курслар ва фанлар кўламида ўз таълимини бевосита бошқаради, булар ДТСнинг институционал таркибларини ташкил этади. Мазкур таркибнинг йўналиши, мазмуни ва тузилиши таълим муассасаси томонидан ўз анъаналари, илмий-педагог маданияти ҳисобига олган, атроф ижтимоий маданият ва иқтисодий муҳит билан бирга ҳаракат қилган ҳолда белгиланади.

Давлат бошқаруви таълимда ДТСнинг давлат компоненти - таълим умуммиллий меъёрлари билан белгиланади. Давлат шахс, жамият ва ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бакалаврият йўналиши ва магистратура ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаш мазмуни ва даражаси мажбурий минимумига талабаларни шакллантиради.

Бакалаврият таълим-касб дастурида давлат талабига кўра қуйидаги вазифаларни бажаради:

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар қисми:

- миллий истиқлол ғояси ва демократияни, илмий дунёқарашни, юксак ахлоқ ва маданиятни, демократик, ҳуқуқий ва иқтисодий тафаккурни шакллантиради;

- таълимнинг миллий йўналиши; таълим ва тарбия бирлигини таъминлайди.

Математик ва табиий-илмий фанлар қисми:

- математик билимлар ва моделлаштириш, информацион технологиялар тўғрисида таасуротларни шакллантиради;

- табиий фанлар асоси бирлиги, замонавий табиий билимлар концепцияси, табиий фанлардан энг янги нашрлар ва фанда, техника, технологияда улардан фойдаланиш истиқболи тўғрисида, табиатдан ва инсон фаолиятдан одилана фойдаланиш экологик тамойиллари хусусидаги тасаввурларни шакллантиради;

- фан тегишли соҳалари учун зарур назарий фанларни ўрганишни чуқурлаштиришни таъминлайди.

Умумтаълим фанлар қисми:

- умумкасбий фанлар бўйича чуқур билимни шакллантиради;

- таълим йўналишлари бўйича махсус фанларни ўрганиш учун замин тайёрлайди;

- касбий фаолият малака ва кўникмаси ҳосил қилади.

Махсус фанлар қисми:

- таълим йўналишлари бўйича касбий фаолиятга доир билим, малака ва кўникмаларни шакллантиради;

- муайян ихтисослик бўйича кейинги таълимни онгли танлашни белгилайди;

- илмий-техникавий ютуқлар, таълим йўналиши муаммолари ва ривожланиши истиқболи ҳақида тасаввур беради.

Магистратура таълим-касб дастуридаги давлат қисмида икки асосий масала ҳал этилади: умумметодологик ва бакалавриат негизида юқори малакали кадрлар етиштириш, махсус тайёрлов.

Меҳнат бозори малакали талаблар воситасида, кадрлар касбий фаолияти соҳаси, объекти ва турларини, шунингдек, улар касбга кўникишини аниқлаб таълимни бошқаради.

Хулоса қилиб айтганда, кадрлар тайёрлаш миллий модели Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашга асос бўлиб ҳисобланади. Таълимнинг мақсади ва қимматини, унинг мазмуни ва натижасини, таълим-касб дастурлари асосий хусусиятини, таълим жараёни шаклий тузумини, унинг мақсадга эришиш даражасини, босқичма-босқич ва якуний ташхислаш мўлжалланган кўламини ва вақт меъёрини, таълим ва маълумотлилик даражасини белгиловчи давлат таълим стандарти ҳисобланади.

ДТСнинг ташкилий-бошқарув вазифаси – таълим тизими сифати ва микдорий тавсифини тартибга солиш ва чегаралашдан иборат. Булар ёрдамида корхона, давлат, жамият, иш берувчи ва ҳ.к.лар томонидан таълимни назорат қилиш таъминланади



2.3. Ўқитиш мазмунига ўқув режа ва дастурлар такдим этилиши

Таълим мазмуни ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда ифодаланган.

Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.

Ўқув режаси – барча таълим муассасасида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва

ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатил Ўқув режаси – давлат ҳужжатидир.

Таълим муассасаларининг ягона ўқув режаси таълим вазирликлари томонидан тасдиқланади.

Ўқув режасини тузишда қуйидаги омилларга асосланилади:

ⓐ Ўқув режаси ўқув – тарбия ишининг мақсад ва вазифаларига асосланади. *Мақсад* – илмий билимлар бериш, олган билимларини ҳаётда қўллай олишга ўргатишдир.

ⓑ Таълим муассасаларининг бирлиги ўз қоидаларига асосланади.

ⓒ Таълим муассасаларида бир бутун тугал билим берилади.

ⓓ Ўқув режасига киритилган фанларнинг ҳажми қайси босқичда ўқитилиши, ажратилган соати, талабаларнинг ёши ва билим савиясига қараб берилади. Фаннинг ҳажми, оғир – енгиллиги, дидактик аҳамияти ҳам эътиборга олинади. Ўқув режасига киритилган фанлар, биринчи навбатда, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилгандир. Унда таълимнинг илмийлиги, ғоявийлик ҳамда Ўзбекистоннинг келажагига муносиб баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказиш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам унда табиат ва жамият ҳақидаги илмий билимлар, ишлаб чиқариш асослари, санъат ва жисмоний тарбия, соғлом авлоднинг маънавий қиёфаси асосий ўринни эгаллайди.

Ўқув дастури – ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий – сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси босқичда алоҳида фанлар бўйича талабаларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Маълум мавзу юзасидан талаба ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодаб берилади.

Дарслик – ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланар эди.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда айрим фанлардан ўқув қўлланмалар ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари ва шу кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.¹

Талабалар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ҳам дарсда, ҳам уй шароитида мустақил иш олиб борадилар. Дарслик материали катта тарбиявий аҳамиятга эга. У билан ишлаш тарбияланувчиларнинг ақлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашнинг, ахлоқ-одоб, нутқ ва тафаккурнинг ва мустақил фикрнинг ривожланишига ёрдам беради.

¹ Хўжаев Н. ма бошқалар. Таълим назарияси. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2003. 28-бет.

Тушунча ва таянч иборалар: Давлат таълим стандартлари, кичик мутахассис, касблар таснифлагичи, ўқитиш мазмуни, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар қисми, математик ва табиий-илмий фанлар қисми, умумтаълим фанлар қисми, махсус фанлар қисми

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Таълим мазмуни Давлат таълим стандартларида қандай ифодаланади?
2. ДТС асосида нималар амалга оширилади:
3. ДТС ишлаб чиқишни ташкил этиш нимадан бошланади?
4. Мутахассисларга касбий талаб - Касблар таснифлагичини ёритиб беринг.
5. Ўқитиш мазмунида ўқув режа ва дастурларнинг аҳамияти?
6. Дарслик нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь
2. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент, 2018 йил 5 июн
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
4. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.
5. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
6. Жуков Г.Н, Матросов П.Г, Каплан С.Л. Основы общей и профессиональной педагогики.-М.: Гардарики, 2005.
7. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.

ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ-МУТАХАССИСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Режа

3.1. Мутахассис модели таълим мақсадларини аниқлашнинг асоси сифатида.

3.2. Ўқитиш мақсадларини белгилаш йўллари. Мақсадлар таксономияси.

3.3. Мутахассислик фанларини ўқитишда билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўллариغا даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини белгилаш.



3.1. Мутахассис модели таълим мақсадларини аниқлашнинг асоси сифатида

Узлуксиз таълим шароитларида касб таълим муассасаларида таълим мақсадлари замонавий жамият олдида турган, ижтимоий-иқтисодий вазифалардан келиб чиқиб ифодаланади.

Мақсад – олдиндан англаб олинган ва режалаштирилаётган натижа. Уни ютуғи инсонни онгли, мақсадга йўналтирилган фаолиятини талаб этади. Мақсад ва мақсадни белгиловчи фаолият - фақат бир жараёнинг, яъни белгиланган натижага эришиш жараёнини элементи ҳисобланади. У ўйлаб чиқилмайди, балки ривожланаётган жамият талабларидан келиб чиқади. Асосий мақсадни танлашни унга эришиш воситалари аниқлайди: методлар, иш услублари, ўқитувчилар.

Мақсадни белгилаш жараёнини бутун бир мақсадлар иерархиясини жойлаштириш бўйича ўқитувчининг мураккаб, тизимли фаолияти сифатида қўриш муҳим: мутахассисни тайёрлашга бўлган умумий талабдан – белгиланган йўналишдаги мутахассис шахсига бўлган талаб орқали ифодаланувчи, берилган мутахассислик, касби бўйича таълим мақсади орқали - аниқ фан бўйича таълим мақсадига.

Фанга оид мақсадлар умумий, фанни хусусиятловчи ва алоҳида турларга бўлинадилар.

Умумий мақсадлар ўқув фанига таалукли бўлиб, бутун таълим олиш даври мобайнида ўрганилади.

Фанни хусусиятловчи мақсадлар талаба берилган фанни бир йил мобайнида ўрганиши натижасида, ечишни ўрганиб олиши лозим бўлган вазифалар билан боғлиқ.

Алоҳида мақсадлар – ушбу ўқув фанларини аниқ бўлимлари, мавзуларини ўрганиш мақсадлари.

Педагогик мақсад – бу ўқитувчи ва талаба томонидан уларнинг ўзаро ҳаракатини умумлашган фикрий пайдо бўлувчилар шаклида олдиндан кўра билишидир.

Ўқитувчи мақсади – ўқитиш-ўргатиш. Ўқитувчи уни белгилаши бўйича аниқ ҳаракатларни бажаради: ажратади, таҳлил қилади, ифодалайди.

Талабалар мақсади – ўқиш-ўрганиш. Ҳар бир талаба турли аниқликда, тўлиқликда ва англаган ҳолда ўзининг мақсадларига интилади: касбий ҳаракатларга ўрганиш, бошқаларга нисбатан вазифаларни яхши бажариш, топшириқларни тез бажаришидир. Талабалар мақсади ўқитувчи мақсади билан мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин. Бундай пайтда ўқитувчи уларни яқин келтириш йўлларини топиши муҳим.

Педагогик жараён мақсадлари:

1.Таълимий мақсадлар – билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш масалан, талабаларда иқтисодиёт асослари тўғрисида билимларни шакллантириш;

2.Ривожлантирувчи мақсадлар – ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган билиш жараёнларини сезиш, қабул қилиш, фикрлаш, хотира, тасаввур қилиш орқали шакллантириш. Масалан: талабаларда топшириқларни мустақил ечиш кўникмаларини шакллантириш; талабаларда фикрлашни ривожлантириш;

3.Тарбиявий мақсадлар – амиятга, меҳнатга, касбга, ўқув муассасасига, дарсга, фанга, ота-онага, ўзига, табиатга, санъатга, шунингдек шахсий сифтларни: ватанпарварлик, ҳалқпарварлик, инсонпарварликни шакллантириш. Масалан: талабаларда иқтисодчи касбга бўлган қизиқишларини шакллантириш.

Мақсадлар тузлиши доимий бўлиб, у алгоритмли аниқлади:

Мақсадли объект – талаба, тингловчи, ўқувчи ва б.

Мақсадли ҳаракат – мақсадли фанни ривожлантириш учун қилинадиган, ўқитувчини аниқ ҳаракати

Мақсадли предмет – педагогик жараён мобайнида ҳосил қилиш лозим бўлган, талаба шахсининг жиҳатлари (унинг тажрибаси, йўналтирилганлиги, сифати)



3.2. Ўқитиш мақсадларини белгилаш йўллари. Мақсадлар таксономияси

Таълим тизимидаги ўқув жараёнини ташкил этишда биринчи кадам бу ўқув мақсадларини аниқлаш ҳисобланади. Биз бугунги кунда дарснинг мақсадини умумий ҳолда белгилаймиз ва шунинг учун ҳам эришган натижамизни баҳолашда қийналамиз. Бундай умумий мақсадни белгилаш педагогик технологияни қониқтира олмайди. Таълим технологиялар дарс мақсадини белгилашда ҳам аниқлик бўлишини талаб этади. Аниқ мақсадларни белгилаш назорат ва баҳолаш ишини енгиллаштиради ва бу жараёнга ойдинлик киритади. Шунинг учун ҳам биз таълим технологияларни кўллашдаги биринчи кадам бу аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқишдир.

Аниқлаштирилган мақсадлар педагогга назорат ишини белгилашда, баҳолашда ва усулларни аниқлашда катта имкониятлар яратади. Барча этаплар бир мақсадга бўйсунди ва юқори натижани кафолатлайди.

Маълумки, анъанавий таълим қуйидаги изчилликда ташкил этилади:

1. Умумий мақсадни белгилаш.
2. Усулларни аниқлаш.
3. Назорат ишини аниқлаш.
4. Баҳолаш.

Анъанавий таълим тизимида ўқув жараёнида умумлаштирилган ўқув мақсадлари белгиланади. Масалан: экологик маданиятни шакллантириш, сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Кўриниб турибдики, бундай қўйилган мақсад мавҳум характерга эга, чунки тушунча турли даражада ҳосил қилиниши мумкин. Бундай мақсадни текшириш ва баҳолаш ҳам муаммоли. Бундай мақсадни белгилаш ишда ноаниқликни вужудга келтиради. Натижада ўзлаштириш самарадорлиги ҳам пасаяди. Бундай тизим педагогик технологияни қониқтира олмайди. Умумий мақсадларни эса текшириш қийин ва бунда ҳар бир ўқитувчи ўз тушунчасидан келиб чиққан ҳолда текшириш ишларини ташкил этади. Умумий мақсад ўқитувчи нимага эришмоқчи эканлигини аниқ кўрсата олмайди, ўқувчида эса умумий тушунчалар ҳосил қилишгагина хизмат қилади.

АҚШ ва Англияда ўқитувчи ва талабалар учун алоҳида аниқлаштирилган мақсад планлари тузиш қабул қилинган. Ўқитувчилар учун тушунтириш, кўргазмали қуролларда фойдаланиш, ўргатиш кабилар назарда тутилса, талабалар учун талаба дарс охирига бориб нимани билиши, ишлай олиши, қўллай олиш керак деган йўналишда тузилган. Дарсдан олдин билмаган ва дарс давомида ўрганиб, уни қўллай оладиган вазифалар белгиланган. Талабалар ушбу мавзунини ўрганишда улардан нималарни билиш ва бажара олиш талаб этилаётганини аниқ билдилар ва дарс давомида ана шу моментларга ўз диққатларини кўпроқ қаратадилар.

Ҳар бир қўйилган мақсад алоҳида ўз мазмунига хос равишда текширилади ва натижалар таҳлил қилиниб хулосалар чиқарилади. Аниқлаштирилган мақсадли лойиҳада ўқитувчи аниқ тушунчалардан фойдаланиши лозим. Бунинг учун аниқ ва мавҳум тушунчаларни ажрата олиши керак. Масалан,

Мавҳум тушунчалар:

1. Ўрганмоқ.
2. Танишиб чиқмоқ.
3. Кўриб чиқмоқ.
4. Тушунмоқ.

Аниқ тушунчалар:

1. Белгилаб чиқмоқ.
2. Гуруҳларни ташкил қилмоқ.
3. Ажратиб олмоқ.
4. Тузиш.
5. Ёддан айтиб бермоқ.
6. Масала ечмоқ.

Масалан текшириш учун савол таклиф қилсак:

Дарсдан асосий мақсад:

1. Талабаларда қонуният ҳақида тушунча ҳосил қилмоқ.

2. Талаба қонуниятни ёддан айтиб бериши ва амалда масала ишлаши лозим.

Ушбу мақсадларнинг қайси бири аниқ ва уни текшириш осон?

Аниқ мақсадни белгилаш талабадан ва ўқитувчидан нима талаб этилаётганлигини аниқ англаб етишга ёрдам беради ва натижани баҳолашда қулайлик вужудга келтиради. Қуйида фанларни ўқитишда ўқув мақсадларини белгилаш йўллари орқали самарадорлик даражаларини ифодалаш мумкин бўлган чизма келтириб ўтилмоқда.

1-жадвал

Фанларни ўқитишда ўқув мақсадларини белгилаш йўллари

№	Одатдаги мақсадни белгилаш йўллари	Самарадорликни белгилаш
1.	Мақсадни ўрганилаётган мазмун орқали аниқлаш: "... ҳодисани ўрганиш", "... теоремани ўрганиш"	<i>Салбий томони:</i> воситавий ҳсобланмайди, натижа аниқ эмас.
2.	Мақсадни ўқитувчи фаолияти орқали аниқлаш: "... билан таништириш", "... тўғрисида тушунтириш".	<i>Салбий томони:</i> ўқитувчи диққатини ўзининг ҳаракатларига қаратади, натижа аниқланмаган.
3.	Мақсадни ўқувчилар фаолияти орқали белгилаш: "... топшириқни ечиш", "... машқ бажариш".	<i>Салбий томони:</i> фаолиятни ташқи томонига диққатга қаратилади, унинг оқибатлари-ўқувчи ривожланишидаги ўзгариш белгиланмаган.
4.	Мақсадни ўқувчиларнинг шахсий ривожланишининг ақлий, эмоционал ички жараёнлар орқали белгилаш: "... кўникмани шакллантириш", "... билиш мустақиллигини ривожлантириш", "... муносабатларни шакллантириш".	<i>Ижобий томони:</i> ўқитиш умумлашган мақсадлар даражасида. <i>Салбий томони:</i> ўқитиш аниқ дарс, мавзу мақсадлари даражасида (натижалар кўрсатилиши, аниқлаштириш лозим).
5.	Мақсадни талабаларни аниқ ҳаракатларида ифодаланган, ўқитиш натижалари орқали белгилаш: "аниқ далил, қоида, тушунчаларни билади", "... тушунади ... ўзгартиради", "... бажара олади", "... учун қоидани қўллади".	<i>Ижобий томони:</i> ўзлаштириш эталонини аниқлаш имконини берувчи, воситавий мақсадни белгилаш йўли.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари албатта биринчи ўринда назорат иши орқали текширилиши керак. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда тест ва назорат ишлари танланади. Танланган назорат ҳар бир мақсад учун алоҳида қўлланилади. Масалан, биринчи қўйилган мақсад учун алоҳида, кейинги мақсадга эришиш учун алоҳида назорат иши топилиши керак. Барча назорат ишлари умумлаштирилиб охирги баҳолаш маълум қилинади.

Масалан:

1- мақсад- таърифни ёддан билиш деб белгиланган бўлса, уни ёддан айтиб бериш талаб этилади;

2- мақсад- формулани амалда қўллашга ўргатиш бўлса, уни амалда масала ишлаб қўллаш талаб этилади;

3- мақсад- формулани ноанъанавий ҳолатда қўллаш бўлса, унга мос мисол танланади ва уни ишлаш талаб этилади. Шундай қилиб нечта мақсад аниқлаштирилган бўлса, шунча назорат иши ҳам ишлаб чиқиши керак бўлади. Шундай қилиб мақсад ва назорат иши ўртасида уйғунлик ҳосил қилинади. Назорат ишларини танлашда албатта мақсаднинг характери ҳисобга олинади. Аниқ белгиланган мақсадлар эса текширишни осонлаштиради. Назорат ишларида турли хил тест турларидан фойдаланиш мумкин.

Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлашда Б.Блум таксономияси мавҳум тушунчаларни баҳолашда нималарга эътибор қаратиш лозим деган саволни ёритишга ёрдам беради. Унда ўқитиш мақсадлари когнитив (билиш) ва аффективной (эмоционал) соҳаларда тақдим этилган.

Агар ўқитувчи мавҳум тушунчаларни қўллаган бўлса Б.Блум таксономиясидан фойдаланиши мумкин. “Таксономия” тушунчаси биология фанидан кириб келган бўлиб, классификациялаш, кетма-кетлик ва динамик боғлиқликда тизимлаштириш деган маънони билдиради. Таксономия (юнон. *тахис*- тартиб бўйича жойлашув ва *номос*- қонун) – мураккаблик даражаси бўйича ўқитиш мақсадларини тартибли жойлашишини аниқлаш, атама.

Таълимнинг мақсади таълим олувчининг фикрлари, ҳислари ва ҳаракатларини ўзгартириш экан, натижада-шахсий қадриятлар ва эътиқод ҳосил бўлади.



1-расм. Б.Блум таксономияси

2-жадвал

Тушунчалар	Характеристика
1. Билиш	Терминларни, фактларни, белгиларни билиш, классификациялаш.
2. Тушуниш	Ўз сўзлари билан тушунтира олиш.
3. Қўллаш	Билимлардан фойдалана олиш.
4. Анализ	Элементларга ажрата олиш.
5. Синтез	Умумлаштира олиш.
6. Баҳолаш	Мавзуга нисбатан ўз фикрини билдириш.

3-жадвал

Ўқув мақсад тоифалари (Б.Блум бўйича)

Ўқув мақсадларини асосий тоифалари	Умумлашган турдаги ўқув мақсадлари намуналари
1. Билим – ўрганилаётган материални эслаб қолиш ва қайта тиклаш.	Талаба билади: фойдаланилаётган атамаларни; аниқ далилларни; метод ва иш тартибини, асосий тушунча, қоида ва йўлларни.
2. Тушуниш – материални бир шаклдан бошқада ифодаланганга ўзгариши талабани материални изоҳлаши (тушунтириш, қисқа баён қилиш).	Талаба: далилларни, қоида ва принципларни тушунади; схема, график, диаграммаларни изоҳлайди; оғзаки материални математик ифодалашларга ўзгартиради.
3. Қўллаш – ўрганган материални аниқ шароит ва янги вазиятларда қўллай олиши	Талаба: қонун, назарияларни аниқ амалий вазиятларда қўллайди, метод ва иш тартибини тўғри қўллашни намоиш этади, тушунчаларни ва принципларни янги вазиятларда қўллайди.
4. Таҳлил – материални шундай таркибларга бўлиш керакки, бунда уни тузилиши аниқ кўринсин.	Талаба: ёпиқ (аниқланмаган) тахминларни ажратади, хулосалар мантиғидаги хатолик ва тушиб қолдиришларни кўради, далил ва оқибатлар ўртасида фарқларни ўтказади, маълумотларни аҳамиятлилигини баҳолайди.
5. Синтез – Янгиликка эга бўлган, умумийликни олиш, элементларни умумлаштира олиши	Талаба: ижодий ишлар ёзади, тажрибани ўтказиш режасини таклиф қилади, у ёки бошқа муаммони ечиш режасини тузиш учун, турли соҳадаги билимларни қўллайди.
6. Баҳо- Аниқ мақсад учун у ёки бошқа материал (тасдиқлар, тадқиқот, изланувчилик маълумот) аҳамиятини баҳолай олиши	Талаба: материални мантикий тузилишини ёзма матн кўринишида баҳолайди, хулосаларни эга бўлган маълумотларга мувофиқлиги баҳолайди, у ёки бу фаолият маҳсули аҳамиятини ички мезонлардан келиб чиқиб баҳолайди, у ёки бу фаолият маҳсули аҳамиятини ташқи мезонлардан келиб чиқиб баҳолайди



3.3. Мутахассислик фанларини ўқитишда билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўллариغا даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини белгилаш йўллари

Мутахассислик фанларини ўқитишда билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўллариغا даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини белгилаш йўллари беш қисмга бўлинади:

1. *Билишликка оид* (таниш бўйича ҳаракатланиш)

2. *Тартиблиликка оид* (алгоритм, намуна, ўхшашлик бўйича ҳаракатланиш)

3. *Ижодий фикрловчиликка оид* (эвристик ҳаракатларни танлаш)

4. *Ижодкорликка оид* (ҳаракатларни излаш)

1.Билишликка оид (таниш бўйича ҳаракатланиш) таълим мақсадларини белгилашда мақсад ва натижалари шакллантирилиши ҳамда ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича бўлади:

Таълим мақсади: ...тўғрисида тушунчаларни шакллантириш.

Натижалар:

- (маълум, таниш нарсани ўзгартиришсиз, умумий тахминларни) тушунтиради, айтади, санаб ўтади;

- (ўз сўзларида) қайтариб беради;

- ташқи белги ва хусусиятлари бўйича билади, танийди;

- (сўзма-сўз) ёзади.

Баҳолаш мезони: ахборотни хатосиз қайтаради, тиклайди.

Ушбу натижаларга эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи ҳаракатларининг тавсифи:

Таълим берувчи: таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари бўйича фаолиятларини ташкиллаштирувчи, ахборот манбаи бўлади.

Таълим олувчилар: ахборот - рецептив (қабул қилиш) фаолиятини амалга оширади: эшитидади, кузатади, ўқув ахборотини **эслаб қолади ва хатосиз қайта тиклайди.**

2.Тартиблиликка оид (алгоритм, намуна, ўхшашлик бўйича ҳаракатланиш) таълим мақсадларини белгилашда мақсад ва натижалари шакллантирилиши ҳамда ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича бўлади:

Таълим мақсади: ...тўғрисида билимларни шакллантириш, назарий билимни ўхшашлик бўйича қўллаш, ҳаракатларни тартиб бўйича бажариш малакаларини шакллантириш, (ривожлантириш, мустаҳкамлаш).

Натижалар:

- асосий фикрни ажратади;

- баҳо беради, якун ясайди, исботлайди, таснифлайди; тушунтиради, асослайди, умумлаштиради, ишончли далиллар келтиради, солиштиради ва таққослайди, хулосалар чиқаради.

Баҳолаш мезонлари: ўқув фаолият йўлларини билади, бор билимларини ўзгартиради ва уларни таниш шароитларда қўллайдилар: намуна, ўхшашлик бўйича бажаради.

Ушбу натижаларга эришиши бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи ҳаракатларининг тавсифи:

Таълим берувчи: таълим олувчилар фаолиятини ташкиллаштиради.

Таълим олувчилар: (намуна) кетма-кетлик бўйича репродуктив (қайта тиклаш) фаолиятни амалга оширади: билимларни онгли ўзлаштиради, уларни мустаҳкам эслаб қолади ва қўллайди: ўхшаш ҳолатда ҳаракатларни асос билан намунали ўрганганликлари бўйича таълим берувчи раҳбарлиги остида бажарадилар.

3.Ижодий фикрловчиликка оид (эвристик ҳаракатларни танлаш) таълим мақсадларини белгилашда мақсад ва натижалари шакллантирилиши ҳамда ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича бўлади:

Таълим мақсади: шахсий фаолият тартибини ташкил этиш ва шу бўйича мустақил ижодий изланишни олиб бориш ва билимларни излаб топиш, уларни янги ҳолатларда қўллаш малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Натижалар:

- шахсий фаолиятини режалаштиради ва ташкиллаштиради;
- керакли ахборотни топади, танлайди, қўллайди ва янгидан ҳосил қилади;
- ясайди, мураккаблаштиради, соддалаштиради; синайди;
- билим ва малакаларни янги ҳолатларда таниш ва ностандарт топшириқларни, муаммоли ҳолатларни ечиш учун қўллайди;

Баҳолаш мезони: янги ҳолатда фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади, янгидан ҳосил бўлган билимлари асосида ҳаракатларни бажаради, шахсий фаолиятини мустақил тузади.

Ушбу натижаларга эришиши бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи ҳаракатларининг тавсифи:

Таълим берувчи: таълим олувчилар фаолиятини йўналтиради.

Таълим олувчилар: ижодий фикрловчилик турдаги натижавий ижодий фаолиятни амалга оширади: мустақил тузилган тартиб бўйича мустақил изланиш ва билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни янгидан ҳосил қилади ва уларни янги ҳолатда қўллайди.

4.Ижодкорликка оид (ҳаракатларни излаш) таълим мақсадларини белгилашда мақсад ва натижалари шакллантирилиши ҳамда ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича бўлади:

Таълим мақсади: муаммони мустақил ажратиш ва ечиш қобилияти, тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, нотаниш ҳолатларда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантириш (ривожлантириш).

Натижалар:

- муаммони мустақил ажратади ва уни ҳал этиш йўлини топади;
- тадқиқот объекти ва предметини топади, тадқиқот фарази ва вазифаларини илгари суради, тажриба ўтказиш режасини тузади, тажриба ўтказди, тажриба натижалари асосида фаразни текширади, тажрибадан олинганларни қўллаш чегарасини аниқлайди.

Баҳолаш мезони: тадқиқотчилик турдаги мақсадлар фаолиятини амалга оширади, тизимли ёндашиш йўллариغا эга, таҳлил қилиш малака ва кўникмаларни намоёништириш этади.

Ушбу натижаларга эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи ҳаракатларининг тавсифи:

Таълим берувчи: таълим олувчиларга маслаҳат беради.

Таълим олувчилар: тадқиқотчилик турдаги маҳсулдор фаолиятни амалга оширади.

Тушунча ва таянч иборалар: Аниқлаштирилган мақсад, таксономия, программалаштирилган таълим технологияси, мавҳум тушунча, аниқ тушунча

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Таълим мақсадларини қандай аниқлаш йўллари биласиз?
2. Ўқитиш мақсадларини белгилаш йўллари.
3. Мақсадлар таксономияси.
4. Қандай тест шакллари ва турларини биласиз?
5. Б. Блум таксономиясига изоҳ беринг.
6. Ўқув мақсадлари ва назорат ишлари орасидаги узвийликка изоҳни қандай ифодалайсиз?
7. Бирор мавзуга аниқлаштирилган мақсадли дастур тузинг.

Фойдаланилган адабиётлар

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

5. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент, 2018 йил 5 июн

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -48 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -488 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

7. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.

8. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

Режа

4.1. Ўқитиш методларини таълим бериш жараёнидаги ўрни ва вазифаси.

4.2. Ўқитиш методлари таснифланиши.

4.3. Фаол ўқитиш методлари ва уларнинг хусусиятлари.

4.4. Ўқитиш методларини танлаш.



4.1. Ўқитиш методларини таълим бериш жараёнидаги ўрни ва вазифаси

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб ҳам кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими нафақат бугунги кун талабини балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хулосага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, у икки тамонлама характерга эга. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижани беради. Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малака ташкил қилади.

Таълим бериш усули - белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли ҳисобланади. Усулларнинг танлашни асосий қондаси → турлича эмас таълим бериш мақсадига мос келиши.

Усулларга қўйиладган асосий талаб → натижа берадиган, фақат биттасини қўллаш.

Усулнинг асосий натижавийлигининг мезони → белгиланган вазифани ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва тежамкорлиги.

Таълим технологиясини лойиҳалашда усулни онгли танлаш, уларни ҳар бирининг имкониятларини кўра билиш керак бўлади.



4.2. Ўқитиш методлари ва уларнинг умумий тавсифномаси

Ўқитиш методлари деганда - ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликда бажарадиган фаолият усуллари тушунилади ва бу усуллар таълим олувчиларнинг техник-технологик билимларни, кўникма ва малакаларни эгаллашларига, мустақил равишда билим олиш ва бу билимлардан амалда фойдаланиш қобилиятини оширишга қаратилган бўлади.

Педагогик амалиётда қуйидаги методлар – **оғзаки метод** (оғзаки баён, тушунтириш, суҳбат), **китоб билан ишлаш** (инструктив материаллар), **кўргазмали метод** (кўргазмалар, кино, видеофильм, кузатув), **амалий метод** (машқлар, лаборатория, амалий ишлар)лардан кенг фойдаланилади.

Дидактик вазифаларга боғлиқ ҳолда эса қуйидаги методлар қўлланилади – билимларни ҳосил қилиш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, билимларни қўллаш, мустаҳкамлаш, билим, кўникма ва малакаларни текшириш. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятига мос равишда икки метод ажратилади ва улар 2 гуруҳга бирлаштирилади: репродуктив ва муаммоли изланиш методлари.

Ўқитишнинг *репродуктив ва муаммоли-изланиш методлари* энг аввало, ўқувчиларнинг янги тушунча, ҳодиса ва қонунларни билишдаги ижодий фаолликлари даражасини баҳолаш асосида қисмларга ажратилади.

Репродуктив методлар биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ўқув материалларини мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш, билишга доир фаолиятни бевосита бошқариш, камчиликларни тез аниқлаш учун амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш мақсадида қўлланилади.


Ҳикоя қилиш усули репродуктив тузилганда ўқитувчи қоидаларни, далилларни, тушунчаларнинг таърифини тайёр ҳолда беради, у асосий эътиборини мустаҳкам ўзлаштириб олиниши зарур бўлган асосий томонларга қаратади.

Маъруза ҳам худди шундай тарзда тузилади: ўқитувчи муайян илмий маълумотларни баён қилади, доскага тегишли ёзувларни битади, тингловчилар эса уларни қисқача ёзиб оладилар.

Муаммоли-изланиш таълим дейилганда, ўқув материални ўқувчилар онгида илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб ўрганиш тушунилади. Ўқувчининг фикрлаш фаолиятида мантиқий тўғри, илмий хулосаларни излаш ва ўзлаштиришга рағбатлантирадиган муаммоли вазиятлар юзага келади. Пайдо бўлаётган муаммони ҳал қилиш учун, у ўрганилаётган қоидаларни тўғри тушуниб олишга интилади.

Таълим усуллари таснифлаш эса қуйидаги кўринишга эга:

(Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳамкорий фаолиятини ташкиллаштириш йўли ва ўқув фаолияти натижалари асосида)



2-расм. Таълим усулларини таснифлаш

Биринчи гуруҳ таълим усуллари- (II гуруҳ)

Биринчи гуруҳ таълим усуллари: тайёр ўзлаштирувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билимларни 1- даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар.

МАЪРУЗА

Маъруза – давомли вақт ичида ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материалнинг монологик баён қилиши

Усулнинг асосий *вазифаси* - таълим бериш. *Белгилари*: қатъий тузилма, оғзаки-мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маърузалар муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкиллаштириш усулининг самарадорлик шартлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- ✓ таълим олувчиларга маъруза мавзусининг мақсади, вазифалари ва режани эшиттириш;
- ✓ ҳар бир режани ёритгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш;
- ✓ маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ✓ ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);
- ✓ унинг алоҳида ҳолатлари батафсил кўриб чиқиладиган семинар, амалий машғулотлар билан маърузанинг тўғри келиши.

ҲИКОЯ, ТУШУНТИРИШ

Ҳикоя - ҳодиса, воқеа, ҳақиқат тўғрисида ўқитувчининг монологик хабар бериши одатда у назарий ҳолатларни аниқлаштириш, ўрганаётган материалга қизиқишни уйғотиш учун қўлланилади.

Ҳикоя қилишга асосий талаб-материални ҳиссий етказиб бериш, санъаткорона, таъсирчан баён қилиш.

Тушунтириш – баён қилинаётган материалнинг турли ҳолатларини хона доскасига ёзиб тушунтириш, таҳлил қилиш, изоҳ бериш ва исботлаш орқали ўқув материални баён қилиш

ЙЎРИҚНОМА БЕРИШ

Йўриқнома бериш – касбий тайёргарликда кенг фойдаланиладиган мустақил усул бўлиб, у талабаларга аниқ ҳаракатларнинг вазифаларини, уларни амалга ошириш йўллари, амалий топшириқларни ечиш талабларини, кўникмалардан иборат ҳаракатлар тартибини, маълум турга хос бўлган вазиятлар тавсифи ва уларни амалиётда қўллашни тушунтириш

Ўқув жараёнидаги ўрнига кўра йўриқнома бериш уч турда бўлади:

- 1) кириш ёки йўл-йўриқ бериш;
- 2) жорий;
- 1) якуний.

Кириш йўриқномасини бериш қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

➤ талабаларга бажариладиган иш мазмуни, педагогик ўзаро ҳаракатнинг усул, восита ва шакллари, техник ҳужжатлар ва якуний натижага, меҳнат маҳсулига бўлган талабларни етказиш;

➤ иш бажариш қоидаси ва изчиллиги, алоҳида ҳаракатлар, усулларни тушунтириш;

➤ қийинчиликлар, хатоликлар, меҳнат хавфсизлиги тўғрисида огоҳлантириш.

Жорий йўриқнома бериш қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

➤ ишни бажаришга қийналаётган талабалар ишини тўғрилаш;

➤ ҳар бир талаба ишини кузатиш;

➤ иш турларини бажариш ва иш натижалари вақтидаги мустақилликни ўрнатиш.

Якуний йўриқнома бериш қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

➤ жамоавий ва гуруҳли меҳнат натижаларини баҳолаш;

➤ ўқув – билиш фаолиятнинг мустақиллик даражаси;

➤ меҳнат ҳаракатларини бажаришдаги алоҳида камчиликларни аниқлаш;

➤ касбий муҳим сифатлар, кўникма, ўзини тутишнинг одоб–ахлоқий меъёрларини шаклланганлиги;

➤ баҳолар билан таништириш.

Йўриқнома бериш шаклига кўра оғзаки, ёзма, кўргазмали ва аралаш бўлиши мумкин. Ёзма йўриқнома беришда энг катта самарага эришиш мумкин бўлиб, бунда турли йўриқномали, ишлаб чиқаришли, ўқув-ишлаб чиқаришли ва ўқув-услугий ҳужжатлардан (йўриқномали, технологик, йўриқномавий-технологик ва ҳаракатлар харитаси, ишлар тартиби, қоидаси) фойдаланилади.

Технологик ва йўриқномавий-технологик хариталар ўқув-ишлаб чиқаришли ишларни бажаришда қўлланилади. Улар технологик изчилликдан ташқари, технологик талаб, тартиб, умумий ишларни бажариш воситалари, ишларни бажариш қоидасининг йўриқномали баёнидан иборат бўлади.

Ҳаракатлар харитаси ва ишлар тартибидан ёзма йўриқнома бериш: хизмат кўрсатиш, носозликларни ташхислаш, мураккаб жиҳозларни созлашни ўргатишда фойдаланилади. Улар ишлаб чиқариш фаолиятида бажариладиган турли ишлаб чиқаришли кўрсатма ва қоидаларни ўз ичига олади. Иш ўрнида ҳар бир талабани ёзма йўриқномадан фойдаланиши энг самарали ҳисобланади.

НАМОЙИШ

Намойиш - таълим олувчиларни объект ва ҳодисалар, жараёнларни уларнинг табиий кўринишда кўргазмали-ҳиссий таништириш

Бу усулнинг етакчи вазифаси ўқитиш ҳисобланади. Биз намойишдан ўрганилаётган ҳодисалар, ўзгарувчанликни очиб бериш учунгина фойдаланамиз, шу билан бирга бу усул таълим олувчиларни нарсаларни ташқи кўриниши билан унинг ички тузилиши ёки ўхшаш нарсалар қаторида тутган ўрни билан танишиш учун хизмат қилиши мумкин.

Намойишни кўриб чиқиладиган объектни ёзув тахтасида схемали расм чизиш ёки кўрсатиш, чизмаларни чизиб олиб бориш мумкин, бу намойиш этилаётган объект асосидаги тамойилларни тушунишни енгиллаштиради.

Намойиш усулининг таълимий вазифаси самарадорлиги қуйидагиларни бажара олишни таъминлайди:

- объектларни тўғри танлаш;

- таълим олувчилар эътиборини намойиш қилаётган ҳодисанинг муҳим томонларига йўналтириш;
- таълим олувчилар намойиш қилинаётган объектни яхши кўришлари ва имкон бўйича на фақат кўз, балки барча сезиш аъзолари билан қабул қилиш;
- таълим олувчилар эътиборини имкони борича ўрганилаётган объектнинг муҳим томонларига жалб этиш;
- таълим олувчиларга ўрганилаётган объект сифатларини мустақил баҳолаш.

КЎРСАТИШ

Кўрсатиш нарсa, жараён ва ҳодисаларни уларни тасвирий кўринишда кўрсатиш ва қабул қилишни кўзлайди.

Бу усулнинг асосий вазифаси - ўргатиш. Кўрсатишнинг воситаларига схемалар, жадваллар, расмлар, суръатлар, альбомлар, хариталар, ясси моделлар хизмат қилади.

ВИДЕОУСУЛ

Кўриш усули ахборотни кўпроқ кўргазмали кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениялар, шунингдек ахборотни дисплей билан акс эттирувчи компьютерлар бўйича қабул қилишга асосланади.

Иккинчи гуруҳ таълим усуллари (ИИ гуруҳ)

Иккинчи гуруҳ амалий таълим усуллари: эсда қолганларни тасвирловчи ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 2-даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар

КИТОБ БИЛАН ИШЛАШ

Китоб билан ишлаш усули: таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш ва қизиқтириш вазифаларини бажаради.

Таълим олувчилар китоб билан ишлашлари мумкин:

- ўқув машғулотида сизнинг раҳбарлигингиз остида;
- уйда мустақил.

Уйда китоб билан ишлаш вазифасини ўқувчилар олдида қўйишдан аввал китоб билан мустақил ишлаш усулларига эга эканликларига ишонч ҳосил қилинг:

- унинг тузилиши билан танишиш;
- кўз югуртириб чиқиш;
- алоҳида бобларни ўқиш;
- саволларга жавоб қидириш;
- реферат ёзиш;
- таянч конспектлар тузиш;
- мантиқий тузилмавий чизмаларни тузиш;
- мисол ва топшириқларни ечиш, машқларни бажариш;
- назорат тестларини бажариш;
- материални хотирада сақлаш.

Агарда иш ўқув машғулотида олиб борилса, унда китоб бўйича ўрганадиган материални биз алоҳида қисмларга бўламиз ва уларни назорат қиламиз.

ЛАБОРАТОРИЯ УСУЛИ

Лаборатория усули - бу шундай усулки, бунда таълим олувчилар таълим берувчи раҳбарлиги остида ва олдиндан тайёрланган режа бўйича тажрибалар ўтказадилар ёки амалий топшириқларни бажарадилар, шу жараёнда янги билимларни қабул қиладилар ва англаб етадилар

Усулнинг асосий вазифалари - ўргатиш ва ривожлантириш. Бу усул таълим олувчиларга қуйидаги имкониятларни таъминлайди:

- жиҳоз билан ишлаш малака ва кўникмаларини эгаллаш;
- маълум бўлганларни текшириш ва мустақил тадқиқот йўлларини танлаш;
- амалий малакаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш; натижаларни қайта ишлаш ва аввалгилари билан солиштириш.

Лаборатория усули мураккабдир. У махсус, қимматли жиҳозларнинг бўлиши, нафақат сизни, балки таълим олувчиларнинг ҳам пухта тайёргарлигини талаб этади. Ундан фойдаланиш куч ва вақтни сарфлаш билан боғлиқ. Шунинг учун, тажриба усулини режалаштираётганда, мустақил тадқиқотнинг таълим самарадорлигини оширишга ишонч ҳосил қилиш зарур, чунки бунга бошқа соддароқ, тежамлироқ усуллар билан эришиш мумкин.

МАШҚ

Ўрганилаётган материални амалиётда қўллаш мақсади билан мунтазам ташкиллаштирилган кўп такрорланувчан ҳаракат-машқ дейилади.

Усулнинг асосий вазифаси - таълимий ва ривожлантирувчи.

Машқнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- махсус;
- шарҳлашга оид;
- ёзма;
- оғзаки;
- ишлаб чиқариш.

Учинчи гуруҳ таълим усуллари- (ИИИ гуруҳ)

Учинчи гуруҳ таълим усуллари: муҳокама қилувчи, қисман-изланувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 3-даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар.

СУҲБАТ

Суҳбат – диалогли (юнонча: диалогос - икки ёки бир неча инсонлар орасидаги сўзлашув), таълим бериш ва ўрганишнинг савол-жавобли йўли.

Усулнинг етакчи вазифаси - қизиқтириш: мақсадга йўналтирилган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида таълим олувчиларда берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини эслаш ва баён қилишга ҳаракат қилинади, ўқитувчи раҳбарлигида бошқа таълим олувчилар билан муҳокама қилинади. Таълим олувчилар ўқитувчи билан бирга қадамма-қадам мустақил фикрлаш,

якунлаш, хулосалаш ва умумлаштириш йўли билан янги билимларни англайдилар ва ўзлаштирадилар.

Суҳбатнинг афзаллиги яна шундаки, у таълим олувчилар фикрлашини фаоллаштиради ва билим кучини ривожланишига ёрдам беради.

Суҳбатлар вазифасига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- кириш ёки ташкиллаштирувчи (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни машғулотдаги ишга тайёрлаш);
- янги билимларни етказиш (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни янги материал билан таништириш);
- синтезловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси: таълим олувчилар билимларини тизимлаштириш, “мустаҳкамлаш”, эслаб қолиши ва фикрлаши).

Суҳбатлар ташкилий шакли бўйича ўқув ва “давра суҳбатига” бўлинади.

“Давра суҳбати” ўқув суҳбатидан эркин ҳолатда иштирокчилар жойлашиш тартиби ва асосийси, улар фикрини навбат билан билдириши билан фарқланади.

Энг муҳими саволларни тўғри шакллантириш ва бериш. Улар ўзаро мантикий боғлиқликка эга бўлиши керак, ўрганилаётган савол моҳиятини очиб бериши, тизимда билимларни ўзлаштиришга ёрдам бериши керак. Саволлар мазмуни ва шаклига кўра таълим олувчиларнинг ривожланиш даражасига мос келиши лозим.

Эсда тутинг: осон саволлар фаол билиш фаолиятини рағбатлантирмайди, жиддий муносабат эса билишга рағбатлантиради.

БАҲС (мунозара)

Баҳс (мунозара) - аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклидаги таълим беришнинг фаол усули. Мунозара усули ҳамма вазифаларни бажаради.

Бу усулдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ✓ янги билимларни шакллантиришда;
- ✓ таълим олувчилар у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, уларнинг моҳиятига киришни таъминлашда;
- ✓ таълим олувчиларни далил ва далилларга асосланган хулосалар орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатишда;
- ✓ ўзаро фикр алмашинув кўникмаларни шакллантиришда;
- ✓ таълим олувчиларга шахсий фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишига ёрдам бериш.

Мунозара эркин бўлади, қачонки, у эркин ривожланса, бошқарувчан бўлиши мумкин. У фақат ўзлаштириш лозим бўлган мавзу ва саволларга тааллуқли бўлиши керак.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ УСУЛИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) - амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

Иштирокчилар ақлий ҳужум вақтида мураккаб муаммони ҳал этишга ҳаракат қиладилар: уларни танқид қилишга йўл қўймай уни ҳал этишнинг кўпроқ шахсий ғояларини юзага келтирадилар, сўнгра кўпроқ

оқилона/самарали/мақбул ва бошқа ғояларни ажратадилар, уларни муҳокама қиладилар ва ривожлантирадилар, уларни исботлаш ёки қайтариш имкониятларини баҳолайдилар.

Бу усул ҳамма вазифаларни бажаради, лекин унинг асосий вазифаси - таълим олувчиларни ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларни муаммони мустақил тушуниш ва ечишга қизиқтириш ва уларда муомала маданияти, фикр алмашилиш малакаларини ривожлантириши, ташқи таъсир остида фикрлашдан озод бўлиш ва ижодий топшириқни ечишда бирламчи йўл фикрларини енгиб ўтишни тарбиялайди.

Анъанавий таълимда вазифани ечиш вақтида кўпгина таълим олувчилар ўз ғояларини айтишга ботина олмайдилар. Ўз таклифларининг хатолиги ва таълим берувчининг салбий муносабатидан, бошқа иштирокчиларнинг йўқ қилиб юборувчи танқиди ва кулгисидан асосли кўрқадилар.

ИНСЕРТ

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими.

Инсерт – аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

Инсерт - матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақил билим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи кучли асбоб.

Инсерт - ўзлаштиришнинг мажмуали вазифаларини ечиш ва ўқув материални мустаҳкамлаш, китоб билан ишлашнинг ўқув малакаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган ўқитиш усулидир.

Матнда белгилаш тизими

(√) - мен биламан деганни тасдиқловчи белги;

(+) - янги ахборот белгиси;

(-) - менинг билганларимга, зид белгиси;

(?) - мени ўйлантириб қўйди.

ПИНБОРД

Пинборд (инглизчадан: *пин*- маҳкамлаш, *боард* – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат.

Таълим берувчи:

→ Таклиф этилган муаммони ечишга ўз нуқтаи назарини баён қилади.

→ Оммавий тўғри ақлий ҳужумни ташкиллаштиради.

Таълим олувчилар қуйидаги ғояларни:

→ Таклиф этадилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар энг кўп мақбул (самарали ва бошқа ғояларни танлайдилар ва уларни қоғоз варағига асосий сўзлар кўринишида (2 сўздан кўп бўлмаган) ёзадилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар.

→ Гуруҳ аъзолари (таълим берувчи томонидан белгиланган 2-3 талаба ёзув тахтасига чиқадилар ва бошқалар билан маслаҳатлашиб:

- аниқ хато ёки қайтариловчи ғояларни саралайдилар;
- тортишувларни аниқлайдилар;

– ғояларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгилар бўйича аниқлайдилар;

– шу белгилар бўйича ҳамма ғояларни ёзув тахтасида гуруҳлайдилар (карточка/ варақлар).

Таълим берувчи:

→ Умумлаштиради ва иш натижаларини баҳолайди.

ТАЪЛИМИЙ ЎЙИН

Ишбилармон ва рол (ҳолат)ли ўйинлар муаммоли топшириқнинг бир тури. Фақат бундай ҳолатда матнли материал ўрнига, таълим олувчилар томонидан ўйналадиган сахналаштирилган ҳаётий ҳолатлар ишлатилади

Ўқитиш усули сифатида у куйидаги вазифаларни бажаради:

- **ўргатувчи:** умумўқув малакаларни шакллантириш; ижодий қобилиятни ривожлантириш, шу жумладан, тушуниш, янги ҳолатларни шакллантириш ва таҳлил қилиш;

- **ривожлантирувчи:** мантикий фикрлаш, нутқ, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ривожлантириш;

- **мотивацияли:** таълим олувчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулоса қабул қилишини рағбатлантирмоқ;

- **тарбияловчи:** масъулиятлилик, фикр алмашишликни шакллантириш.

Ўйин усуллари ва дарс шаклидаги машғулот ҳолатларини амалга ошириш куйидаги асосий йўналишларда содир бўлади:

- дидактик мақсад таълим олувчилар олдида вазифа кўринишида қўйилади;

- ўқув фаолият ўйин қоидаларига бўйсунди;

- ўқув материал ўйиннинг воситаси сифатида ишлатилади;

- ўқув фаолиятига дидактик вазифани ўйинга айлантирадиган мусобақа бўлаги киритилади;

- дидактик вазифани муваффақиятли бажариш ўйин натижалари билан боғланади.

Ишбилармон ўйинни ролли ўйиндан фарқи нимада?

Ишбилармон ўйин иштирокчиларига ҳаётий ҳолатда қурилган ўйинли сюжет таклиф қилинади, бунда иштирокчилар олдида ягона умумий мақсад: таклиф этилаётган муаммони ечиш қўйилади.

Шу билан бир вақтда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши лозим. Шунинг учун ечимни ишлаб чиқиш жараёни алоҳидали-гуруҳли хусусиятга эга: ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифали мақсадига мувофиқ қарор қабул қилади, ундан сўнг эса уни гуруҳ билан келишади. Алоҳида вазифали мақсад бажарилиши бутун гуруҳ қарор қабул қилиш натижаларига боғлиқ. Одатда, ишбилармон ўйин давомидаги муаоммони ечиш бир нечта босқичда (2 дан 10 гача ва бир ўйин кўп).

Иштирокчилар ҳаракатини баҳолаш якуний ва оралиқ натижалар бўйича амалга оширилади: оралиқ баҳолаш белгиланган мақсадни амалга оширишда уларнинг англаб етишини ошириш мақсадида бизга ўйин давомида иштирокчилар ҳаракатига таъсир кўрсатиш имконини беради, якуний натижани

баҳолашда иштирокчиларнинг ташкилий фаолиятлари ва улар томонидан вазифали ролли мақсадни бажариш ҳисобга олинади.

Ролли ўйин, ишбилармонлик каби вазиятда кўрсатилган, муаммони ечишда иштирокчиларнинг фаол биргаликдаги ҳаракатларига асосланади. Мавзу қатнашчиларининг битта мажбурий мақсадлари бор - муаммони ечиш. Лекин алоҳидали мақсадлар, ишбилармон ўйиндаги каби келишиб олинмайди. Ролли ўйиннинг ҳар бир иштирокчилар мақсадлари - ғалаба қозониш, ўзини кўрсатиш. Вазиятли ўйин яқунларини нафақат умумий мақсадга эришиш натижалари бўйича эмас ва балки ҳар бир иштирокчининг ролли мақсадларини амалга ошириш бўйича баҳоланади.

Сиз томондан ишлаб чиқилган ўйин ҳақиқий ҳаётга мумкин қадар яқин бўлиши, лекин иштирокчилар учун жуда мураккаб ва қийин бўлмаслиги керак.

ВАЗИЯТЛАР УСУЛИ

Вазиятлар усули – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган

Усулнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- Тарбияловчи – фикр алмашилиш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қилади.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- маълум (ушбу берилган вазифадан).
- номаълум (топиш янги билимлар шаклланишига олиб келади).
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агар таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифанинг мураккаблиги (вазият “ўқув” муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос

қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма акборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантыни тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

Тўртинчи гуруҳ таълим усуллари - (ИВ гуруҳ)

Тўртинчи гуруҳ таълим усуллари: мустақил изланувчилик фаолияти ҳамда 4 даражада билимларни ўзлаштиришни таъминловчи усуллар.

ЛОЙИҲАЛАР УСУЛИ

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим олувчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларида фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар

Лойиҳаларда ўқитиш нафақат натижалар, балки жараёнининг ўзи ҳам қимматли.

Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

КЕЙС-СТАДИ

Таълим бериш вазияти- **кейс-стади** (сасе англиз.- тўплам, аниқ вазият, стади- ўрганиш) – усул, одатий ҳаётни ташкиллаштирувчи вазиятларни яратувчи ва таълим олувчилардан мақсадга мувофиқроқ ечим излашни талаб қилувчи, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

Кейс - таълим олувчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гуруҳ инсонлар ёки алоҳида шахсларни ҳаётини ташкиллаштиришдан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат.

(2) қўшимча ахборотлардан, жумладан аудио, видео ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат.

Ўқитиш вазиятининг долзарблиги:

Аниқ вазият таълим беришни ҳақиқийликка боғлайди: кейс таълим олувчиларга вазиятни ташҳис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича аниқ босқичларни лойиҳалашда амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради.

Кейс таълим олувчиларга таҳлил илиш, тенглаштириш йўллари қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради.

Кейсни кўриб чиқишда таълим оловчилар таълим олиш жараёнини яратадилар ва жараёнда ўзаро ҳаракатда ҳақиқий фикр алмашиш ҳолатларини яратадилар.



4.3. Таълим усулларининг хусусиятлари

Билиш фаолиятини фаоллик даражаси бўйича:

- ✓ Репродуктив
- ✓ Продуктив таълим методлари
- ✓ Ўрганилаётган материални муаммоли баён этиш
- ✓ Қисман-изланувчилик, ёки эвристик
- ✓ Тадқиқотчилик

Бунда куйидаги таълим методларидан фойдаланилади: ҳикоя, маъруза, тушунтириш, китоб билан ишлаш, расмлар, кино, намойиш

Репродуктив таълим методлари:

✓ Ахборотли-рецептив методлар. Ҳикоявий баён этиш-бу ўқитувчини қисқа вақт бўйича оғзаки бадиий-тасвирий монологи.

✓ Тушунтиришлик- кўрсатиб баён этиш- бу узоқ давом этувчи ўқитувчи монологи.

✓ Намойиш этиш-кўрсатиш методлари. Жараён, ҳодисаларни прибор, тажрибалар, техникавий ва тажрибавий қурилмалар, ўқув кинолари, моделлар ёрдамида кўрсатишни назарда тутилади.

✓ Ахборотли матнларни ўқиш. Китоб (матн) билан мустақил ишлаш орқали янги билимларни эгаллаш.

Продуктив таълим методлари

✓ Муаммоли баён этиш- талабаларда муаммоли вазиятларни яратиш йўли билан натижавий фикрлаш фаолиятини фаоллаштирувчи, ўқитувчини оғзаки монологи.

✓ Қисман-изланувчилик, ёки эвристик диалог- ўқитиш жараёнини савол-жавоблантиштириш йўли бўлиб, бунда савол муаммоли хусусиятга эга бўлади, жавоб эса ўқитувчи раҳбарлиги остида талабаларни фаол таҳлилий излаш натижаси бўлади.

✓ Тадқиқотчилик. Талабаларни мустақил билиш фаолиятига жалб қилиш.



4.4. Таълим методларини танлаш. Таълим оловчиларни танлаш мезони

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, педагогика илмий тадқиқот институти, методист педагогларнинг, хусусан педагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири - таълим-тарбиядаги муаммоларни, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, барча ўқув фанлари бўйича янги миллий дастурлар яратиш, таълимни поғоналаш, дарс жараёнини тоифалашдан иборатдир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишдаги ўзбек уқув муассасасилари ўқитиш тарихига бир назар ташлаш айни пайтда таълим методларини ўрганишни осонлаштиради. Шубҳасиз, мазкур таълим методикаси тарихига оид манба

муайян даражада таълимнинг методик бўшлиқларини маънавий жиҳатдан тўлдиради, педагог тарбиячиларнинг педагогик мерос ва халқ педагогикасига бўлган катта эҳтиёж ва қизиқишларини қондиради.

Кейинги вақтларда тараққий этган мамлакатларнинг укув муассасаси соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини ўрганишга уни бизнинг шароитимизга жорий этишга эътибор кучайди. Шунингдек, халқ таълими кўламига инқилобгача бўлган ўқитиш тартибининг турлари (лицей гимназия) ҳам дадил кириб келмокда. Бунга мамлакатимизда гимназияларнинг очилиши, лицейларни очилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Таълим бериш усулларини танлаш ва қўллашда кўпгина қуйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш муҳим:

Мақсадни белгилаш: 1) таълим бериш мақсади, 2) педагогик вазифалар, 3) ўқув фаолият натижалари.

◆ *Ўқув ахборот мазмуни ҳажми ва мураккаблиги:* мақсад ва ушбу ўқув фанини хусусияти, шу тариқа бу фанни шунчалик мураккаб деб қабул қилинган.

Таълим бериш усулларини ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири. Г. Майерга мувофиқ, 72 соатдан (уч суткадан) ўтганда, маълумотни эшитиш орқали қабул қилгандан сўнг тингловчи хотирасида 10 %; кўриш орқали (кўрганда) - 20%; кўриб ва эшитиш орқали (кўрганда ва эшитганда) - 50%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада - 70%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада, амалий имкониятларни қўлланилганда - 90% ахборот қолади.

◆ *Таълим олувчиларни ўқув имкониятлари:* тайёргарлик даражаси, умумўқув малакаларни шаклланганлиги, фаоллиги, қизиқиши ва йўналтирилганлиги, ёши, ишлаш қобилияти, ўзига хос имкониятлари ва қобилиятлари.

Вақт сарфи: 1) ўқув дастурида йил давомида ўқув фанига, унинг алоҳида мавзуларига ажратилган вақт, шунчалик чекланган бўлиши мумкинки, бу эса кўп вақт оладиган усулларни мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллаш имконини беради; 2) вақт у ёки бошқа усулни тайёрлаш ва амалга оширишда меҳнат сарфини кетиш нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади

Таълим бериш шароити: баъзи усулларни амалга ошириш учун алоҳида шароитлар талаб этилади: таълим беришнинг техник воситалари, компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнитли ёзув тахтаси, махсус жиҳозланган хона ва бошқ.

Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари (ҳамкорлик ёки сўзсиз бўйсунлиш).

Таълим олувчилар сони: агарда у катта бўлмаса, таълим беришни фаол таълим усулларни қўллаб, жадаллаштириш мумкин.

Таълим берувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари: маъқул деб топилган усулларни қўллашни билиши ва уддалаши, талабларга мос шахсий сифатларга эга бўлиши лозим.

Қўшимча омиллар:

- ◆ Мавзуни ўрганишни (мустақил/ таълим берувчи раҳбарлиги остида) ташкиллаштириш йўли: *Қай тарзда?*
- ◆ Дидактик воситалар: *Қайсилари?*
- ◆ Фаолликни рағбатлантирувчи усуллар: *Қайсилари?*
- ◆ Назорат ва ўз-ўзини назорат: *Қайсилари?*

Асосий тушунча ва атамалар. Таълим усуллари, таълим бериш усули, ўргатиш усули, фаол, интерфаол таълим бериш, ақлий ҳужум усули, Инсерт техникаси, амалий вазиятларни ўргатувчи усул (Сасе – стади).

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. “Таълим бериш усули” тушунчаси таърифини беринг.
2. Усулнинг таълим бериш технологиясидаги ўрни ва вазифасини айтиб беринг.
3. Таълим бериш гуруҳлари ўртасидаги фарқлар тўғрисида гапириб беринг.
4. Таълим бериш усуллари аниқловчи, омилларни айтиб беринг.
5. Таълим бериш усуллари талабаларга ўқув ахборотини ўзлаштириш натижаларига таъсир этади деган тасдиқлашга ўз мулоҳазангизни беринг.
6. Ақлий ҳужум, Инсерт техникаси, Кейс-стади усулини таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М.. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. -56 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.
3. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент, 2018 йил 5 июн
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -488 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.

9. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.

10. Жуков Г.Н, Матросов П.Г, Каплан С.Л. Основы общей и профессиональной педагогики.-М.: Гардарики, 2005.

11. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИ

Режа

5.1. Таълимни ташкиллаштириш шакллари: моҳияти ва мазмуни.

5.2. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш техникаларининг моҳияти ва аҳамияти.

5.3. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси.

5.4. Ҳамкорликда ўзаро ўқиш турлари ва уларнинг моҳияти.



5.1. Таълимни ташкиллаштириш шакллари: моҳияти ва мазмуни

Таълим шакллари (форма-лотинча-ташқи кўриниш) - бу усул ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобил.

Таълим шакли ўқув жараёнининг шундай ташқи томонларини намоён қилади, яъни:

1. Унинг мавжуд бўлиш йўли: тартиб тартибот:

- **таълим олувчилар сони:** оммавий, кичик гуруҳларда, яқка ҳолда ўқитиш;

- **ўқитиш вақти:** 45- синф дарси, 90-бирлашган дарс, «танаффуссиз дарс»;

- **ўқитиш жойи:** аудитория, лаборатория машғулотлари, устахоналарда ишлаш.

Ўқув ишини ташкиллаштириш шакли:

- маъруза, семинар, мустақил иш ва бошқалар.

Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш йўллари:

умумий (фронтал), гуруҳли, яқка тартибли.

Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш шакллари:

- **Оммавий иш** (фронтал) - барча таълим олувчилар олдида бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади.

- **Жамоавий иш** (коллектив) - ҳам умумий ва гуруҳлига тааллуқли бўлиши мумкин: 1) олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш; 2) мажбуриятларни бўлиш, ҳисобот шаклини танлаш; 3) хулосаларни муҳокама қилиш (тартиб билан алоҳида таълим олувчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади); 4) Маъқул хулосаларни шакллантириш (умумий келишув билан).

- **Гуруҳли** - кичик гуруҳларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.

• **Якка тартибли (индивидуал)** - ўқув топшириғини якка ўзи бажариши.

Талабаларни назарий тайёрлашга йўналтирилган таълимнинг ташкилий шакллари

Назарий таълимда ўқув фаолиятини ташкиллаштириш шакллари: дарс, семинар, маслаҳат, лаборатория амалий машғулот, қўшимча машғулотлар, жорий ва оралиқ баҳолаш, итмиҳон.

Амалий таълимда – ишлаб чиқариш дарслари, ишлаб чиқариш амалиёти, малакавий битирув имтиҳон.

Ўқув фаолиятдан ташқари шакллар:

1) мутахассислиги бўйича:

факультатив,
касбий тўғараклар,
ихтирочилар тўғараги,
илмий-техник тўғараклар,
мутахассиликлар бўйича бирлашмалар.

2) қизиқиши бўйича:

фанлар бўйича тўғараклар,
техник ижодкорлик тўғараклари,
амалий ижодкорлик тўғараклари,
йўналиш бўйича клублар,
санъат ҳаваскорлар тўғараги,
спорт секциялари.

Мустақил ўқиш шакллари:

- қизиқиши бўйича фаолият,
- фан, санъатни мустақил ўрганиш,
- мустақил ижодий фаолият,
- ҳаётни ўраб турган оламни кузатиш.



5.2. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш техникаларининг моҳияти ва аҳамияти

Гуруҳли таълим шакллари – талабалар фаолиятини ташкил этишни шундай йўлики, бунда аниқ топшириқни ҳамкорий ечиш учун ўқув гуруҳини вақтинчалик кичик гуруҳларга бўлишни талаб этади. Талабаларга берилган топшириқ мазмунини муҳокама қилиш ва уни бажариш йўли ва усулини белгилаб олиш, шу билан бирга илгари сурилган таклифларни ҳамкорий баҳолаш, уларни амалга ошириш, бажаралиган ишни ҳамкорликда таҳлил қилишни амалга ошириш, уни ифодалаш, сўнгра биргаликда топилган натижани тақдим этиш таклиф этилади.

Гуруҳли ўқитиш энг аввало, “ўқитувчи-талабалар” диалогидан воз кечишни ва уч ёқламалик “ўқитувчи-гуруҳ-талабалар” ўзаро муносабатига ўтишни назарда тутди.

Ўқув гуруҳи ҳаракатланувчи кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўқув материални ўзлаштирадilar.

Талабаларнинг ҳамкорий ҳаракатлари ташкиллаштирилади, бу ўқув-билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда мулоқат қилишни шакллантиришга имкон беради:

Гуруҳларда ишлаб, талабалар зарур бўлганда қўллаш йўлларини сўрайдилар ва бошқаларга ёрдам беришни ўрганадилар. Бир-бирларига савол берадилар, бунинг учун улар саволни аниқ ифодалашлари керак, жавоблар асосланиши лозим, бунинг учун эса, улар бир-бирларини диққат билан эшитишлари муҳимдир.

Ҳар бир талабанинг имкониятларини амалга ошириш ва ривожлантириш таъминланади:


- қобилиятлилар ўз қобилиятларини кўрсатишлари мумкин.
- Ўрта қобилиятлилар ўз билим ва кўникмаларни кўрсатишлари мумкин.


кичик гуруҳларда иш уларни стресс вазиятига тушишдан сақлайди, яъни: нотўғри жавоб бериш ҳолатида барча олдида камситилган бўлиш кўркуви.

- Гуруҳларда иш “Мен ва Улар”ни “Биз” муносабатини, ўзини гуруҳнинг бир бўлаги бўлишини ҳис қилишга имкон беради.




5.3. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси





3-расм. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш



4-расм. Гуруҳларни жойлаштиришнинг энг мақбул чизмаси

4-жадвал.

2-босқич. Гуруҳли ишни бажаришга киришиш

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
1. Билим орттиришлик вазифани (муаммоли вазиятни таклиф қилади) белгилайди, таълим олувчилар билан биргаликда уни ечиш йўли ва тартибини муҳокама қилади. 2. Иш якуни бўйича қандай натижалар кутулишини тушунтиради. 3. Гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бирининг ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради. 4. Таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади. 5. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни	Вазифани муҳокама қиладилар

тарақатади. Топширикни бажаришда (керак бўлганда), қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. 6. Ёзув тахтасида гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади. Таълим олувчилар билан бу йўриқномани муҳокама қилади, ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.	Ўқув материаллари ва йўриқнома билан танишадилар
--	---

3-босқич. Гуруҳли иш

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
Кузатувчи сифатида иштирок этади. Бироқ бунда у: 1) ишлаётган гуруҳларни назорат қилади, лекин уларга раҳбарлик қилмайди: таълим олувчилар ўзлари учун жавобгарлар. Хато қилсалар ҳам, ўзлари ишлашларига рухсат беради; 2) аниқ топширикни бажариш учун зарур бўлган, алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шаклланишига эътиборини қаратади; 3) таълим олувчиларга ишни бажарганликларини маълум қилишларини таклиф қилади ва очик саволлар бериб уларга ёрдам беради: ◆ Ходисаларни таҳлил қилиш учун - «Қандай?»; ◆ Фикрларни билдириш учун «Нима учун бу усул яхши ёки ёмон?»; ◆ Эшиттириб ўйлашга, бошқаларни тинглашга, олинган ахборотдан маълумотларни танлаб олишлари учун «Агарда,...? Қандай бошқа усуллар мавжуд?...бошқалар ўйлайдики, ...Қўллашимиз мумкин»; ◆ 4) иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим, аниқ ва самимий танбеҳ қилади	Гуруҳларда ишини режалаштиради Гуруҳлар ичида топширикни тарқатади Алоҳида топширикни бажарадилар. Алоҳида бажарилган иш натижаларини муҳокама қиладилар. Гуруҳли ишнинг умумий натижасини ифодалайди ва уларни тақдиротга тайёрлайди

4-босқич. Яқун яшаш, таҳлил ва баҳолаш

! Гуруҳлар ишида тарқоқсизликни олдини олиш йўли: Гуруҳлар ишини ҳар доим бошқариб туриш керак: мавзудан четга чиқиш- бу таълим олувчилар учун йўлдан чиқишдир. Гуруҳ сардорларига эътибор бериш керак. Ишни бажариш учун зарур бўлган, барча материаллар тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш. Вазифани бажариш учун етарли даражада вақтни таъминлаш. Ҳамманинг бир хил ва ҳаққоний баҳоланишини кузатиш. Гуруҳ ишининг қонун-қоидасини аниқлаш.
--

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
1. Бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакиллари тайинлайди. Баҳолаш мезон ва кўрсаткичларини эслатади. 2. Натижалар текширувини ўтказди: ◆ гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; ◆ ёки буни аввалдан тайинланган назоратчи қилиши мумкин; ◆ ёки материалга тааллуқли бўлган, топшириқни бажариш вақтида ўзлаштирилганлар бўйича, тест ўтказди; ◆ ёки берилган материал бўйича бошқалар маълумот олганликларини аниқлаш учун, ҳар бир гуруҳ ўзаро текшириш учун савол бериши ёки тайёрлаши мумкин. Бунда гуруҳ аъзолари тестга тайёрланишларида бир-бирларига ҳамкорликда ёрдам беришларига рухсат беради. ◆ 3. Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг якунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.	Гуруҳ вакиллари иш натижалари тўғрисида маълумот берадилар



5.4. Ҳамкорликда ўзаро ўқиш турлари ва уларнинг моҳияти

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси турли мамлакатлардаги, жумладан, Америкадаги Ж.Хонкинс университети профессори- Р.Славин (1990), Миннесот университети профессорлари – Р.Жонсон, Д.Жонсон (1987), Калифорния университети профессори – Ж.Аронсон (1978), Исроилдаги Тель-Авив университети профессори – Ш.Шаран (1988) томонидан ишлаб чиқилган. Америка олимлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорликда ўқитиш, асосан талабаларни ДТС ва фан дастурида қайд этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, Исроил ва Европа олимлари томонидан тавсия этилган ҳамкорликда ўқитиш, юқорида қайд этилганидек, кўпроқ талабалар томонидан ўқув материални қайта ишлаш, лойиҳалаш фаолиятини ривожлантириш, ўқув баҳси ва мунозаралар ўтказишни назарда тутди.

Мазкур ғоялар бир-бирини тўлдиради, дидактик жиҳатдан бойитади ва бир-бирини тақозо этади.

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси дидактикада 1970 йилларда пайдо бўлган Ҳамкорликда ўқитиш технологияси Буюк Британия, Канада, Германия Федератив Республикаси, Австралия, Нидерландия, Япония, Исроил мамлакатлари таълим муассасаларида кенг қўлланила бошланган.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – ўқув топшириқларини нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқиш-ўрганишдир. Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш,

ҳар бир талабада шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир талабанинг таълим олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, ўқув материални пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришга замин тайёрлайди.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясида талабаларни ҳамкорликда ўқитишни ташкил этишнинг бир неча методлари мавжуд:

1. Командада ўқитиш.
2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш.
3. Ҳамкорликда ўқитишни «зигзаг ёки арра» методи.
4. Ҳамкорликда ўқитишнинг «биргаликда ўқиймиз» методи.
5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи.

1. Командада ўқитиш.

Бунда (Р.Славин)да талабалар тенг сонли иккита командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир талаба мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эътиборни қаратади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси муваффақиятларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, талабаларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш учун кўрсатма берилиши етарли эмас. Талабалар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир талабанинг қўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда талабаларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир талабанинг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина талабалар ўзининг машғулот давомида эришган натижаси командага фойда келтиришини англаган ҳолда масъулиятни ҳис қилиб, кўпроқ изланишга, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

Ўқитувчи командалар учун ўқув топшириқларини мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билимларини аниқлаш учун тест саволларини тузиб бўлгандан сўнг, мазкур машғулотнинг боришини лойиҳалаштириши керак.

2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш (Р.Славин, 1986).

Бу ёндашувда кичик гуруҳлар 4 та талабадан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзунини тушунтиради, сўнгра талабаларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Талабаларга берилган ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир талаба топшириқнинг маълум қисmini бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир талаба ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гуруҳ аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳ ахборотини тинглайди ва тест саволлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Талабаларнинг кичик гуруҳлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўқитувчи янги мавзунини тушунтириб бўлганидан сўнг, талабаларни кичик гуруҳларга ажратиб, уларга қуйидаги топшириқларни бажаришни тавсия этади.

Шуни қайд этиш керакки, кичик гуруҳлар ўқув материали юзасидан тузилган ягона топшириқни бажарадилар. Кичик гуруҳ аъзолари ўқув топшириқларини ўзаро бўлиб оладилар.

3. Ҳамкорликда ўқитишни “зигзаг ёки арра” методи ёрдамида ташкил этиш (Э.Аронсон, 1978).

“Арра” методида кичик гуруҳлар 6-8 та талабадан ташкил топади. Машғулот давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул) ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлари тузилади. Талабалар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассис”га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт, мазкур мутахассислар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек навбат билан бошқаларга баён қилади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

1986 йили Р.Славин “арра-2” методини яратган. Мазкур методга кўра кичик гуруҳ 4-5 талабадан ташкил топади. Барча гуруҳ аъзолари маъруза материали юзасидан тузилган ягона топшириқ устида ишлайди. Гуруҳ ичида талабалар топшириқларни қисмларга ажратиб, бўлиб оладилар. Ҳар бир талаба ўзига тегишли қисминини пухта ўзлаштириб “мутахассис”га айланади. Машғулот охирида ҳар бир кичик гуруҳдаги “мутахассис”лар учрашуви қайта ташкил этилган гуруҳларда ўтказилади. Талабалар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат қилинади ва ўзлаштириш даражаси баҳоланади ҳамда гуруҳ аъзоларининг тўплаган баллари жамланади, энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб саналади.

4. Ҳамкорликда ўқитишнинг “Биргаликда ўқиймиз” методи.

Ушбу метод 1987 йили Миннесот университети профессорлари Д.Жонсон, Р.Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган.

Гуруҳ талабалари 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ машғулотда бажариши лозим бўлган топшириқнинг маълум қисминини бажаради. Гуруҳлар топшириқни тўлиқ бажариши натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари – командани тақдирлаш, талабаларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш.

5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи

1976 йили Тель-Авив университети профессори Ш.Шаран томонидан ишлаб чиқилган. Бу методда кўпроқ талабаларнинг мустақил ва ижодий ишига эътибор қаратилади.

Талабалар алоҳида-алоҳида ёки 6 кишилик кичик гуруҳларда ижодий изланиш олиб борадилар. Ижодий изланиш кичик гуруҳларда ташкил этилганда машғулотда ўрганиш лозим бўлган ўқув материали кичик қисмларга

ажратилади. Кейин бу қисмлар юзасидан топшириқлар ҳар бир талабага тақсимланади. Шундай қилиб, ҳар бир талаба умумий топшириқнинг бажарилишига ўз ҳиссасини қўшади. Кичик гуруҳларда топшириқ юзасидан мунозара ўтказилади. Гуруҳ аъзолари биргаликда маъруза тайёрлайди ва гуруҳ талабалари ўртасида ўз ижодий изланишлари натижасини эълон қилади. Кичик гуруҳлар ўртасида ўтказилган ўқув баҳси, мунозара талабалар жамоасининг ҳамкорликда бажарган мустақил фаолиятининг натижаси, якуни саналади. Ҳамкорликда ишлаш натижасида қўлга киритилган муваффақиятлар гуруҳ жамоасидаги ҳар бир талабанинг мунтазам ва фаол ақлий меҳнат қилишига, кичик гуруҳларни, умуман гуруҳ жамоасини жипслаштиришга, аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги ва кутилмаган вазиятларда қўланиб, янги билимларнинг ўзлаштирилишига боғлиқ бўлади.

Юқорида қайд этилган барча методларнинг ўзига хос хусусияти, мақсад вазифаларининг умумийлиги, талабаларнинг таҳсил олиш ва мулоқотдаги шахсий масъулиятини тақозо этиши, шунингдек, муваффақият қозонишга бир хил имкониятларнинг миавжудлигидир. Ҳамкорликда ўқитиш негизида мусобақа эмас, балки ҳамкорликда ақлий меҳнат қилиб, таълим олиш жараёни ётади.

Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширади:

- қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўрганишни аниқлайди ва мазкур машғулоти тақвим-режада белгилайди;

- ушбу мавзу бўйича талабаларга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмалар тайёрлайди;

- ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўтиладиган машғулоти тури, тузилиши ва боришини лойиҳалаштиради;

- янги мавзу юзасидан талабалар билимини назорат қилиш учун тест савол-топшириқларини тузади.

Биринчи гуруҳ “Мутахассислар тайёрлаш” гуруҳи

Мазкур мавзу бўйича ўқув материали 4 қисмдан иборат бўлганлиги сабабли машғулотида қатнашаётган 24та талаба машғулоти бошланишидан олдин 4 хил рангдаги карточкалар ёрдамида тенг сонли тўртта, 6 та талабадан иборат “мутахассислар тайёрлаш” гуруҳига ажратилади. Улар ўзларига тегишли ўқув топшириқларини бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассислар”га айланади.

Иккинчи гуруҳ “Мутахассислар учрашуви” гуруҳи

Рангли карточкаларнинг ҳар бирининг орқа томонида 1 дан 8 гача рақамлар ёзилган бўлиб, барча рангли карточкалардаги рақамлар йиғиндиси гуруҳдаги талабалар сонига тенг бўлиши лозим.


“Мутахассислар учрашуви” карточкаларнинг орқа томонидаги рақамлар асосида 8та гуруҳ ташкил этилиб, бу гуруҳлар таркибига бир хил рақамли 4 хил рангдаги карточкаларга эга бўлган 4 та талаба киради. Шунинг қайд этиш керакки, бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модуль) “мутахассиси” бўлиши шарт.

Мазкур учрашувда “мутахассислар” ўзлари эгаллаган билимларни навбат билан ўртоқларига баён қилади. Ушбу гуруҳларда ўқув материалининг 4та

қисми мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади. Сўнгра ўқув материали юзасидан тузилган топшириқлар яхлит ҳолатга келтирилиб, гуруҳлар ўртасида савол-жавоб, мунозара ўтказилади.

Ҳамкорликдаги ўқиш: тамойиллари ва қоидалари

- 1) гуруҳга битта топшириқ;
- 2) битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- 3) ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулиятлиги;
- 4) ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- 5) муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.



5-расм. “ИЛОН ИЗИ” ёки “АРРА” техникаси

“Илон изи” ёки “Арра” техникасининг технологик харитаси

Иш босқич- лари	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1	Лавҳаларнинг мураккаблиги ва ҳажми бўйича тенг бўлинган ўқув материали стида ишлаш учун 4-6 кишидан иборат бўлган гуруҳларни шакллантиради.	
2	Олдинда турган иш хусусиятини тушунтуради, эксперт варақларини таркатади - ҳар бир гуруҳ аъзоси умумий ишнинг алоҳида қисмини олади ва ўзининг ўқув материали соҳасининг эксперти бўлади.	Ҳар бир гуруҳ аъзоси эксперт варағига мос равишда ўқув материалдан керакли маълумотни топади. Мутахиссислар учрашуви-ҳар хил гуруҳларда фақат бир материални ўрганаётганлар билан учрашадилар ва экспертлар сифатида ахборотлар билан алмашиладилар, ўзларининг саволларини ишлайдилар, дастлабки ўзларининг гуруҳ аъзоларига ушбу ахборотни самаралироқ баён этишни биргаликда режалаштирадилар. Мутахиссислар ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар, ҳар бири ўзининг топшириғининг қисми тўғрисида маъруза қилади (худди арранинг бир тишидай). Умумий мавзу бўйича бир-бирларига саволлар берадилар ва билимларни баҳолайдилар ёки таълим берувчи томонидан барча мавзулар бўйича тестларни бажарадилар
3	Иш якунидан сўнг гуруҳлардаги ҳоҳлаган таълим олувчига мавзу бўйича ҳоҳлаган саволга жавоб беришиши таклиф этади.	Саволларга жавоб берадилар

“БИРГАЛИКДА ЎРГАНАМИЗ” ёки (“КООП-КООП”) усули**“Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усулининг технологик харитаси**

Иш босқич- лари	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1	Ўқиганлик даражаси бўйича 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил гуруҳларни шакллантиради	
2	Ҳар бир гуруҳга умумий мавзунинг қисмини - бир топшириқ беради, бу бўйича барча ўқув гуруҳлари ишлайди. Таянч (эксперт варақлар)ни тақдим этади	Гуруҳ ичида умумий топшириқ бўлинади
3	Топшириқни бажариш муваффақиятини, муомала маданиятини назорат қилади	Ҳамма алоҳида топшириқни бажарадилар ва

		барча мавзулар бўйича мустақил ишлайдилар. Гуруҳ аъзоларини кичик маърузаларини тинглайдилар. Умумий маърузани ифодалайдилар
4	Гуруҳлардаги иш якунини ва натижалар тақдимотини эълон қилади	Гуруҳ сардорлари ёки ҳамма гуруҳ маъруза тақдимотини ўтказадилар.
5	Гуруҳ натижаларининг таҳлили ва баҳолашини ўтказди, ғолиб-гуруҳни аниқлайди.	

“ЎЙЛАНГ –ЖУФТЛИКДА ИШЛАНГ –ФИКР АЛМАШИНГ” техникаси

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

“Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши қуйидагича бўлади:

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир - бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.



3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришни таклиф қилади.

Асосий тушунча ва атамалар: Таълимни ташкиллаштириш шакллари, таълим шакллари, оммавий, жамоавий, гуруҳли ва якка тартибли.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. “Таълимни ташкиллаштириш шакллари” тушунчасини кенгроқ таърифлаб беринг.

2. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш шаклларининг фарқли белгиларини айтинг.

3. Гуруҳларни шакллантириш асосларини айтиб беринг.

4. Гуруҳлар қайси белгиларга қараб шакллантирилишини тушунтириб беринг.

5. Гуруҳларда ишларни ташкил этиш қондасини айтинг.

6. Гуруҳларда ишлар қандай баҳоланади ва якун чиқарилади?

7. Гуруҳларни мақбул жойлаштириш чизмасини тасвирланг ва асосланг.

8. ТТ “Илон изи” ва “Бирга ўрганамиз” техникасини ўрнини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент 2018 йил 5 июн
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.
4. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
5. Жуков Г.Н, Матросов П.Г, Каплан С.Л. Основы общей и профессиональной педагогики.-М.: Гардарики, 2005.
6. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ

Бобнинг қисқача мазмуни

- 6.1. Ўқув жараёнида таълим воситаларининг ўрни ва аҳамияти.
- 6.2. Таълим воситаларининг таснифи.
- 6.3. ЎУМ турлари ва улардан фойдаланиш.
- 6.4. График ташкил этувчиларнинг ўрни ва аҳамияти.



6.1. Ўқув жараёнида таълим воситаларининг ўрни ва аҳамияти

Таълим воситалари бу моддий ва теъарак-атворлар, табиий объектлар, бундан ташқари инсон томонидан ўқув-тарбиявий жараёнда ахборот олиб юрувчи педагог ва ўқитувчилар фаолиятида ўз олдига қўйган ўқитиш, тарбиялаш ва ривожланиш учун қўлланиладиган курул сифатида яратилган сунъий объектлардир.

Таълим воситалари шу билан бирга унинг мазмуни, услублари, ташкилий шакллари ўқитиш тизимини лойиҳалаштирилган ва ўқув-тарбиявий жараённинг таркибий бўлимларидан биридир. Бундан ташқари ҳар бир ўқув-тарбиявий муассасанинг энг муҳим таркибий қисмидир. Педагогика фани ва амалиётида қўлланиладиган турли хил тизимларнинг бўлимларида бўлаётган моддий ўқитиш воситалари ҳозирги пайтда жорий қилинган тизимларнинг ҳаракатланиши, қайта қурилиши ва бир-бири билан боғлиқлигини назарда тутган ҳолда бошқа таркибий қисмларга бевосита таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда таълим олувчилар ўз ижодий потенциалини назорат қилиш, табиатдан берилган истеъдод ва қобилиятларини ривожлантиришга янги техника пайдо бўлгандан бери ўқитишнинг янги усул ва технологияларини эгаллашга реал имкониятлари бор. Шундай қилиб, дидактиканинг категория аппаратида моддий воситалар (иш куруллари) мақсадлар, мазмунлари, усуллари, ўқитишнинг ташкилий шакллари билан биргаликда мустиқлик ҳолатига эга.

Демак, **таълим воситалари** - ўқув материалини кўрғазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълим воситалари:

1. Таълим беришнинг техник воситалари (ТТВ);
2. Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ);
3. Ўқув-услубий материаллар (ЎУМ).

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материалини кўрғазмали намоиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.


Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Талабаларни ўқув - билиш фаолиятларини жадаллаштиришга ёрдам берувчи ҳар турдаги *таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш қуйидагиларга боғлиқ*: 1)мақсадни белгилаш; 2) асосий билим манбаига; 3) таълим усулига; 4) ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблигига; 5) талабаларни ўқув имкониятларига.



6.2. Таълим воситаларининг таснифи



6-расм. Таълим воситалари



6.3. ЎУМ турлари ва улардан фойдаланиш

Ўқув-услубий мажмуа - бу ягона методологоя бўйича ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва унинг хусусиятларига кўра ўқитишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган таълим мазмуни ва ўзлаштириш жараёнини амалга оширишда қатнашувчи барча воситаларни ўз ичига олади.

Ўқув-услубий мажмуанинг таркиби қуйидагиларни амалга оширишга қаратилган:

- таълимнинг мақсади (ўқитишдан мақсад нима? нима учун ўқитамиз?);
- таълимнинг мазмуни (нимани ўқитамиз? нимани ўргатамиз?);
- таълим методлари (қандай қилиб ўқитамиз?);
- таълим воситалари (нималар орқали, қандай воситалар орқали ўқитамиз?).

Ўқув-услугий мажмуанинг компонентлари вазифаларни энг маъқул тарзда, яъни энг оптимал вариантыни аниқлаш муаммоси мажмуанинг тузилишини танлаш билан узвий боғлиқ. Ўқув - услубий мажмуанинг тузилишига боғлиқ равишда унинг компонентлари, вазифалари ҳам ўзгариб боради.


Ҳозирга пайтда ўқув-услугий мажмуа таркиби:

1. Фан бўйича намунавий дастур.
2. Фан бўйича ишчи - ўқув дастури.
3. Технологақ харита.
4. Дарс ўтиш календарь режаси.
5. Семинар дарслари режаси.
6. Маърузалар матни.
7. Асосий таянч тушунчалар.
8. Масала - машқлар, тестлар.
9. Фан бўйича оралиқ, жорий, якуний баҳолаш мезонлари.
10. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари.
11. Фан мавзулари бўйича тайёрланган слайдлар, чизмалар ва бошқа намоёиш этилувчи материаллар.
12. Амалий иш ўйинлари.
13. Курс иши мавзулари.
14. Реферат мавзулари.
15. Битирув малакавий иш мавзулари.
16. Ёзма иш саволлари ва бошқалардан иборат.

Фаннинг хусусиятлари ва қўйилган мақсаддан, мутахассисларни тайёрлашда фаннинг тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда мазкур рўйхат қисқариши ёки қўшимчалар қўшилиши мумкин.

6.4. График ташкил этувчиларнинг ўрни ва аҳамияти

Графикли органайзерлар (ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмалар тақдим этиш воситаси.



7-расм. Графикли органайзерлар

Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (воқеа ва ҳодисалар, мавзулар) ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликни ўрнатиш усул ва воситаларига қуйидагилар киради:

“ИНСЕРТ” жадвали

Инсерт – ўқув жараёнида ўз англашини фаол кузатиш учун талабаларга имконият берадиган кучли воситадир, чунки шундай ҳоллар борки, одам матнни охиригача ўқиб, у ерда нима ёзилганлигини эслаб қолмаслиги мумкин. Бу эса нима ўқиётганини тушунмай, ўқиш жараёнида фаол бўлишга қатнашмайдиган ҳолларнинг мисолидир.

Инсерт – матн билан ишланганда фаолликни қўллаб-қувватлаш учун кучли воситадир. Талаба матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-қувватлаш учун кучли воситадир. Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилятини шакллантиришга ёрдам беради.

Матн билан ишлаётганда бир қатор белгиларни қўйиб боради улар эса қуйидаги маъноларни билдиради:

“В”- мен билган маълумотларга мос;

“-“ - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

Матнни инсерт усулида ўрганганда қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Инсерт жадвали

В	+	-	?

“В”	“-“	“+”	“?”
ўқиганларингиздан аниқ билган ёки биламан деб ўйлаган маълумот.	ўқиганларингиз, билганларингизга қарама-қарши маълумот.	ўқиганларингиз орасида сиз учун янги бўлган маълумот	ўқиганларингиздан сиз учун тушунарли бўлмаган ёки шу ҳақда кўпроқ нарса билишни истаган маълумот.

“КЛАСТЕР” усули

(Кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли бўлиб, барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғишдир. Кластерларга ажратиш-талабаларга бирор-бир мавзу тўғрисида эркин ва очиқ тарзда фикр юритишга ёрдам берадиган педагогик стратегиядир. Бу усул кўп вариантли фикрлашни ўрганилаётган тушунча (ходиса, воқеа) лар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради. Кластерларга ажратишни даъват, англаш ва

мулоҳаза қилш босқичларига фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. У асосан янги фикрларни уйғотиш, мавжуд билимларга етиб бориш стратегияси бўлиб, муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди. Бирор мавзу бўйича кластерлар тузишдан бу мавзунини мукаммал ўрганмасдан олдин фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


Кластер усулини тузиш кетма-кетлиги

1. Кластерни тузиш қондаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади.

2. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар - “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.

3. Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

Кластер



8-расм. Кластер усули

“ТОИФАЛИ ЖАДВАЛ”

Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тоифалаш тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Тоифали шарҳлаш янги ўқув маълумоти билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излашдан бошланади. Сўнгра тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоялар ёки маълумотлар тоифага мос равишда бўлинади. Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши ёки янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Тоифалаш шарҳини тузиш қондаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.

2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.

3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

Тоифалаш жадвали

Т о и ф а л а р				

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Ўрганилаётган ходиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди.

Таққосланадиганларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятларни ажратадилар.

Алоҳида ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвални тўлдирадилар.

- *Узунлик бўйича* таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади;

- *Ётиги бўйича* таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

7-жадвал.

«Иқтисодий тизимлар» мавзuidaги концептуал жадвал (мисол)


Иқтисодий тизимлар	Таърифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқ.		
	<i>Капиталнинг мулкӣ шакли</i>	<i>Ресурслар эгаси</i>	<i>Ишлаб чиқариш режалари</i>
Бозор иқтисодиёти	Хусусий	Хусусий эгалар	Бозор талаби асосида индивидуал тарзда қабул қилинади
Маъмурий буйруқвозликка асосланган иқтисодиёт	Давлат	Давлат	Марказий режа кўмитаси томонидан белгиланади

Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўл ва воситалари

“ВЕНН” ДИАГРАММАСИ

“Венна” диаграммаси - 2 ёки 3 объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади. У талабаларда таққослаш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш малакаларини шакллантиради. Якка, жуфтликда ёки гуруҳ ичида диаграмма асосида таққослаш фаолияти ташкил

этилади. Ўхшаш ва фарқли хусусиятлар диаграммага ёки жадвалга туширилади. Фаолият натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади.



9-расм. “Венн” диаграммаси



10-расм. “Евросеть” ва Абу-Саҳий бозори магазинларининг уяли алоқа аппаратлари олди-сотди тавсифларини солиштириш номли Венн диаграммаси (мисол)

Т – ЖАДВАЛ

Т-жадвали битта концепция (маълумот)нинг иккита жиҳатини (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) қайд қилиш ёки иккита жиҳатини солиштириш учун қўлланиладиган таққослаш жадвалидир.

Жадвални талабалар якка тартибда расмийлаштирадилар. Ажратилган вақт оралиғида якка тартиб (жуфтлик)да жадвални тўлдирадилар, унинг чап томонига сабаблари (ҳа) ёзилади, ўнг томонига эса чап томондаги фикрга қарама-қарши фикр, ғоя, омил ва шу кабилар ёзилади. Жадваллар жуфтлик (гуруҳ)да солиштирилиши, тўлдирилиши мумкин. Барча ўқув гуруҳи ягона жадвал тузади. Масалан,

**“Абу-Сахий” бозоридаги савдо расталари: уяли алоқа аппаратларининг истеъмолчилар учун афзалликлари ва камчиликлари
(лавҳа)**


<i>Афзалликлар</i>	<i>Камчиликлар</i>
Уяли алоқа аппаратларининг турли туман навлари мавжудлиги	Қалбаки аппаратларнинг катта миқдори мавжудлиги
Ички бозор учун қулай нархлар	Сифат кафолати йўқ
Бир турдаги дўконларнинг катта миқдори бир жойга жамланиши	Аппаратлар бузуқ бўлганда пулни қайтариб олиш эҳтимоли камлиги
Ҳақ тўлашда пластик карточкадан фойдаланиш мумкинлиги	Кафолат хизмати кўрсатиш муддатининг қисқалиги ёки умуман йўқлиги
Харид қилишда савдолашиш имкониятининг мавжудлиги	Пул ўтказиш йўли билан харид қилиш имкони йўқлиги

Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва ечимини топишни режалаштириш усул ва воситалари

“НИМА УЧУН” чизмаси

“Нима учун” чизмаси-муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири.

“Нима учун” чизмаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабаларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Таълим олувчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу чизма талабаларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Уларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.




11-расм. «Нима учун?» техникасининг чизмадаги кўриниши

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” чизмаси

“Балиқ скелети” чизмаси-бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. У тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Чизмани тузиш қондаси билан


танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда юқори “суягида” кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади. Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар. Иш натижаларининг тақдимотини тайёрлайдилар



12-расм. “Балиқ скелети” чизмаси

“ПИРАМИДА” чизмаси

“ПИРАМИДА” чизмаси - ғояларни қўйдан юқорига босқичма-босқич тақдим этиш воситаси. У тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва фаоллаштиради. Талабалар чизмани тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида ёки кичик гуруҳларда чизма тузадилар: аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар, сўнгра кичик муаммоларни, уларнинг ҳар биридан эса, кичик муаммони батафсил кўриб чиқиш учун “кичик шохчаларни” чиқарадилар. Шунга асосан, ҳар бир ғоялар ривожланишини батафсил кузатиш мумкин. Иш натижаларини эса тақдим қиладилар.




13-расм. “Пирамида” чизмаси
“НИЛУФАР ГУЛИ” чизмаси

“НИЛУФАР ГУЛИ” чизмаси-муаммони ечиш воситасидир. Ўзида нилуфар гули кўринишини намоён қилади. Унинг асосини тўққизта катта тўрт бурчаклар ташкил этади. Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Бу чизмада талабалар чизмани тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида, кичик гуруҳларда чизма тузадилар: тўрт бурчак марказида аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар. Унинг ечиш ғояларини эса марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзадилар.

Марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзилган ғояларни, атрофда жойлашган саккизта тўрт бурчакларнинг марказига ёзадилар, яъни гулнинг баргларига олиб чиқадиладар. Шундай қилиб, унинг ҳар бири ўз навбатида яна бир муаммодек кўрилади.



14-расм. “Нилуфар гули” чизмаси

“ҚАНДАЙ” иерархик диаграммаси

Қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олиш имконини берувчи, мантикий саволлар занжиридир. Бунда талабалар кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар. Диаграммани тузиш қондаси билан таниша-дилар. Алоҳида кичик гуруҳларда диаграммани тузадилар

“Қандай?” иерархик диаграммаси асосида фаолиятни ташкил этиш қоидалари:

1. Вужудга келган муаммони сабабини аниқлаш зарур, аммо ана шу муаммони қандай йўллар билан ҳал этиш мумкин деган саволга жавоб беришни ўрганиш муҳим вазифалардан биридир. “Қандай?” иерархик диаграммаси ана шундай ҳолларда самарали натижа беради.

Кетма-кет равишда “Қандай?” саволини қўйиш орқали фақат муаммони ҳал этишнинг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, балки уларни амалга ошириш усуллари ҳам ўрганилади.


Диаграмма стратегик даражадаги савол билан иш бошлайди. Муаммони ҳал этишнинг қуйи даражаси биринчи навбатдаги ҳаракатлар рўйхатига мос бўлади.

2.Ўйламай, баҳоламай ва уларни ўзаро солиштирмай тезликда барча ғояларни ёзиш лозим бўлади.

3.Диаграмма ҳеч қачон тугалланмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин бўлади.

4.Агарда савол чизмада бир қанча “шоҳлар”да қайтарилса, демак у нисбатан муҳимдир. У муаммони ҳал этишнинг муҳим қадами бўлиши керак.


5. Янги ғояларни қандай график кўринишда қайд этишни ихтиёрий танлаб олиш мумкин (дарахт, каскад ва б.)



15-расм. Қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси

“КАСКАД” Таркибий –мантиқий чизма

“КАСКАД” таркибий-мантиқий чизма- иерархик ғоялар таркибини аниқлаш имконини беради. Ёшларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Бунинг учун чизмани тузиш қоидалари билан танишилади. Якка тартибда (жуфтликда) чизма тузилади Жуфтларга бирлашади, ўз чизмаларини таққослайди ва қўшимчалар киритади.



16-расм. “КАСКАД” таркибий-мантикий чизма

“Каскад” таркибий-мантикий чизмани куриш қоидалари

1. “Каскад” ни тузиш жараёнида тизимли чизма таркибий қисми ва элементларини олдинга суриш мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта мушоҳада қилишга имкон беради.

2. Ғояларни ишлаб чиқишда агарда тор йўлакка кириб қолинса, у ҳолда бир-икки даража юқорига қайтиш ва муҳим нарсани унутмаганга ҳамда бошқача нимадир қилиш мумкин эканлигига амин бўлиш керак.

3. Одатда чапдан ўнгга ёзишга ўрганилган. “Каскад” куришни ўнгдан чапга бўлишлигига ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун асосий ғояни варақнинг чап қирраси эмас, балки ўнг қиррасига жойлаштириш зарур.

Асосий тушунча ва атамалар. Таълим воситалари, таълимнинг техник воситалари (ТТВ), ёрдамчи таълимий воситалар (ЁТВ), ўқув-услубий материаллар (ЎУМ), Инсерт жадвали, кластер, тоифалаш ва концептуал жадваллар, Б/БХ/Б жадвали, Венна диаграммаси, SWOT - таҳлил жадвали, “Нима учун?” схемаси, “Балиқ скелети”, “Каскад”, “Пирамида”, “Нилуфар гули”, “Қандай?” диаграмма.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. “Таълим воситалари” тушунчасини асосланг. Уни таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтиринг.

2. Таълим беришнинг техник воситалари, ёрдамчи таълим воситалар, ўқув-услубий материаллар нима учун зарурлигини тушунтиринг.

3. Таълим воситаларини танлаш нимага боғлиқ эканлигини тушунтиринг.

4. Графикли ташкиллаштирувчиларга: Инсерт жадвали, кластер, тоифалаш жадвали, Б/БХ/Б жадвали, SWOT - таҳлил жадвали, “Нима учун”, “Балиқ скелети”, “Поғона”, «Пирамида», “Нилуфар гули” чизмалари, “Қандай” диаграммаси хусусиятларини аниқ мисолларда тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент 2018 йил 5 июн
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.
4. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
5. Жуков Г.Н, Матросов П.Г, Каплан С.Л. Основы общей и профессиональной педагогики.-М.: Гардарики, 2005.
6. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.

МАХСУС ФАНЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Режа

7.1. Таълимга технологик ёндашувнинг моҳияти ва унинг узлуксиз ривожланиши.

7.2. Таълимни технологиялаштириш соҳасидаги асосий тоифа ва тушунчалар.

7.3. Ўқув машғулотида ўқитиш технологияси моделининг мазмуни ва унинг тузилиши.

7.4. Ўқув машғулотининг технологик харитаси мазмуни ва унинг тузилиши.



7.1. Таълимга технологик ёндашувнинг моҳияти ва унинг узлуксиз ривожланиши

Таълимни технологиялаштириш ғояси янгилик эмас. Бундан 400 йил аввал чех педагоги Ян Амос Коменский таълимни технологиялаштириш ғоясини илгари сурган. У таълимни “техникавий” қилишга ундаган, яъни ҳамма нарса, нимага ўқитилса, муваффақиятга эга бўлсин. Натижага олиб келувчи, ўқув жараёнини, у “дидактик машина” деб атаган. Бундай дидактик машина учун: аниқ қўйилган мақсадлар; бу мақсадларга эришиш учун, аниқ мослаштирилган воситалар; бу воситалар билан қандай фойдаланиш учун, аниқ қоидаларни топиш муҳимлигини ёзган.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи уринишлар қилиб қўрилган. Улар ўз ифодасини анъанавий ўқитиш учун мажмуали техник воситаларни яратишда топган.

Ҳозирги вақтда педагогик технология “ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмайди, балки бу таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ҳамда усул ва материалларни қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш йўли орқали таълим жараёнининг асослари ва уни мақбуллаштириш йўллари ишлаб чиқишни аниқлаш мақсадидаги тадқиқотдир”.

Қуйида таълимга технологик ёндашув ва “таълим технологиси” маъносининг ўзгариб бориши ифодаланган (-жадвал).

**Таълимга технологик ёндашув ва “таълим технологияси” тушунчаси
маъносининг узлуксиз ўзгариши**

Давр	Технологик ёндашувнинг намоён бўлиши	“ТТ” тушунчаси маъноси
ХВИИ аср	ХВИИ асрда Ян Амос Коменский, шундай таълим механизми, яъни “вақт, нарсалар ва усуллар” моҳирона тақсимланса, уни тўғри тузиш ва ундан тўғри фойдаланилганда кутилаётган натижани берса, яъни уни «дидактик машина» деб номлаб, у устида изланиш олиб борган	“Дидактик машина”
30 –50 йиллар ўртаси	30-йилнинг ўртасида АҚШнинг Индиана университетида талабаларга эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) таълими бўйича маърузалар ўқилган, 1946й. – шу ернинг ўзида эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) таълими бўйича мутахассисларни тайёрлаш курси: ишлаб чиқаришни режалаштириш, эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) воситаларни ишлатиш ва улар сифатини баҳолаш, шу воситаларни қўллаб ўқув жараёнини бошқариш дастурлари киритилди. 1954й. – профессор Б.Ф. Скинер томонидан ишлар тақсимоли (мавзу-қадам-ходимлар) бўйича ўргатишнинг мунтазамли технологиясини ўзида намоён этувчи, дастурлашган таълим модели (ДТ) асослади. Қайтар алоқани назарда тутувчи: ҳар бир бажарилган ишнинг тўғрилигини тезкор баҳолаш ва агарда кейинги қадамга хатолик бўлса қайтариш деб таъкидлаган.	“Таълимда технологиялар” - “... маълумотга эга бўлиш соҳасида замонамизнинг бўлаги бўлган кашфиётлар, саноат маҳсулотлари ва жараёнларини қўллаш” (М. Кларк). педагогик мақсадларда ахборотни тақдим этишда эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) воситаларини қўллаш.
50 – 60 йиллар ўртаси	1958й. – Н. Краудер бир катор берилган ва жавобларни тўғрилигига боғлиқ равишда қайтар алоқага мувофиқ жавобларни кўп танлаш ДТ кенгайтирилган чизмасини таклиф этди.	“Ўргатувчи технология” (Д. Финн, 1959) – педагогик мақсадда махсус яратилган эшитиш воситаларидан фойдаланиш ва улардан фойдаланиш услуги.
70 -80 йиллар	Таълим технологиясини илмий асосини ахборот, телеалоқа назарияси, педагогик квалиметрияси, тизимли таҳлил, билиш жараёнини бошқариш назарияси, таълим жараёнини қулайлаштириш, педагогик	Таълимий технология ТТ - “таълим техник воситалари ёки компьютер соҳасидаги”

	меҳнатни илмий ташкиллаштириш ва бошқалар. Эшитиш воситаларининг янги турлари: видеомагнитофон, айланмали кадропроектор, электрон ва блокнотли ёзув тахтаси ва бошқалар чиқара бошлади. <i>Таълим технологияси</i> муаммолари бўйича Халқаро анжуманларда таълим технологиясига умумий моҳият таклиф этилди. ТТ қўлланиш соҳаси - (1) ўқитишнинг техник воситалари, (2) маълумот олиш муаммоларига тизимли ёндашиши. “Биринчи соҳа ўқитиш воситаларида техника ютуқларини амалга ошириш билан, иккинчи соҳа эса, педагогик назарияни ривожланиши билан, уларни ташкиллаштиришнинг умумий назарияси бирлаштириши лозим бўлган иловага боғлиқ, яъни таълим муаммоларига тизимли ёндашишдир”. П.Д.Митчел (1970 й.) ТТ бўйича 102 манбаларни таҳлил этиши натижасида ТТ маъноси ва педагог-технологлар вазифаси асосини шакллантиради: “Кутилаётган педагогик натижаларни олиш учун инсон, моддий ва молиявий манбаларни мақбул тақсимлаш”. ТТ педагогикада назарий билим соҳаси деб қабул қилиниши: “ТТ муаммоларининг назарий тадқиқотларини ишлаб чиқувчи оқим, мохир технологларнинг янги авлоди пайдо бўлди” (М. Эраут). “Фақат содда одамларгина, технологияни - фақат мосламалар ва ўқув материаллар мажмуи деб ҳисоблайдилар”. Бу бундан кўпроғини ангалатади. Бу ташкиллаштириш йўли, бу материаллар, инсонлар, ташкилот, моделлар ва тизим туридаги “инсон-машина” тўғрисидаги тасаввур. Бу муаммонинг иқтисодий имкониятларини текшириш. Бундан ташқари, технология фан, санъат ва инсон қадри ўзаро ҳаракатига муҳим бўлган алоқага эга. ТТ “Таълим воситаси”нинг синоними ҳисобланмасдан, у фанлараро хилма-хил тасодифлар йиғиндиси, таълимнинг барча жиҳатлари билан боғлиқ бўлган, қисқа	изланишлар эмас; бу таълим жараёнининг самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли билан, тузилмага келтириш ҳамда йўл ва материалларни қўллаш йўли билан, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш орқали таълим жараёнини энг мақбуллаштириш принципларини аниқлаш ва йўлларини ишлаб чиқиш мақсадидаги изланишдир”. (Международный ежегодник по технологии образования и обучения – Лондон – Нью - Йорк, 1978 г. (цит. 11). “ТТ дастлабки моҳияти педагогик мақсадларда мулоқот қилишнинг эшитиш ва кўриш воситалари, кўрсатув, компьютер ва бошқа турдаги “юмшоқ” ва “каттик” воситалардан фойдаланишни ангалатган. Янги ва кенгроқ маънода эса, - таълим олиш шакллари мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўюувчи, бутун таълим бериш жараёнини ҳамда билимларни
--	--	---

	таълимий лавҳадан то унинг барча ҳаракатларидаги миллий тизимлари ҳисобланади” – Д. Финн, Лондон, 1978 й. (цит. Богол.) 80 - йилларда ТТ тўғрисида Россия олимларининг биринчи нашрлари пайдо бўлди: “... ҳорижий тажрибалар ҳозир бизда яхши маълум бўлмай турибди. Лекин ТТ эшигимизни тақиллатаяпти” [] (Кларин, 1989).	техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усулидир”. (ЮНЕСКО, 1986 й.) “Педагогик технология” – атамаси педагогика фанида вужудга келди.
90-чи йиллар	ТТ муаммоларини: В.П. Беспалько, В. Гузеев, В. Кларин, В. Монахов, Г. Селевко, С. Саидахмедов, Б. Фарберман ва бошқлар ишлаб чиқдилар.	
XXI асрнинг 1- ўн йиллари	“Педагогиканинг предмети инсон табиати (боғлиқ бўлган) ва ўқув-тарбиявий ҳаракатларининг самараси ўртасидаги қонуниятли муносабатлар ҳисобланади”. Бир қанча услубиётлардан “танлаш ҳукуқи” ўрнига, илмий, табиатга оид педагогика берилган ёки инсонни тўғрисидаги аниқ билимлари асосида мавжуд шароитлар учун ҳаракатланишнинг мақбул йўллари ни онгли лойиҳалашни таклиф этади (Л.Г - томонидан ажратиб кўрсатилди). Маълумки, муаммонинг бундай берилишида педагогика “тажрибани умумлаштириш” ва “омма ижодкорлиги” ботқоғидан илмий изланиш майдонига ва юқори асосли психология – педагогика муҳандислигига ўзгаради. Ушбу матн парчасида ТТ - берилган шароитда педагогик вазифаларга мақбул эришиш йўллари дир. Берилган шароитда мақбуллик - технологияни ҳаммабоп тизимли белгиси. “Педагогика учун технология маъносига алоҳида, ҳеч нимага ўхшамайдиганлар, шунингдек унга техник такрорланиш маъносини ўйлаб топишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Моҳияти бўйича мавжудлик ва ишлаб чиқаришлик, ижтимоийлик, инсоншунослик ва технология вазифаларини берилишидек қабул қилиш керак” (А.М.Кушнир, 2004 й.).	



7.2. Таълимни технологиялаштириш соҳасидаги асосий тоифа ва тушунчалар

«Технология» юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб *«течне»* - маҳорат, санъат, малака ва *«логос»* - сўз, таълимот маъноларини англатади.

Таълимни технологиялаштириш – ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир.

Таълим технологияси:

•бу мавжуд шароит ва ўрнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсад ва кўзланаётган натижаларга кафолатли эришишни воситали таъминловчи, *мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг энг қулай йўл ва ўқитиш воситаларининг тартибли йигиндисиди* (таълим бериш технологиясининг жараён-баёнли жиҳати);

•бу мавжуд юзага келган таълимий жараён субъектларининг ҳамкорий ҳаракатлари, ҳақиқий жараён (таълим бериш технологиясининг амалий-жараён жиҳати) тартиби.

Педагогик технология - педагогик ҳодиса ва таълимни технологиялаштириш соҳасидаги жараёнда қўлланиладиган тушунча.

«Таълимий технология» - “таълим олиш шакллари ва мақбуллаштиришнинг ўз вазифалари деб қўйувчи, яъни бутун таълим бериш жараёнини ҳамда техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усули” (ЮНЕСКО).

Таълим технологияси ва унинг концептуал асосномасини (ТТ илмий томони) ўз ичига олади.

“Педагогик тизим”, “таълимий технология”, “таълим бериш технологияси”, “фан услубиёти”нинг фарқли хусусиятларини кўрадиган бўлсак, педагогика тизим – шахснинг бор сифатларини шакллантириш учун ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва педагогик таъсир кўрсатишни кўзлаган, ўзаро боғлиқ восита, усул, жараёнларнинг йиғиндисини ифода қилувчи аниқ яхлитликдир (В.П. Беспалько бўйича).

Фанни ўқитиш услубиёти – таълим тизимида ушбу ўқув фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифаларини ва ўқитиш мазмунини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул, шакл ва ўқитиш воситалари баёнини ўз ичига олади.

Фанни ўқитиш услубиётидан фарқли технология:

•“қандай ўқитиш керак?” деган саволга жавоб бермай, балки аҳамиятли қўшимча

•бўлган *“натижавий қандай ўқитиш ва ўқув жараёнини қандай қилиб энг мақбул*

•*ташкил этиш керак?* деган саволга жавоб беради;

•*аниқ шароитлардан келиб чиққан ва маълум натижага йўналган, аниқ педагогик гояга* лойиҳаланади;

•ўз натижаларини *қайта ишлаб чиқариши* билан фарқланади;

•таълим олувчилар ва таълим берувчига йўналтирилган дарснинг услубий ишланмаларидан фарқли ўлароқ, таълим олишда уларнинг ўз фаолиятлари ҳисобига ютуқ таъминланишига йўналтирилади.

Бунда: услубиётчидан фарқли ўлароқ педагог-технолог:

•*тажриба ўтказмайди*: у аниқ белгиланган натижа билан иш олиб боради;

•ажратилган вақт ва мавжуд шароитларда белгиланган мақсадларни амалга оширишда гумон ҳосил қилмайдиган *асосланган ўқитиш моделига таянади*;

•у ҳаракат қилади, таълимий мақсадлар қўйилганда, аниқ педагогик вазифалар белгиланганда ва кўзланаётган натижалар шакллантирилганда, таълим бериш жараёнининг бориш шароитлари аниқлангандан сўнг, ҳаракат қилишни бошлайди.

Педагогик тизим қуйидаги таркиблардан иборат:

1. Таълим берувчи - ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси.

2. Таълим олувчи - талаба, ўқувчи, тингловчи.

3. Таълимий мақсад – бу таълим беришни бирор нарсага интилиши.

4. Натижа – (1) ушбу давр ичидан чиқишда таълим олувчини билиши, уддалаши, кадрлаши зарур бўлган, таълим беришни бирор нарсага келишидир;

(2) таълим жараёнини самарали боришини намоён қилиб, мақсадга эришиш даражасини тавсифлайди. Натижа белгиланган мақсадга мос келса, қўиш ўргатиш жарёни тугалланган ҳисобланади.

5. Ўқув ахбороти мазмуни – фан бўйича ўқитиш мазмунини ташкил этувчи, адабиёт матнлари ва ўқув қўлланмалар, луғат ва бошқа ахборот манбаларидан иборат бўлади. Ўқув дастури асосида аниқланади ва мақсадни белгилашдан келиб чиқиб таълим берувчи томонидан ўзгартириш киритилади.

6. Таълим технологияси – (1) ўқитиш- усул, шакл ва воситалар; (2) мулоқот, (3) ахборот ва (4) бошқарувнинг йўл ва воситалари.

7. Таҳлилий-натижавий таркиб – таълим технологияси бўйича олинган натижалар самарадорлигини ўлчашнинг йўл ва воситалари.

Агар педагогик тизимнинг таркибий ташкил этувчиларидан биттаси ҳам бўлмаса, ундай ҳолда таълим жараёнининг ўзи ҳам бўлмайди, ёки у кучсиз хусусиятга эга бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ижобий натижа бўлса ҳам, у тасодифий бўлиши мумкин.

Таълим технологиясининг моҳиятли белги ва хусусиятлари

Таълим технологиясининг моҳиятли белги ва хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Концептуаллиги: Таълим технологияси фалсафий, психологик, дидактик ва таълимий мақсаднинг ижтимоий-педагогик асосланган аниқ илмий ғояларга асосланади.

Тизимлилик: Талим технологияси тизимнинг барча белигиларига эга, яъни: яхлитилик, тузилмавийлик, барча ташкил этувчиларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни бир-бирига бўйсунитиш, тизим ва муҳитни ўзаро боғлиқлиги.

Бошқарувчанлик: 1) ТТ моҳияти- ишларни аниқ бажарилишида, яъни: бутун тугалланган таълим жараёнини аниқ педагогик ғоя остида *дастлабки башоратлаш, лойиҳалаштириш ва режаслаштиришида* кўриш мумкин.

(2) Таълим бериш жараёни аниқ *тузилмага келтирилган*: педагогик ва ўқув ҳаракатлари, бошқарувчилик, ахборотли ва мулоқотли ишлар ифодаланган кетма-кетлик – босқичма-босқич, мақсадли йўл билан, яъни таълимий мақсадлар алоҳида шаклда ифодаланган: педагогик вазифалар ва аниқ белгиланган кутилаётган натижалар билан мувофиқликда тузилади.

(3) *Технологик жараён* табақалаштирилган ва индивидуаллаштириш, икки кишилик ва кўпчиликли суҳбат (диалог, полилог) принциплари ҳисобга

олинган шартнома асосидаги, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятини назарда тутди.

(4) *Қайтар алоқани* тизимли тезкор равишда ишлатилиши таълим жараёнининг жорий натижаларини узлуксиз кузатишни, ташхислашни ва тезкор баҳолашни, таҳлил ва мақбул бошқарув хулосасини қабул қилишни таъминлайди.

(5) *Ташхисий ишлар* фаолият натижаларини аниқ бир маънодаги мезон ва кўрсаткичларини, шунингдек уни ўлчаш воситаларини ўз ичига олади.

Самарадорлик: Таълимий технология самарали натижа ва таълим мақсадларига эришиш кафолатини таъминлайди.

Мақбуллик: Технологиявийликнинг ҳаммабоп тизимли белгисидир. ТТ таълим мақсадларига эришишда, куч ва вақт сарф қилишда инсон имкониятлари ва техник захираларидан фойдаланиш бўйича мақбул йўл ва воситаларни таъминлайди.

Такрорланувчанлик: Такрорлаш имконияти, ҳоҳлаган таълим берувчи, шу технологивий ишлар тартибини, шундайлигича қўлласа, шундай натижа олиши мумкин.

Айтиш жоизки, йиллар давомида “технология” тушунчасининг ўзи мазмун жиҳатдан ўзгарди: замонавий ёндашувлар учун бирмунча аниқ қарашлар характерлидир. Мисол учун, педагог-тадқиқотчиларнинг кўпчилиги бу тушунчани тарбия ва ривожлантириш соҳасида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайдилар. Гап шундаки, ҳар қандай технология педагогик фаолиятда олдиндан ташхисли мақсадни ўрнатиш ва унга эришиш йўллари аниқлаб олишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, ўқитиш учун ташхисли мақсадни аниқлаш мумкин. Бунда мақсадга эришиш якуний назорат ёрдамида осонгина кузатилади. Демак, ўқитиш жараёни технологик асосда ташкил этилиши мумкин. Аммо тарбия учун бу фикрни қўллаб-қувватлаш ўта мураккаб ва унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

Биринчидан, бу ҳолат учун ташхисли мақсадни ўрнатиш мумкин эмас. Инсон - кўп омилли мураккаб тизим ҳисобланиб, қатор психологик, психофизиологик ва алоҳида шахс сифатларига эга. Уларни тавсифий равишда ёритиш, зарур даражада шакллантириш мумкин бўлган педагогик жараёнларни тузишни педагогика фанининг бугунги ривожланиш даражасида амалга ошириб бўлмайди.

Иккинчидан, ҳар қандай технология ўрнатилган мақсадларга кафолатли эришишни назарда тутди. Бироқ, шу кунга қадар педагогикада инсоннинг тарбияланганлик, унда шаклланган маълум шахс сифатлари, қадриятли йўналишлар ва бошқа тарбия натижалари мезонлари бир қолипда аниқланмаган. Бундай мезонларнинг йўқлиги эса кафолатланган педагогик жараёнлар натижаларига эришиш имкониятлари ҳақида гап юритишга имкон бермайди. Субъектив эксперт баҳолардан фойдаланиш эса белгиланган муаммони олиб ташлашга йўл қўймайди.

Учинчидан, касб-ҳунар коллежларида замонавий тарбия концепциясига биноан ҳозирги вақтда гап талабаларда маълум шахс сифатларини шакллантириш ҳақида эмас, балки олий ўқув юртларида уларнинг ўз-ўзини

ривожланиши учун энг мақбул шароитлар яратиш ҳақида бориши керак. Бундай ҳолда тарбия жараёнини технологиялаштириш ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ эмас. Агар, таълим ўзида ўқитиш ва тарбиялашни жамулжам этган соҳа сифатида қаралаётган бўлса, “таълимий технология” ёки “таълим технологияси” атамаларини ишлатиш хато эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ўқитиш жараёнини технологиялаштиришга оид тадқиқотлар кўлами аста-секин камайиб, тадқиқот майдони эса торайиб бормоқда. Бу, хусусан, олимларнинг яқдил фикрга келиш борасидаги ҳаракатлари оқибатида юзага келмоқда. Турли йўналишларда ўтказилган дастлабки тадқиқотлар натижаларида бирмунча умумий фикрдан “четланиш” рўй беряпти. Қатор муаллифлар (А.Ф.Талызина, Т. Сакомото, Дж Хартли) бу тушунчани очиб беришда ишчи вариант сифатида аниқ ва батафсил ёндашувлардан фойдалана бошладилар. Шу билан биргаликда “технология” тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, жамоатчилик онгига мустаҳкам кириб улгурди ҳамда илмий ва амалий тафаккурнинг ўзига хос йўналиши бўлиб қолди.

Унинг регулятив таъсири шундаки, у тадқиқотчилар ва амалиётчиларни инсоний фаолиятнинг барча жабҳаларига, шу жумладан таълим соҳасига ҳам ундайди:

- жараённинг натижавийлигини асослашга рўбарў келиши;
- фан ва тажрибаларнинг сўнгги ютуқларидан талаб қилинган натижаларни олишни кафолатлаш учун сафарбар қилиш;
- фаолиятни интенсив, яъни юқори илмий асосда қуриш;
- фаолиятнинг мумкин бўлган тузатиш муолажалари сонини камайтириш учун башоратлаш ва лойиҳалашга асосий диққатни қаратиш;
- янги ахборот воситаларидан фойдаланиш, эскирган амалларни автоматлаштириш.

Бошқача қилиб айтганда, технологияланувчанлик инсон фаолиятининг етакчи тавсифи бўлиб қолди, у таълимий жараённинг самарадорлигини, мақбуллигини, юқори илмийлигини, янги сифат даражасига кўтаришни англатади.

Умумлашган ҳолда технология одатий ҳол эмас, балки замонавий илмий-амалий тафаккур усули, деб хулоса қилиш мумкин. У инсоний фаолиятни тубдан такомиллаштиришга, унинг натижавийлиги, тезкорлиги, техникавий қуролланганлигини оширишга оид амалий тадқиқотлар йўналишини акс эттиради. Технология - бу предметли соҳанинг объектив қонунларини юқори ўлчовда акс эттирадиган ва шу боисдан муайян шароит учун натижаларнинг ўрнатилган мақсадларга мос келишини таъминлайдиган фаолиятдир.

Технология (жараён сифатида) учта белги билан тавсифланади:

- жараёни ўзаро боғлиқ босқичларга тақсимлаш;
- изланаётган натижа (ўрнатилган мақсад)га эришишга қаратилган ҳаракатларни мувофиқли ва босқичли бажариш;
- қуйилган мақсадларга мос натижаларга эришишнинг зарурий ва етакчи шarti ҳисобланган технологик муолажа ва амалларни бажаришнинг аҳамият касб этиши.

Ўқув жараёнида педагог танлаган шакл, метод ва ўқитиш воситалари таълим олувчилар билан ўзаро ҳаракат тизими ёрдамида аниқланади. Агар дарҳол зарурий дидактик натижани олиб бўлмаса, унда методиканинг (масалан, бирмунча такомиллашган ўқитиш воситалари, методик усуллар ва бошқаларни қўллаш) кўрсаткичларини тузатиш ва ойдинлаштириш босқичини амалга ошириш керак бўлади. Бу жараён ташхисли мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан мақбул ўқитиш методикасининг топилиши билан тугалланади. Агар у кўп марта қайта такрорланса, ўқитувчига педагогик амалиётда олдиндан башоратловчи ва лойиҳаловчи натижаларни олиш имкониятини беради. У пайтда методика ҳақида эмас, балки ўқитиш технологияси ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Технологик даражадаги ўқитувчи фаолиятининг мезонлари сифатида қуйидагиларни илгари суриш мумкин.

– аниқ ва ташхисли берилган мақсадларнинг мавжудлиги, яъни тушунчалар ва амалларни кутилаётган ўқитиш натижаси сифатида таълим олувчининг фаолиятидаги мақсадга эришишни ташхислаш усуллариининг тартибли ўлчанадиган ҳолатда кўрсатилиши;

– ўрганилаётган мазмунни билиш, амалий масалалар, мўлжалли асослар ва уларни ечиш усуллариининг тизимли кўринишида тақдим этилиши;

– мавзулар (материаллар, касбий функциялар тўплами ва ҳ.к) ни етарлича қатъий кетма-кетлиги, мантиқийлиги, босқичлилиги мавжудлиги;

– ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида иштирокчилар ўзаро ҳаракат усуллариининг кўрсатилиши;

– ўқитувчининг энг мақбул (ўқув жараёнининг натижавийлиги нуқтаи назаридан) ўқитиш воситаларидан фойдаланиши;

– ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятининг мотивацион таъминланиши, бу жараёнда уларнинг шахсий-касбий функцияларининг намоён бўлиши (эркин танлаш, креативлик, баҳслашув, ҳаётий ва касбий маъно);

– ўқитувчининг ижодий фаолияти чегарасини андозали қоидалардан мумкин бўлган четга чиқишининг кўрсатилиши.

Замонавий таълим стратегиясини нафақат мавжуд бўлган ижтимоий технологияларга хизмат кўрсатишга қодир, балки меъёрий фаолият чегарасидан чиқиб кетишга, инновацион жараёнларни амалга ошира оладиган мутахассис шахсини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш ташкил этади. Бу стратегия шахсий-ривожланувчан ва касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари устуворлигида ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув жараёни мазмуни ва шакллариининг жиддий йўналишларида амалга оширилади.

Уларнинг самарадорлик меъёри қуйидаги саволлар воситасида ифодаланади:

1. Бу технологияларда инсон ўзининг хилма – хил субъективлиги билан нечоғлиқ гавдалантирилмоқда?

2. Унинг тавсифий, мантиқий ва психологик хусусиятлари қандай ҳисобга олинadими?

3. Уларни ривожлантириш ёки юксалтириш истиқболлари қандай?

Юқоридагилардан касб-хунар коллежларида ўқитиш технологиясига қўйилган талаблар келиб чиқади: таълим олувчиларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш, мақбуллик, дидактик принципларга зид келмаслик, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилганлиги.

Шундай қилиб, ўқитиш технологиясини ишлаб чиқариш асосида таълим олувчиларнинг юқори самарали ўқув фаолиятини ва ўқитувчининг бошқарув фаолиятини лойиҳалаштириши ётади.



7.3. Ўқув машғулотида ўқитиш технологияси моделининг мазмуни ва унинг тузилиши

Маълумки, дарс – бу қатъий жадвал асосидаги машғулотлар ва барча учун ягона дастур бўйича доимий таркибдаги бир хил ёшдаги бир гуруҳ ўқувчилар билан таълим беришни ташкиллаштириш шакли ҳисобланиб, унинг **мақсади**- бу бирор бир объектни ҳосил қилиш бўйича қўзланаётган, олдиндан режалаштирилган фаолият натижасидир.

Масалан: дарс мақсади – ... тўғрисида тушунчаларни ўзлаштириш, кўникмаларни шакллантириш, кўникмаларни ривожлантириш, билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш.

Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг турли кўринишлари билан тавсифланадиган ҳар бир дарснинг асосий элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу элементлар турли боғланишларда намоён бўлади ва дарснинг тузилишини, дарс босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, яъни унинг тузилишини аниқлаб беради.

Дарснинг тузилиши - дарс элементларини аниқ изчилликда ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мос келишидир.

Дарслар ташкиллаштириш мақсади, ўрганилаётган материал мазмунининг хусусияти ва ўқувчиларни билимлилиги даражаси бўйича қуйидагича таснифланади ва дарслар беш турга бўлинади:

Янги ўқув материални ўрганиш дарслари – унинг мақсади ўқувчиларни янги материални эгаллаши ҳисобланади.

Ўрганиш шакли: маъруза, тушунтириш, суҳбат, китоб билан мустақил ишлаш.

Дарснинг тузилиши ўтилган мавзунини такрорлаш: аввалги ўқув материални такрорлаш; ўқитувчининг янги материални тушунтириши ва китоб билан ишлаш; тушунганларни текшириш ва мустаҳкамлаш; уйга вазифа.

Билимларни мустаҳкамлаш дарслари - дарсда ўқув ишининг асосий мазмуни аввал ўзлаштирилганларни мустаҳкамлаш мақсадида уларни қайта англаб етиш ҳисобланади.

Дарснинг тузилиши кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш: назарий билимларни қайта тиклаш; амалий топшириқ ва машқлар бажариш; мустақил ишларни бажарилганлигини текшириш; уйга вазифа бериш.

Умумлаштириш ва тизимлаштириш дарслари – дарсда аввал ўрганилган материалдан энг муҳим бўлган саволлар тизимлаштирилади ва

қайта тикланади, талабалар билими тўлдирилади. Бундай дарслар алоҳида мавзу, бўлим ва ўқув фани курсини ўрганишнинг охирида ўтказилади.

Дарснинг тузилиши: ўқитувчини маърузаси ва уни якуни.

Қайтариш ва умумлаштириш шакли: ҳикоя, қисқа маълумотлар бериш, суҳбат.

Билим, кўникма ва малакаларни текшириш (назорат) дарслари – бу дарсда ўқувчиларни тайёргарлик даражасини аниқланади, материални эгаллашдаги камчиликлар аниқланади, келгуси иш йўлларини белгилашга ёрдам берилади. Назорат дарслари ўқувчилардан берилган мавзу бўйича барча билим, кўникма ва малакаларни қўллашни талаб этади. Текширув оғзаки ёки ёзма шаклда ўтказилади.

Комбинацияланган ёки аралаш дарс – дарсда бир қанча дидактик вазифалар ҳал қилинади.

Дарснинг тузилиши: уй вазифасини текшириш ва ўқувчилардан сўраш; янги ўқув материални ўрганиш; ўзлаштирилганни дастлабки сўраш; машқ қилиш йўли орқали билимларни мустаҳкамлаш; суҳбат кўринишида аввал ўрганилганларни қайтариш; ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш; уйга вазифа бериш.

Юқорида тавсифланган дарсларнинг асосий элементлари бўлиб ташкилий қисм ва дарс якуни ҳисобланади. Ташкилий қисм мақсадни билдириш ва уни ўқувчилар қабул қилишини таъминлаш, иш муҳитин яратиш, ўқув фаолиятининг асосини фаоллаштириш ва қабул қилишга, тушунишга, эслаб қолишга йўналтиришни назарда тутди. Дарснинг якуний босқичида мақсадга эришилганликни, ўқувчилар иштирокини, алоҳида ўқувчилар ишини баҳолаш, ва келгуси иш режаларини аниқлашни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади.

Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг қўшимча шакллари: экскурсия, маслаҳат, уй иши, ўқув анжуманлар, қўшимча машғулотлар.

Дарсдаги таълим технологияси қандай бўлиши керак?

Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг **таълим модели** жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- *дастлабки маълумотлар:* ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- *шакл* (маъруза, семинар ва бошқ.) ва *кўриниши* (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўқув машғулоти режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- *танланган таълим модели:* усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари;
- *таълим бериш шароити:* махсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;
- *мониторинг ва баҳолашга* асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқ.).

Ўқув машғулотида таълим технологияси модели
Мавзу (рақами)(номи).....

Вақт: соат	Талабалар сони: ...
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Маъруза (ахборотли/бирлашган дарс ва бошқ.), семинар (билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш бўйича), амалий машғулот
Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши	1. ... 2. ...
Ўқув машғулоти мақсади:	Шакллантириш / билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш
Педагогик вазифалар: ...билан таништириш; ...таснифни бериш; ...тушунтириш; ...очиқ ериш ва бошқ.	Ўқув фаолияти натижалари: ...кўрсатадилар; ...таснифлайдилар; ...айтиб берадилар; ...тартибли равишда очиқ берадилар
Таълим усуллари	Маъруза, инсерт, ақлий ҳужум ва бошқ.
Таълим шакли	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Таълим воситалари	Маъруза матни, техника воситалари ва бошқ.
Таълим бериш шароити	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқ. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқ.



7.4. Ўқув машғулотининг технологик харитаси мазмуни ва унинг тузилиши

Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараёни)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.

Мавзуй режадан фарқли ўлароқ технологик харитада:

- (1) ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти;
- (2) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти;
- (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари;
- (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари кўрсатилади.

Масалан, технологик хаританинг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари қуйидагича бўлади:

1 - босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотида кириш.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқ.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.

- Таълим оловчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2 – босқич (55-65 дақиқагача). Асосий / маълумот берувчилик.

Таълим берувчи ва таълим оловчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи ўқув машғулотининг режасиғ тузилишига мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим оловчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

- Таълим оловчилар кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3 – босқич (10-15 дақиқагача). Якуний – натижавий.

Таълим берувчи ва таълим оловчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи мавзу бўйича якун ясайди, таълим оловчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қилади, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

- Таълим оловчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

11-жадвал.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси (намуна)

 Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим оловчилар
1-босқич. Ўқув машғулоти га кириш қисми	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
2-босқич. Асосий қисм	2.1. Тезкор-сўров/ савол-жавоб/ ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Маъруза/ семинар/ амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади.	Жавоб берадилар Ёзадилар. Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар ва бош.

3-босқич. Якуний қисм	3.1.Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди .	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар. Топшириқни ёзадилар.
--------------------------------------	---	--

Асосий тушунча ва атамалар: Технологик ёндашув, таълимни технологиялаштириш, технология, ишлаб чиқариш технологияси, таълим технологияси (ТТ), ўқитиш технологияси (ЎТ), педагогик технология (ПТ), педагогик тизим (ПТ), ўқитиш методикаси.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Таълимга технологик ёндашувнинг моҳияти ва унинг узлуксиз ривожланиши ҳақида сўзлаб беринг.
2. Таълимни технологиялаштириш соҳасидаги асосий тоифа ва тушунчаларни изоҳланг.
3. Ўқув машғулотида ўқитиш технологияси моделининг мазмуни ва унинг тузилишини мисоллар тарзида тушунтириб беринг.
4. Ўқув машғулотининг технологик харитаси мазмуни ва унинг тузилишини бирор бир мавзу доирасида ёритиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент, 2018 йил 5 июнь.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -488 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
5. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.
6. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
7. Айсмонтас Б.Б. Теория обучения. Схемы и тесты.- М.: ВЛАДОС, 2002.

8. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.

9. Сластенин В.А., Мигаеко А.И. профессионально – педагогическая подготовка современного учителя.-Сов. Педагогика, 1991, №10, с. 79-84.

МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Бобнинг қисқача мазмуни

- 8.1. Маъруза шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 8.2. Маъруза турлари ва уларнинг тавсифлари.
- 8.3. Семинар шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 8.4. Семинар машғулотидаги турлари ва уларнинг тавсифлари.



8.1. Маъруза шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

Маъруза - давомли вақт ичида катта ҳажм бўйича монологик ўқув материални баён қилиш.

Маъруза - ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

йўналтирувчилик-талабаларни ўқув материалнинг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига диққат қилишларига имкон беради;

ахборотлилик- ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва ҳулосалар моҳиятини очиқ беради;

методологиклик- маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади;

тарбияловчилик-маъруза ўқув материалига ҳиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;

ривожлантирувчилик - билим олиш қизиқишларини *Маърузанинг асосий вазифаси* - таълим беришнинг назарий асосини таъминлаш, ўқув фаолияти ва аниқ ўқув фанига бўлган қизиқишни ривожлантириш, талабаларда фан курси бўйича мустақил ишлаши учун йўналишларни шакллантиришдан иборат. Анъанавий маъруза нафақат ахборотни тақдим этиш йўли, балки таълим берувчини таълим олувчига, уларни билим олиш фаолликларини оширувчи ҳиссий таъсир этиш воситаси каби устунликларига эга.

Усулнинг асосий вазифаси - таълим бериш.

Маърузанинг дидактик мақсадлари :

- ✓ Янги билмиларни етказиш;
- ✓ Тўпланган билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш;
- ✓ Улар асосида ғоявий фикрлар, ишончли, дунёқарашни шакллантириш;
- ✓ Билиш ва касбий қизиқишни ривожлантириш.

Маърузани ўқишга бўлган асосий талаблар сифатида қуйидагиларни илгари сурадилар:

- Дунёқараш аҳамиятига эга бўлган, баён этилаётган ахборотни юқори илмийлик даражаси;

- аниқ ва мустақкам тизимлаштирилган ва услубий жиҳатдан замонавий илмий маълумотлар билан қайта ишлаб чиқилган катта ҳажм;
- билдирилаётган фикрларнинг исботлилиги ва асослилиги;
- фикрларни баён этишдаги аниқлик ва тингловчиларни фикрлашини фаоллаштириш, муҳокама қилувчи муаммо бўйича мустақил ишлаш учун саволларни берилиши;
- берилган муаммони ҳал этишда турли фикрлар таҳлилини қилиш;
- асосий фикр ва ҳолатларни чиқариш, хулосаларни ифодалаш;
- киритилаётган термин ва тушунчаларни тушунтириш; талабаларга маълумотларни тинглашга, фикрлашга ва қисқа ёзиб олишга имкон яратиб бериш;
- аудитория билан педагогик алоқани ўрната олиши; дидактик материал ва техник воситаларни қўллаши;
- матн, конспект, чизмалар блоки, жадвал, графикларнинг асосий материалдан фойдаланиши.

Маърузага талабалар иштирок этиш элементини киритиш зарур бўлади:

Саволлар бериш ва талабалар жавобларидан фойдаланиш, бунда уларнинг аҳамиятини кўрсатиш;

Вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат бериш, бу зўриқишни пасайтиради ва ҳиссий куч беради;

Аниқ ҳолатларни, жумладан муаммоли вазиятларни аниқаш, ҳар кунги ҳаётдан мисоллар келтириш;

Талабаларда саволлар беришга қизиқишни уйғотиш;

Аввал ўрганилганлар билан, яъни янги ҳолат ва далилларни таққослаш;

Материални тушунишнинг дабдабали ва аниқловчи саволларини қўллаш.

Маърузада ўқитиш технологиясининг жараёнли тузилмаси қуйидаги босқичларда ифода этилган:

1- босқич. Ўқув машғулотига кириш - ўқув машғулотининг мавзусини ифодалаш, мустақил ўқиш учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни, ушбу мавзу бўйича калитли тоифалар ва тушунчаларни, ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқларни маълум қилиш.

2- босқич. Асосий, ахборотли - Маъруза машғулоти режасига қатъий риоя қилиш, ўқув машғулотининг технологик харитасига биноан таълим мақсадларини амалга ошириш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг тартибий ҳаракатлари.

3- босқич. Якуний – натижавий - якуний хулосалар қилиш, ушбу мавзу бўйича асосий ўқув ахборотига таълим олувчилар эътиборини қаратиш. Ўзаро баҳолаш ва ўзининг фаолияти ҳақида фикр юритишни ташкиллаштириш; бажарилган ишни келгуси касбий фаолияти учун аҳамиятлилиги тўғрисида маълум қилиш.



8.2.Маъруза турлари ва уларнинг тавсифлари

Дарс жараёнида маърузанинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Кириш маърузаси ўқув фани тўғрисида умумий тасаввурларни беради ва талабаларни ушбу фан бўйича ишлаш тизимида йўналтиради. Бу маърузада фаннинг назарий ва амалий аҳамияти, уни бошқа фанлар билан алоқаси, фаннинг мутахассис тайёрлашдаги ўрни, фан миқёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишларнинг хусусиятлари, талабаларга тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар шунингдек ҳисоботнинг вақти ва шакллари аниқ ва яққол кўрсатиб берилади.

2. Ахборотли маъруза- талабаларга ўқув маълумотларни тизимли баён этиш ва тушунтириш учун хизмат қилади. Ҳар бир бундай маъруза аниқ бир мавзуга бағишланади ва у тугалланган бўлади, лекин бошқалар билан (аввалги ва келгусидаги мавзулар билан) аниқ яхлит тизимни ташкил этади. Бунда талабаларни тушуниши ва эслаб қолиши таъминланади.

3. Умумлаштирувчи маъруза – бу юқори даражада илмий билимларни тизимлаштириш бўлиб, бир турдаги аниқ дастурий саволлар тўғрисида қисқа ва умумий маълумотларни бериш назарда тутилади. Бу маърузалардан ўқишнинг якуний босқичларида фойдаланилади (давлат имтиҳонлари).

4. Муаммоли маъруза – бу маърузада янги билимлар савол, вазифанинг муаммолиги ёки вазият орқали етказиб берилади. Бунда талабаларни ўқитувчи билан ҳамкорликда ва суҳбатда билиш жараёни изланувчилик фаолиятига яқинлаштирилади.

5. Кўргазмали-маъруза- маъруза материални техник воситалар ёки аудиовидеотехникалар ёрдамида кўргазмали шаклда етказиб беришни назарда тутлади.бундай маърузани ўқилиши кўрилатган кўргазмали материалларни (слайд, расмлар, жадвал, чизма, графиклар ва б.) очик ёки қисқа шарҳлашга олиб келинади.

6. Бинарли маъруза – бу икки ўқитувчини (илмий мактаб вакиллари, олим ва амалиётчи, ўқитувчи ва талаба) суҳбат шаклидаги маърузани ўқиш тури.

7. Олдиндан режалаштирилган хатолар билан маъруза – таклиф этилаётган ахборотни (хатоларни излаш: мазмунда, услубийда, орфографик хатоларни) доимий назорат қилишда талабаларни қизиқтиришга йўналтирилган. Маъруза якунида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар таҳлили ўтказилади.

8. Анжуман-маъруза олдиндан қўйилган муаммо ва маърузалар тизими, давомийлиги 5-10 дақиқалик бўлган, илмий-амалий машғулот сифатида ўтказилади. Ҳар бир маъруза қилиш, ўқитувчи томонидан олдиндан таклиф этилган дастур доирасида мантиқан тугалланган матнни акс эттиради. Такдим этилган матнлар йиғиндиси муаммони ҳар томонлама ёритиб беришга имкон беради. Маъруза якунида ўқитувчи талабаларнинг мустақил ишларини ва маъруза билан чиқишларини хулосасини қилади, таклиф этилган маълумотларни тўлдиради ва аниқлик киритади ва асосий хулосаларни шакллантиради.

9. Маслаҳатли-маъруза турли сценариялар бўйича ўтказилиш мумкин. *Биринчи вариант* “савол-жавоблар” тури бўйича амалга оширилади. Маърузачи маъруза вақти мобайнида талабалар бўлим ёки бутун курс бўйича саволларга жавоб беради. *Иккинчи вариант* “савол-жавоб-мунозара” шаклида ўтказилади, яъни маърузачи томонидан янги маълумотни баён этиш, саволларни берилиши ва берилган саволларга жавоб излаш мақсадида мунозарани ташкиллаштириш.

Агар биз маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳламоқчи бўлсак, қуйидаги чизмага мурожаат қилсак бўлади (-жадвал).

12-жадвал

Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари

Маъруза шакллари	Ўзига хос хусусиятлари
Маълумотли	Маърузанинг энг анъанавий тури. <i>Педагогик вазифалар:</i> ўқув маълумотини баён қилиш ва тушунтириш
Умумлашти-рувчи қисқа маълумотли	Курсни ёки унинг катта бўлимларини баён этилган назорат ҳолатлари негизини, аввалом бор илмий-тушунчавий ва концептуал асос ташкил этади. <i>Педагогик вазифалар:</i> Илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш. Ички ва фанлараро алоқаларни ёритиб бериш.
Муаммоли	Янги билимлар савол / вазифа / вазиятларни муаммолиги орқали амалга оширилади. Бунда талабалар билими ўқитувчи билан ҳамкорликда ва суҳбатда тадқиқотчилик фаолиятига олиб келинади. <i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини ёритиб бериш; муаммони аниқлаш уни ечиш / жамлаш ва анъанавий ва замонавий нуқтаи назарни таҳлил қилишни ташкиллаштириш
Кўргазмали	Бундай маърузани олиб борилиши кўрилатган материалларни очик ҳолда ва қисқа шарҳлашга олиб келинади. <i>Педагогик вазифалар:</i> маълумот мазмунини таълимнинг техникавий воситалари ёки аудио техникалар ёрдамида ёритиб бериш
Бинарли	Бундай маърузани олиб борилиши икки ўқитувчи / 2-мактаб вакиллари / олим ва амалиётчилар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги суҳбатни намоён қилади <i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотларни икки томон нуқтаи назарларини таққослаш орқали ёритиб бериш
Олдиндан кўзланган хатоликлар билан	Ўқитувчи онгли равишда йўл қўйган мазмунли, методологик хатоликларни: талабалар томонидан топишга қаратилган. Маъруза якунида талабаларнинг ташҳиси ва қўйилган хатоликлари таҳлили олиб борилади. <i>Педагогик вазифалар:</i> янги материал мазмунини ёритиб

	бериш; талабаларни таклиф этилаётган маълумотни доимо назорат қилишларига қизиқтириш
Анжуман	Ўқитувчи томонидан тайёрланган дастур миқёсида, олдиндан белгиланган муаммо ва маъруза тизими билан илмий-амалий машғулоти олиб борилади. <i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини ёритиб бериш, талабаларни янги ўқув маълумотини излаш ва тизимлаштиришга ҳаракат қилдириш
Маслаҳатли	Турли йўл билан ўтказилиши мумкин. 1. “Савол-жавоб”. Ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича талабаларнинг саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоб-мунозара”. Янги маълумотни нафақат баён этади, балки ва қўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради. <i>Педагогик вазифалар:</i> талабалар билимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, уларни янги маълумотлар билан тўлдириш



8.3. Семинар шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

Семинар - таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулоти ўқитиш шаклидир.

Семинар қуйидаги мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

- Назарий материални тартибга солиш.
- Кўникмаларни ҳосил қилиш.
- Билимларни назорат қилиш.

Семинар машғулотининг дидактик мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Билимларни, чуқурлаштириш, тизимлаштириш, мустаҳкамлаш.
- Билимларни текшириш ва назорат қилиш.
- Китоб билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини сингдириш.
- Нутқ маданиятини ривожлантириш.
- Ўз фикрида далилий туриш кўникмасини шакллантириш.
- Тингловчиларни саволларига жавоб бериш кўникмасини шакллантириш.

- Бошқаларни тинглаш, саволлар бериш кўникмасини шакллантириш.

Таълим берувчи семинарни самарали ўтказиш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- ўзининг тайёргарлиги, бунда савол ва жавоб техникасига эга бўлиши;
- ўқув гуруҳининг ҳолати: унинг мотивацияси, унинг ташкил этиш хусусияти;
- ўқув жараёнининг техник жиҳозланиши.

Семинар машғулоти режаси асосий материални қамраб олиши ва қисқа, аниқ, тушунарли бўлиши зарур.

Тайёргарлик ва семинарни олиб бориш бир қатор саволларга жавоб беришни талаб этади:

1. *Нима учун?* - Вазифа ва семинарни олиб бориш умумий қилиб олганда таълим бериш мақсадларига мос бўлиши керак.

2. Семинар шаклида олиб бориш технологиясини *Қандай қилиб?* - ишлаб чиқиш керак

3. Семинар вақтида муҳокама қилиш керак бўлган, материал мазмунида - *Нимани?* ишлаб чиқиш зарур.

4. Семинарни олиб бориш вақтида, яъни ҳисобга олиш муҳим бўлган омиллар- *Нимани ҳисобга олган ҳолда?* елгиланиши зарур.

5. Семинарни бошқариш учун унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ундан фойдаланиш мумкин бўлган, таъсир этиш воситасини- *Қандай йўл билан?* аниқлаш мумкин.

Семинар машғулоти самарадорлиги - бу ҳар бир семинар иштирокчиси учун энг кўп индивидуаллик самарадорлиги ҳисоби билан, белгиланган мақсадларга эришишдир. Бунда, самарадорлик мезонлари:

а) *Мазмунли моҳиятга кўра-*

-янги ахборотга эга бўлиш ёки аввалигисини ўзгача таркиблаштириш;

-янги муаммоларни ва келгуси ўқув материални ўзлаштириш учун саволларни аниқлаш.

б) *Жараёнли моҳиятга кўра-*

- мунозарани тузилмалилиги-тинглочиларни натижа ва иш бўйича ҳамкориға бўлган салбий муносабатнинг йўқлиги;

- регламентга риоя қилиш - тартибга мувофиқ ишлаш.

13-жадвал

**Семинар машғулотларида таълим бериш технологиясини
лойиҳалаштириш ва режалаштириш**

Бундай семинарларни ўтказишнинг асосий йўли таълим олувчилар томонидан тайёрланган маъруза ва маълумотларни жамоавий муҳокама қилишни ташкиллаштиришдан иборат бўлади.

Бундай **семинарлар самарадорлиги** таълим олувчиларни семинарга тайёрланиш сифати билан аниқланади. Маъруза ва янгиликлар билан чиқувчи, таълим олувчиларнинг тайёргарлиги аҳамиятга эга бўлади.

1. Тайёргарлик босқичи

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
Олдиндаги семинар учун маъруза/янгиликлар мавзулар рўйхатини таклиф этади. Ўқув фанини бундан кейин ўзлаштиришда, замонавий ижтимоий/иқтисодий ва бошқа келгусидаги касбий фаолиятларидаги муаммоларда тўлиқ йўналиш олишда уларнинг муҳимлигини тушунтиради.	Семинарга тайёрланадилар. Маъруза/янгиликлар мавзусини танлаганлар реферат режасини тузадилар

Семинарда тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини тавия этади. Мавзулар танлашни ташкиллаштиради. Танланган мавзу бўйича рефератнинг батафсил режасини тузиб чиқиш вазифасини беради. Фақат маъруза қилаётган талабалар тайёргарлигини таъминлаб қолмасдан, балки барча семинар иштирокчиларига: семинар машғулоти мавзусига боғлиқ бўлган маъруза мазмунини ва қўшимча материалларни ўрганиш вазифасини беради, ўзлаштирилган билимлар ва белгиланган мавзулар муҳокамасини назорат қилишга тайёр бўлишларини айтади.	
Реферат режасини муҳокама қиладилар	
	Тезликда бошланғич ғояга ўзгартириш, аниқликлар, тўлдиришларни киритади. Реферат ёзадилар.
Тайёрланган реферат мазмуни билан танишади. Лозим бўлган ҳолда талабалар рефератни тўлдиришлари учун саволлар, шунингдек маъруза қилаётганда жавоб беришлари учун саволлар ҳам беради	
Семинарда маъруза қилишнинг тузилиши ва усулини муҳокама қилади	

2. Амалга оширувчи босқич: семинар

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
1. Семинарда кириш. 1.1. Мавзу муҳокамасини эслатади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини, маъруза материали билан боғлиқлигини асослайди. 1.2. Таълим олувчиларни материалга мос равишда: (1) аввалдан тайёрланган саволлар бўйича, мазмунли аниқ жавобларни назарда тутувчи, суҳбатли шаклда, (2) матнни тўғриловчи назорат ёрдамида билимларни <i>фаоллаштиради</i> . Билимларни фаоллаштириш жараёнида семинарда кейинги маърузаларни тушунишлари учун талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларнинг етарлилигини ва уларни муҳокамадаги иштирокларини	Саволларга жавоб берадилар, саволлар берадилар

аниқлайди. Билимлар етарлича тўлик бўлмаганида зарур бўлган билимларни уларни шахсий баён этиш/талабалар билан суҳбат шаклида ўзлаштириш/аниқлаштириш/ўзгартиришларни (иккинчи вариант самаралироқ ҳисобланади) ташкиллаштиради.	
2. Асосий қисм. 2.1. Талабаларни тайёрлаган маъруза ва янгиликлари тақдимотини ташкиллаштиради. Маъруза жарёнида ўқув материални мантикий ёритиб беришини, уни баён этиш йўли, тингловчиларнинг таъсирланишини диққат билан кузатади. Маъруза ёки янгиликлар мазмуни тингловчиларни қизиқтирмай қўйган ҳолда, ёки аксинча, маъруза вақтида кўтарилган савол юқори қизиқишни уйғотса, маърузачини маълум вақтгача хушмуомалалик билан тўхтади ва семинарни жамоавий муҳокама йўлига ўтказди. 2.2. Маъруза мазмунининг жамоавий муҳокамасини ташкиллаштиради. (Бу семинарнинг энг аҳамиятли қисми бўлгани сабабли, талабалар фаол билиш фаолиятига жалб қилинадилар). Бунда бу мазмун: семинар иштирокчиларини маърузачига берган саволлар мазмуни бўйича ва ўқитувчини талабаларга берган саволларига (одатда, агарда уларнинг ўзлари саволлар бермаганларида ёки уларнинг саволлари мавзу мазмунини алоҳида томонларига тааллуқли бўлса, талабаларга саволларни тавсия этади) жавоблари бўйича талабаларга қай даражада тушунарли бўлганини баҳолаш. <i>Семинарни секин-аста ташкиллаштирилган мунозара шаклига ўтказилади.</i> Ҳар бир маърузани муҳокамасини қисқа умумлаштириш, маърузанинг асосий ҳолатлари ва муҳокама (мунозара) натижаларини қайд этиш билан тугатади	Талабаларни тайёрлаган маъруза ва янгиликлари тақдимоти. Маъруза мазмунини жамоавий муҳокама қиладилар, баҳслашадилар



8.4. Семинар машғулотининг турлари ва уларнинг тавсифлари

Суҳбат- семинар. Энг кўп тарқалган тур ҳисобланиб, режа бўйича очик суҳбат шаклда ўтказилади, яъни қисқа талабаларни сўзга чиқишлари ва ўқитувчини якунидан иборат бўлади.

Талабаларни семинар режаси саволлари бўйича тайёрланиб келишлари назарда тутилади.

Маъруза ва рефератларни эшитиш ва муҳокама қилиш-семинар. Бу талабалар ўртасида маъруза ва реферат мавзуларини дастлабки тақсимлаш ва тайёргарликни назарда тутди.

Маърузада уч асосий қисмни ажратадилар:

1. Кириш бўлиб, бунда мавзу уни нг аҳамияти аниқланади;
2. Асосий, бунда мавзу мазмуни баён этилади.
3. Якуний, бунда мавзу умумлаштиради, хулосалар қилинади.

Маърузанинг давомийлиги- 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

Семинарни асосий маркази бўлиб маъруза муҳокамаси, савол- жавоб ва маъруза муҳокамаси, маърузачининг якуний сўзга чиқиши.

Рефератларни тайёрлаш. Талабанинг ижодий ишининг мураккаб шакли ҳисобланиб, у иншо ёзиш, тугалланган меҳнатни англатади.

Реферат мавзулари тақсимлаётганда бир вақтни ўзида оппонентларни ҳам белгилайдилар. Улар олдиндан реферат мазмуни билан танишишлари ва унга тақриз тайёрлаши керак. Тақризда: унинг ютуқлари ва камчиликларини кўрсатиш, уни мазмуни бўйича тўлдиришларни киритиш юзасидан тавсиялар бериш керак. Оппонентлардан сўнг муҳокамага талбалар қўшиладилар. Якунда ўқитувчи рефератга, оппонентга ва бошқа сўзга чиққанларга баҳо беради.

Диспут (тортишув)-семинар. Муаммони асосли ҳал этиш юзасидан жамоавий муҳокама қилишни назарда тутди. Диспут-семинар диалогик мулоқат шаклида олиб борилади. У юқори ақлий фаолликни назарда тутди, тортишунини олиб бориш, материални муҳокама қилиш, нуқтаи назар ва ўз фикрини ҳимоя қилиш, ўз фикрларини кенг ва аниқ баён этиш кўникмасига одатлантиради.

Қўшма шаклдаги семинар. Бу маърузалар муҳокамаси, эркин сўзга чиқишлар, шунингдек мунозарали муҳокамаларнинг бирикмасидир.

Семинарда савол-жавобли ўқитиш техникаси.

1. Саволни тўғри ифодалаш ва сўнгра савол бериш. Улар ўзаро мантиқан алоқага эга бўлиши керак.

2. Мазмун ва шакли бўйича саволлар талабаларнинг ривожланиш даражасига мос келиши зарур – осон саволлар фаол билиш фаолиятини уйғотмайди.

3. Ҳар бир саволни барча ўқув гуруҳига берилади ва ўйлаб бўлингандан сўнг жавоб бериш учун талабалардан бири чақирилади.

4. “бақариб” жавоб бераётган талабаларни рағбатлантирилмайди.

5. Кўпроқ фаол иштирок этмаётганлардан сўралади, қолганларга ноаниқ жавобларни тўғрилашга ёки тўлдиришларини имкон бериш керак.

6. Узоқ бўлган саволлар берилмайди. Агарда берилган саволга ҳеч бир талаба жавоб бераолмаса, саволни бошқатдан ифодалаш, қисмларга бўлиш ёки йўналтирувчи савол бериш керак.

Асосий тушунча ва атамалар: маъруза, кириш маъруза, якуний маъруза, умумлаштирувчи маъруза, муаммоли маъруза, қўшилган маъруза,

олдиндан кўзланган хатоликлар билан маъруза, маслаҳат маъруза, ахборотли маъруза.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Маъруза шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари хақида сўзлаб ўтинг.
2. Маъруза турлари ва уларнинг тавсифларини келтиринг.
3. Семинар шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
4. Семинар машғулотининг турлари ва уларнинг тавсифларини мисоллар шаклида келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент 2018 йил 5 июн
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.
4. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
5. Айсмонтас Б.Б. Теория обучения. Схемы и тесты.- М.: ВЛАДОС, 2002.
6. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.
7. Сластенин В.А., Мигаеко А.И. профессионально – педагогическая подготовка современного учителя.-Сов. Педагогика, 1991, №10, с. 79-84.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Режа

9.1. Ўқув лойиҳаси ва унинг мазмуни.

9.2. Лойиҳавий таълимнинг асослари.

9.3. Ўқув-лойиҳавий фаолият.

9.4. Ўқув лойиҳасининг услубий паспорти.



9.1. Ўқув лойиҳаси ва унинг мазмуни

Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашда ўқув дастури мазмунининг мукамаллиги, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларнинг замонавий талаблар асосида яратилганлиги, ўқув режаси моҳиятининг назарий ва амалий жиҳатларига кўра ягона мақсадга эришиш учун хизмат қилиши, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт–шароитларнинг мавжудлиги, педагог ва талабалар ўртасида самимий, ижобий муносабатларнинг қарор топиши каби масалалар инобатга олинади.

Муайян ўқув машғулотлари жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг дастлабки босқичи ўқув предметининг мундарижасидан жой олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йиғиш ва уларни моҳияти билан танишиб чиқиш, уларда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ҳамда яхлитлашдан иборат.

Ўқув предметининг мавзуси ёки фаолият мазмунига доир манбалар моҳиятини ўрганиб чиқиш педагог учун талабалар эътиборига тақдим этилаётган мавзу хусусида уларга батафсил, мукамал маълумотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини бера олади.

2-босқич. Иккинчи босқич ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича ҳал этилувчи хусусий мақсадларни ҳам белгилаш, таълим мақсадига эришиш йўлида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Таълим мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб олиниши ўқитувчи, шунингдек, талабалар фаолиятини муайян йўналишга солиш, таълим мақсадига эришишда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд шарт–шароитлардан оқилона фойдаланишга замин ҳозирлайди. Иккинчи босқич натижаси ўқув предметининг мавзуси бўйича ягона, умумий ҳамда хусусий мақсадлар, шунингдек, вазифаларни қайд этиш билан тавсифланади.

3-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг учинчи босқичи таълим мақсади ва вазифаларига таянган ҳолда ўқув жараёнининг мазмунини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таълим жараёни ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилувчи муайян мавзу (фаолият мазмуни) бўйича назарий ва амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунингдек, талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўникма ҳамда малакаларининг ҳажми ҳам ўз ифодасини топа олиши керак. Зеро, таълим мазмунинг ғоявий жиҳатдан мукамаллиги талабалар томонидан муайян билим, кўникма ҳамда малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади. Учинчи босқич самараси талабалар томонидан маълум тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва малакалар шаклланишини таъминловчи шартларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

4-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи ҳисобланган бу босқичда машғулотнинг шакли, метод ва воситаларини танлаш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Мазкур босқичнинг муҳимлиги шундаки, айнан машғулотнинг шакли, метод ва воситалари таълим жараёнининг муваффақиятини таъминлашга олиб келади. Улар ёрдами билангина ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) борасидаги назарий билимлар ўқувчиларга узатилади, талабалар томонидан эса ушбу билимлар қабул қилиб олинади. Муайян машғулот учун энг мақбул деб топилган шакл, метод ва воситаларнинг белгиланиши таълим жараёнининг 90 фоизлик самарадорлигини таъминлайди. Янги педагогик технологияларнинг асосий моҳияти айнан ана шу босқичда очиб берилади. Талабаларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг тўғри танланиши машғулотларнинг қизиқарли, баҳс – мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки бўлади. Мана шу ҳолатдагина талабалар ташаббусни ўз қўлларига оладилар, ўқитувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл–йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади.

5-босқич. Навбатдаги босқичда талабалар томонидан билим, малака, кўникмаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли дея белгиланган вақт ҳажми, яъни талабаларда муайян мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг қанча вақт оралиғида ўзлаштирилиши мумкинлиги аниқланади.

6-босқич. Бу босқичда топшириқлар тизими ишлаб чиқилади. Босқич натижаси сифатида ишлаб чиқилган топшириқлар тизимининг самарадорлигига алоҳида эътибор бериш талаби мазкур босқичнинг асосий шarti ҳисобланади.

Мазкур босқичда ишлаб чиқилган машқлар тизимини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- машғулот жараёнида ўқувчилар томонидан ечилиши лозим бўлган машқлар;

- дарсдан ташқари шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар (уй вазифалар).

Талабалар эътиборига ҳавола этилаётган машқлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

7–босқич. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг еттинчи босқичида талабаларнинг умумий фаолиятларини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар амалга оширилади.

Назарий ва амалий жиҳатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши талабаларнинг мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва холис аниқлай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқишда тестларнинг изчил, узвий ҳамда бир–бирлари билан уйғун бўлишларига аҳамият бериш зарурдир.

8–босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг сўнгги босқичи яратилган лойиҳа (андоза)нинг таълим жараёнига тадбиқ этилиши, таълим жараёнининг якуний даражасини ўрганиш билан ниҳояланади.

Мазкур босқичда таълим жараёнининг умумий аҳволи, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этилади, навбатдаги Машғулотлар жараёнида содир бўлган камчиликларни олдини олишга қаратилган чора–тадбирлар белгиланади.



9.2. Лойиҳавий таълимнинг асослари

Лойиҳавий таълим педагогика амалиётида қатъий янги тушунча эмас, педагогикада “ўқув лойиҳаси” тушунчаси 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда.

Немис педагоги М. Кнолнинг тадқиқотига кўра, “*лойиҳа*” (ўқув лойиҳаси. – К.Х.,Л.Г.) тушунчасининг пайдо бўлиши ХВИ асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ. Рим санъат академиясида (Академия ди Сан Луса) асосий фанлар бўйича маърузаларга муҳим элемент — “танлов” қўшилган эди. Энг яхши талабаларга черков, ҳайкал, сарой эскизини тайёрлаш топшириғи берилиб, улар устида ишлаш жараёнида талабалар олинган билимларни мустақил ва ижодий қўллашни ўрганганлар. 1702 йилдан (ўқув лойиҳалари) танлови ўқув йилининг доимий тадбирига айланди. У тузилиши жиҳатидан ҳал этилиши лозим бўлган вазифа, уни бажариш муддати, натижаларни баҳолаш учун жюрини киритган ҳолда, ҳақиқатда танловга тўлиқ мос келган. Бироқ танловга тақдим этилган ишларни амалга ошириш кўзда тутилмаганлиги муносабати билан, улар “прогетти”, яъни “эскизлар”, “режалар”, “лойиҳалар” деб номланган.

Шундай қилиб, педагогика нуқтаи назаридан “*лойиҳа*” Рим академиясида илк бор учрайди. Бундан лойиҳавий таълимнинг уч юз йилдан ортиқ асосий мазмунга эга уч дидактик белгиси мерос бўлиб қолган:

1. *Ўқувчиларни кўзда тутиш*, у лойиҳани мустақил ва жавобгарлик билан амалга ошириш давомида билим олишни англатади.

2. *Воқеликни кўзда тутиш*, у воқеликка яқин шароитда амалий вазифани ишлаб чиқишда ифодаланади.

3. *Маҳсулотни кўзда тутиш*, у режалаштирилган натижага эришиш учун фаннинг турли соҳаларида билимларни қўллашни кўзда тутади.

ХВИИИ аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцариядаги, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида тарқалди.

Немис тадқиқотчиси М.Кноллнинг таъкидлашича, ўқув лойиҳасининг Европадан Америкага архитектурадан муҳандислик ишига ўтиши табиийки, унинг тури, асослаш ва қўллаш усулига таъсир этди. Машинасозлик соҳаси профессори С. Робинсон таҳсил олаётганлардан нафақат чизма тахтасида лойиҳаларни яратиш, балки уларни устахоналарда лойиҳалаштирилган буюмни тайёрлаш жараёнини бажариш орқали амалга оширишни талаб этарди. С. Робинсон “амалий муҳандисларни” тайёрлашда лойиҳа ишининг етакчи роли тўғрисидаги фикрни баён этиш, шунингдек унинг ишлаб чиқариш синфлари тажрибаси билан алоқасини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалашни ёшларнинг ижтимоий ривожланишига имкон берувчи “демократик” иш деб атади.

Лойиҳалар усули “ўқитиш усули” дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида “эркин тарбия” ғоялари юзага келди. Таҳсил олувчига оламни шахсий тажрибасида фаол ўрганиш имконини бериш орқали унда ижодий қобилиятларни ривожлантириш зарурлигига ишониш бу турли-туман ёндашувларни бирлаштирувчи куч бўлди. Прагматик педагогика асосчиси америкалик файласуф ва педагог Дж. Дьюи таълимга қуйидаги янгича инсонпарварона ёндашувнинг асосий концептуал қоидаларини ишлаб чиқди ва асослади:

- амалий натижа берувчи ишгина ҳақиқий ва қимматли ҳисобланади;
- бола онтогенезда атроф оламни билишда инсоният босиб ўтган йўлни такрорлайди (индукция усули орқали хусусийдан умумийга);
- билимларни ўзлаштириш – табиий, бошқарилмайдиган жараён;
- бола таълимнинг фаол субъекти бўлган ҳолда, билимларга эҳтиёж юзага келгандагина ахборотни ўзлаштириши мумкин.

Дж. Дьюи назариясига кўра, муваффақиятли таълим шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ўқув материалларининг муаммоси;
- боланинг билиш фаоллиги;
- таълимнинг бола ҳаётий тажрибаси билан алоқаси;
- таълимни фаолият (ўйин, меҳнат) сифатида ташкил этиш.

Дж.Дьюи таълимни таҳсил олувчига ҳаётда айнан зарур бўладиган билимларга қизиқишни англаган ҳолда, унинг мақсадга мувофиқ фаолияти орқали фаол асосда ташкил этишни таклиф этган.

В. Килпатрик – дунёга машҳур “Лойиҳа усули” асари муаллифи (1918 й.) замонавий “лойиҳавий таълим” тушунчаси учун долзарб мазкур таълим усулининг дидактик асосларини шакллантирди:

➤ В. Килпатрикнинг фикрига биноан, айти пайтда умумий манфаат асосида бирлашган болалар гуруҳининг юқори даражадаги мустақиллик билан “чин юракдан” бажарган ҳар қандай фаолияти лойиҳа ҳисобланади;

➤ мактаб болаларни ҳозирча намоён бўлмаган, лекин келажакда кутиладиган муаммолар билан тўқнашувга тайёрлаши керак;

➤ лойиҳавий таълим муаммони ҳал этишга асосланади. Лекин у мақсад қўйилиб, уни ҳал этишга интилиш мавжудлигида лойиҳага айланади;

➤ ўқитувчи маърузачи эмас, балки маслаҳатчи вазифасини бажариши: ўқувчиларга маълумотни қаердан олишни айтиш, олинган билим ва кўникмалар кундалик ҳаётда қай тарзда асқотишини тушунтириши керак;

➤ лойиҳавий фаолият натижасида доимо муайян маҳсулот яратилиши зарур.

У.Х.Килпатрик таҳсил олувчида лойиҳавий фаолиятга мақсадга кучли интилишни уйғотишнинг имкони бўлмаганда, лойиҳалар усулини қўллашдаги чекловларни ҳам таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, У. Килпатрик “лойиҳалар усули” тушунчасини асослаб, уни таҳсил олувчиларни кўзда тутиш билан чекланган таълимот усули сифатида кўриб чиққан. У. Килпатрик лойиҳалар усули бўйича фаолият юритувчи мактаб дастурини белгилаган ҳолда, таълимнинг мазмуни ва уни ташкил этишни қатор ўзаро боғлиқ шундай тажрибаларни амалга ошириш билан боғлайдики, бир тажрибадаги таҳсил олувчилар томонидан олинган маълумотлар бошқа тажрибалар оқимининг бойитилиши ва ривожлантирилишига хизмат қилади.

Лойиҳалар усулининг америкалик педагоглар орасида оммалашуви унинг тушунчаси кенгайишига олиб келди. Шундай қилиб, Е.Коллингс лойиҳалар усули тавсифларини тўлдирган ҳолда қуйидагиларни ажратади:

➤ таҳсил олувчиларнинг лойиҳани режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолашдаги мустақиллиги;

➤ ўқитувчининг вазифаси ўзгариши;

➤ таълимнинг муаммоли ва фаолиятли характери;

➤ бошқа фанлар, мактабдан ташқари фаолият билан алоқа;

➤ маҳсулотга қаратилган натижага эришиш;

➤ амалиёт орқали текшириш.

XX аср бошларида Миссури штатида Е. Коллингс мактаби билан бир қаторда янги-янги тажриба мактаблари очила бошлади.

Дальтон шахридаги Елена Паркхест мактабида педагогика фаолияти “учта кит” асосий принципларига асосланган бўлиб, қуйидагиларда ифодаланади: боланинг эркинлиги; унинг боллар гуруҳи билан ўзаро муносабати; дарс вақтининг қулай тақсимланиши.

Декларацияланган ва таҳсил олувчига реал тарзда тақдим этиладиган эркинлик шахсий таълим суръатини танлаш имконияти орқали таъминланади. Иккинчи принципнинг таъминланиши турли ёшдаги гуруҳларнинг ўзаро мулоқоти орқали амалга оширилади. Дарс вақтини тақсимлашда қатъий назоратнинг йўқлиги руҳий босимдан халос этиб, ҳар бир ўқувчининг

сарфланган вақт учун жавобгарлигини оширади. Гарчи бу мактабда асосий ва кўшимчага бўлинса-да, ҳамма фанларни ўрганишда лойиҳалар усули қатъий қўлланилди.

Америка тажриба мактабларида қўлланилган шакл ва усулларнинг хилма-хиллигидан қатъий назар, бир умумийликни фарқлаш мумкин. Унинг моҳияти шундаки, яратувчанлик фаолияти орқали асосий деб олинган ривожлантириш таълими принциплари лойиҳавий тафаккур асосларининг шаклланиш ғояларини деярли ортда қолдирди. Бундай ижодий изланишларнинг мақсади ва шиори – “ҳар бир болага шахсий ва умумий мойилликларини ривожлантиришда ёрдам бериш”, бу лойиҳавий таълимга янгича ёндашувларни белгилади:

- таълимнинг йўналтирилиши ва алоҳидалашуви;
- лойиҳалар устида гуруҳ бўлиб ишлашдан фойдаланиш;
- таҳсил олувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини таъминлаш.

XX асрнинг 30-йилларида Америка педагогикасида У. Килпатрик концепциясининг танқиди кенг тарқалди. Ҳамкасблар қуйидагиларни ҳаққоний таъкидладилар:

➤ лойиҳалар усули гипертрофияси – унга таълимнинг асосий усули нуфузини бериш, бу ўқувчиларнинг назарий билимлари етарлича шаклланмаганлигини изоҳлади;

➤ ўқитувчининг вазифасини маслаҳатга йўналтириш.

Натижада бу таълим усули Америка мактабларида баъзан қўлланилиб, кейинчалик ундан техника, табиий-илмий ва қишлоқ хўжалиги фанларини ўрганишдагина фойдаланилди. Америка педагогларининг ишланмалари билан деярли бир вақтда Россияда лойиҳавий таълим ғоялари ишлаб чиқилди. 1905 йилда бу ерда С.Т.Шацкий бошчилигида дарсни лойиҳалаштиришдан билим ва кўникмалар ўртасида алоқа ва уларнинг амалиётда қўлланилишини таъминловчи восита сифатида фаол фойдаланишга уринган ходимлар гуруҳи тузилди.

В.Х.Килпатрикнинг “Лойиҳалар усули. Мақсадли кўрсатмани педагогика жараёнида қўллаш” рисоласи чоп этилгач, лойиҳавий таълим дастлаб Россиядаги тажриба, сўнгра баъзи оммавий мактабларда кенг тарқалди (1925 г.). Бироқ совет олимлари (В.Н. Шульгин, М.В. Крупенина, Б.В. Игнатьев) лойиҳалар усулини таълимнинг асосий усули сифатида кўриб чиқувчи Э. Коллинзнинг хатоларини ҳисобга олмадилар. Шу даврга хос ифоданинг қатъийлиги “Лойиҳалар усули – таълим мактабини ҳаёт мактабига айлантириш” формуласида баён этилди. Бу гиперболлаш (ва маълум маънода - бачканалаштириш) натижасида мажмуавий-лойиҳавий дастурлар ишлаб чиқилди (1929-1930), уларда ўқув фанлари рад этилиб, билимларни ўқитувчи бошчилигида мунтазам ўзлаштириш эса “Саводсизликни бартараф этишга ёрдам берамиз”, “Масъулиятсизларни аниқлашга ёрдам берамиз” ва ҳоказо лойиҳа топшириқларини бажариш бўйича таҳсил олувчилар билан ишлаш билан алмаштирилди. Бунинг натижасида “ўқув режа ва дастурлари сиқиб чиқарилди, ўқитувчининг ўрни камситилиб, ўқувчиларни фан асослари билан

куроллантириш тартибсиз ва баландпарвоз маълумотларни тўплаш билан алмаштирилди, мактаб ўз мавқеини йўқотди”.


Педагогика тарихининг ҳозирги тадқиқодчилари таъкидлайдиларки, ўтган асрнинг 20-йилларида лойиҳалар усулидан фойдаланиш мактабда таълим сифатининг ҳақиқатда йўл қўйиб бўлмас қулашига олиб келди. Бу ҳодисанинг сабаблари орасида қуйидагилар фарқланади:

- лойиҳалар билан ишлашга қодир педагогика ходимларининг йўқлиги;
- лойиҳа иши услубиятининг суст ишланганлиги;
- “лойиҳалар усули” гипертрофиясининг бошқа таълим усулларига зарари;
- “лойиҳалар усули”нинг педагогика нуқтаи назаридан саводсиз “комплекс дастурлар” ғояси билан мослиги.

Шу билан бирга, лойиҳавий таълимнинг афзалликлари жаҳон педагоглар жамоатчилиги томонидан баҳоланди. XX аср бошларида лойиҳа усулидан Америка таълим стратегияси сифатида оқилона фойдаланилди, ривожлантирилди.




9.3. Ўқув лойиҳавий фаолият Ўқув лойиҳавий фаолиятнинг мазмуни





17-расм. Ўқув лойиҳавий фаолият

Ўқув лойиҳаларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади:



18-расм. Ўқув лойиҳаларнинг турлари

Ўқув лойиҳаларини турлари бўйича ишлаб чиқиш технологиялари
Ўқув лойиҳалари бирор-бир лойиҳанинг асосидаги фаолият характериға боғлиқ ҳолда турлича бўлса, у ҳолда муайян лойиҳани ишлаб чиқиш технологияси ҳам бироз фарқланади.

14-жадвал.

Ўқув лойиҳаларини турлари
Ахборотли лойиҳа

Лойиҳанинг мақсади (у нима учун бажарилади)	Муаммоли вазият тўғрисида маълумот излаш ва тўплаш; тўпланган маълумотни таҳлил этиш, умумлаштириш ва таснифлаш; муаммони ҳал этиш усуллари ва воситаларини ёритиб бериш, уларнинг устунликлари ва камчиликларини изоҳлаш
Натижа	Мақола, реферат, маъруза, асосланган эссе,

(маҳсулот)	маълумотнома, кейс, Веб-сайт ва бошқалар
Таҳминий фойдаланувчилар	Талабалар (маълумотномалар, қўшимча ўқув маълумоти, кейс), ўқитувчилар (ўқув машғулотлари/кейс-технологияларни ишлаб чиқиш учун материаллар), мутахассислар (ахборот ва маълумотномалар)
Лойиҳа доираси	Қисқа муддатли /ўртача давомийлик
Якуний натижани баҳолаш	Ўз-ўзини баҳолаш, гуруҳлар томонидан ўзаро баҳолаш, ўқитувчининг баҳоси, маҳсулотдан фойдаланувчиларни баҳолаш эҳтимоли
Ишлаб чиқиш технологияси	
1. Тайёрлов босқичи 1.1. Асосланган муаммолар. 1.2. Лойиҳа мақсадини белгилаш. 1.3. Муаммони ҳал этиш масалаларини белгилаш. 1.4. Маълумот манбаларини аниқлаш ва танлаш. 1.5. Маълумот тўплаш усулларини танлаш. 1.6. Маълумотларни қайта ишлаш усулларини танлаш. 2. Бажариш босқичи 2.1. Маълумот тўплаш. 2.2. Маълумотларни қайта ишлаш: таҳлил этиш, умумлаштириш, таркиблаштириш, қиёслаш, асосланган хулосалар. 2.3. Маҳсулотни расмийлаштириш. 2.4. Тақдимот тайёрлаш. 3. Якуний босқич 3.1. Лойиҳа тақдимоти ва ҳимояси. 3.2. Маҳсулотни баҳолаш.	

Тадқиқот лойиҳаси

Лойиҳанинг мақсади (у нима учун бажарилади)	Тадқиқотни амалга ошириш: муаммонинг асосланган изоҳи, уни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш
Натижа (маҳсулот)	Ҳисобот, илмий мақола, тезислар, маъруза, кейс, Веб-сайт ва бошқалар
Кўзда тутилган фойдаланувчилар	Талабалар (қўшимча ўқув маълумоти, кейс), ўқитувчилар (маъруза материали), мутахассислар (амалий маълумот)
Лойиҳа доиралари	Ўртача давомийлик / узоқ муддатли
Якуний натижани баҳолаш	Ўз-ўзини баҳолаш, гуруҳлар томонидан ўзаро баҳолаш илмий раҳбар / мустақил экспертнинг баҳоси, ўқитувчининг баҳоси
Ишлаб чиқиш технологияси	
1. Тайёрлов босқичи 1.1.Тадқиқотнинг муаммоси, унинг предмети ва объектини излаш, асослаб бериш, ифодалаш. 1.2. Ҳал этиш гипотезасини илгари суриш.	

1.3. Тадқиқот вазифаларини белгилаш.
1.4. Маълумот манбаларини аниқлаш.
1.5. Тадқиқот усуллари ва воситаларини танлаш.
1.6. Маҳсулотни тақдим этиш шакллари танлаш.
<i>2. Бажариш босқичи</i>
2.1. Тадқиқотни амалга ошириш: гипотезанинг тажрибавий ёки назарий текширилиши.
2.2. Тадқиқот натижаларини расмийлаштириш, уни келгусида ривожлантириш учун янги муаммоларни белгилаб олиш.
2.3. Тақдимот тайёрлаш.
<i>3. Якуний босқич</i>
3.1. Лойиҳа тақдимоти ва ҳимояси.
3.2. Маҳсулотнинг ташқи (эксперт) баҳоланиши.

Амалиётга мўлжалланган лойиҳа

Лойиҳанинг мақсади (у нима учун бажарилади)	Муаммони ҳал этиш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш
Натижа (маҳсулот)	Бизнес - режа, стратегия, ҳаракатлар дастури ва бошқалар
Кўзда тутилган фойдаланувчилар	Мутахассислар, талабалар (қўшимча ўқув ахборот, кейс), ўқитувчилар (амалий билимлар учун ўқув материали)
Лойиҳа доиралари	Чекловлар йўқ
Якуний натижани баҳолаш	Ўз-ўзини баҳолаш, гуруҳлар томонидан ўзаро баҳолаш, маҳсулотдан фойдаланувчилар - манфаатдор шахслар ва тузилма (бююртмачи) ларнинг баҳоси, ўқитувчининг баҳоси

Ишлаб чиқиш технологияси

<i>1. Тайёрлов босқичи</i>
1.1. Лойиҳавий фаолият натижаларига муайян эҳтиёжни аниқлаш. Муаммонинг кўйилиши.
1.2. Лойиҳа мақсадини аниқлаш.
1.3. Муаммоли вазиятнинг лойиҳа олди таҳлили.
1.4. Муаммони ҳал этиш вазифаларини белгилаш.
1.5. Лойиҳа мақсадига эришиш усуллари ва воситаларини танлаш.
1.6. Маҳсулотни тақдим этиш шакллари танлаш.
<i>2. Бажариш босқичи</i>
2.1. Лойиҳанинг бажарилиши.
2.2. Маҳсулотнинг расмийлаштирилиши. Уни амалиётга татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.
2.3. Тақдимотга тайёрлаш.
<i>3. Якуний босқич</i>
3.1. Лойиҳа тақдимоти ва ҳимояси.
3.2. Маҳсулотни баҳолаш.



9.4. Ўқув лойиҳасининг услубий паспорти

Ўқув лойиҳа иши тўғрисида ҳисобот тайёрлаш бўйича йўриқнома:

1. Танлаган мавзунинг долзарблигини асосланган ҳолда исботланг (1 бетдан кўп бўлмаган матн).
2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони (5-6 сўз билан) асосланг.
3. Лойиҳа мақсадингизни: уни нима учун яратилиши, охириги маҳсулни қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф орқали) кўрсатинг.
4. Лойиҳа вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.
5. Лойиҳанинг иш режасини баён этинг (жадвал).
6. Вазифанинг ечими натижалари ва лойиҳада бажарилган ишларни санаб ўтинг: қисқа ва лўнда, лойиҳа бажарувчиларини кўрсатган ҳолда (жадвал).
7. Сиз таклиф этган лойиҳа маҳсулини татбиқ этиш имконини тасдиқловчи ҳулосалар ва (зарур бўлса) уни истъомчиларига кўрсатмаларни шакллантиринг (1 бетдан кўп бўлмаган матн).
8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини таркиблаштиринг.
9. Баҳоланг:
 - лойиҳа сифати,
 - лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари.
10. Иловаларни таркиблаштиринг: лойиҳа ишининг иш материалларини киритинг (хоҳишингизга кўра).

Ўқув лойиҳасини MS Power Point да тақдимотга тайёрлаш бўйича йўриқнома

1. MS Power Pointда тақдимотга **тайёрлаш жараёни** қуйидагилардан иборат:
 - тақдимот турини танлаш;
 - тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;
 - слайдларни мазмунли томонларини танлаш;
 - янги слайдлар ва унинг мазмунини қўшиш;
 - слайдларни белгилашни танлаш;
 - зарур бўлганда слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;
 - слайдларни намойиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиш.
2. Слайдларни **техник намойиш этиш** қуйидаги тавсифларга жавоб бериши керак:
 - Слайдлар *миқдори* (8-12).
 - Слайдларни *мазмунли кўрсаткичлари*:
 - биринчи слайд: лойиҳа номи, муаллиф фамилияси, № ўқув гуруҳи, яратилган кунидан иборат;
 - охириги слайд ахборот манбаига бағишланган;
 - бошқа слайдлар лойиҳа мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради.
 - Слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намойиш этирилади.

3. *Тақдимотни расмийлаштириш қондаси*

➤ Матн, айниқса, у оғзаки нутқ билан биргаликда бўлса, қуйидагича бўлиши зарур:

- юқори ахборотли;
- боғловчили;
- аниқ ва қисқа;
- оддий синтактикли (...қуйидагиларга эътибор беринг, қуйида тақдим этилаётган... рўйхатлар каби айлантирувчи кириш сўзлари камроқ бўлиши) буларнинг барчасини маърузачини ўзи гапириши мумкин. Оддий тузилган гаплар ўрни билан таништиради ва ёзувни каттароқ қилишга имкон беради;
- тушунарли, мантиқий, аниқ (айниқса, термин ва таърифларда) бўлиши зарур.

☞ *Оммага тақдим этишдан олдин матнни текширишга эринманг.*

➤ **Овоз** тиниқ бўлиши керак. Тақдимотни овозли қилиш керак эмас, бунда шарҳловчини овозини эшитиб бўлмайди - энг яхшиси маърузачини жонли овози ҳисобланади.

➤ **Расмлар** аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмлар иллюстратив эмас, балки декоратив хусусиятга эга бўлиши керак. Расмларни безаш предметнинг асл мазмунидан чалғитади.

☞ *Расмлар ўлчамини катталаштиришга ҳаракат қилманг – Сиз фақатгина сифатини йўқотасиз*

➤ **Видео - тасмалар** тақдимот ойнасини учдан бир қисмини эгаллаши зарур.

➤ **Жадваллар** яхши фарқланувчи маълумотлар билан бирга, уларнинг тагидаги аниқ, йирик ёзувлардан иборат. Жадваллар номланиши, зарур бўлса қисқача шарҳланиши керак.

☞ *Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Жадвалга қанча кўп маълумотлар киритилса, уларни экрандан қабул қилиш шунчалик қийин бўлади.*

Катта ҳажмдаги жадвалларни (худди шундай чизмаларни ҳам) тақдимот бошлашдан аввал алоҳида қозғозга чиқариб, аудиторияда ўтирганларга тарқатиш зарур.

➤ **Чизмалар** бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантиқий равишда ўтиш чизиқлари билан таъминланган бўлиши керак. Ўтиш чизиқларини экранда аниқ кўринишига ишонч ҳосил қилинг.

➤ **Анимация.** Замонавий техник воситалар анимацион чизмали файлларни яратиш имконини беради (кенгайтирилган гиф).

Лойиҳа таркибий бўлимлари

5-ТА ШАКЛ

1. БАЛАНС
2. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
3. ПУЛ ОҚИМЛАР ТУҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
4. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
5. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
- 6.

Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси

Иштирокчилар Ф.И.О.	Вазифа тури	Иш мазмуни	Тайёр маҳсулот тури	Бажариш муддати
1.А. 2.Б. 3.В.	Балансни ўрганиб чиқиш	ўқувчилар рўйхати тузилиб, уларга мавзу қисмларга бўлиб берилади ва ахборот манбалари йиғилади	мустақил иш	5-соат
1.А. 2.Б. 3.В.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳақида маълумот тўплаш	йиғилган маълумотларни тўплаб, улар асосида гапириб бериш	мустақил иш	2-соат
1.А. 2.Б.	Пул оқимлар туғрисидаги ҳисобот ҳақи- да маълумот тўплаш	ўрганилган маълумотларни жадвалга солиш	мустақил иш	3-соат
1.А. 2.Б.	Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	ўрганилган маълумотларни текшириш таҳлил қилиш	мустақил иш	5-соат
1.А. 2.Б.	Хусусий капитал тўғрисидаги	мустақил иш тақдимоти ўтказилади	мустақил иш	4-соат
	Маълумотнома тайёрлаш			

ЎҚУВЧИЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.
2. Дикқат билан лойиҳа топшириғи билан танишинг.
3. Маълумотнома тузилишини аниқланг.
4. Иштирокчилар ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисоботга тайёрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.
5. Иш режасини тузинг
6. Ахборот манбаларини аниқланг, ахборотни йиғинг ва уни матн, жадвал, чизма ҳамда шарҳлаш кўринишида расмийлаштиринг (Дикқат! Ушбу вазифани барча гуруҳ иштирокчилари бажаради).
7. Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштиринг (1-та талаба).
8. Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг (2-та талаба) .
9. Лойиҳани Мисрософт Power Поинт бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотга тайёрланг (2-та талаба).
10. Лойиҳа тақдимида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Оғзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қоидаларига риоя қилинг, оғзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

Тавсия этиладиган “Buxgalteriya hisobining 5-ta shakli” мавзусидаги маълумотнома тузилиши

Титул варағи

Аннотация

Кириш – маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиқ берилади.

1.Баланс.

2.Молиявий натижалар тўғрисида

3.Пул оқимлари тўғрисида

4.Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида

5.Хусусий капитал тўғрисида

Фойдаланилган манбалар рўйхати

Лойиҳа иши тўғрисида ҳисобот тузилиши

1. Титул варағи

2. Лойиҳани долзарблиги

3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.

4. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

5. Бажарувчиларни кўрсатган ҳолда маълумотнома тузилишини қисқа баёни.

6. Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари баҳолаш.

Визуал тақдимот тузилиши

1. Лойиҳа мавзуси. Бажарувчилар.
2. Лойиҳани долзарблиги
3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.
4. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.
5. Лойиҳа маъсули: маълумотнома
 - титул варағи
 - аннотация
 - мундарижа
6. Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари баҳолаш.

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- Лойиҳа маҳсули- Маълумотнома (энг юқори 5 балл);
- ҳисобот (энг юқори 2,5 балл);
- лойиҳа тақдими (энг юқори 2,5 балл)

Асосий тушунча ва атамалар:

Лойиҳалаш, режалаштириш, ташкиллаштириш, ижодий ривожлантирувчи, ўқув лойиҳаси, лойиҳа паспорти.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Ўқув лойиҳа ва унинг мазмуни нимадан иборат?
2. Лойиҳавий таълимнинг асослари қандай?
3. Ўқув лойиҳавий фаолият қандай амалга оширилади?
4. Ўқув лойиҳасининг услубий паспортини сўзлаб ўтинг.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. -56 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр

3. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент 2018 йил 5 июн

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -488 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.
9. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
10. Айсмонтас Б.Б. Теория обучения. Схемы и тесты.- М.: ВЛАДОС, 2002.
11. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.
12. Сластенин В.А., Мигаеко А.И. профессионально – педагогическая подготовка современного учителя.-Сов. Педагогика, 1991, №10, с. 79-84.

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ НАТИЖАЛАРИ НАЗОРАТИ

Режа

10.1.Талабаларнинг ўқув ютуқлари назоратининг аҳамияти ва унинг вазифаси.

10.2. Ўқитиш натижалари назоратида тестнинг ўрни.

10.3.Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларни ишлаб чиқиш йўллари.



10.1. Талабаларнинг ўқув ютуқлари назоратининг аҳамияти ва унинг вазифаси

Билимни текшириш ва баҳолаш – таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у талабаларнинг ўқув фаолиятини дарсда, уйда оғзаки, ёзма ва амалий топшириқлар ёрдамида тизимли назорат йўли орқали амалга оширилади.

Текшириш ва баҳолаш ёрдамида билим, кўникма ва малакалар аниқланиб, улар назорат қилиш, таълимий, тарбиявий, ўзгартириш киритишли ва ахборотли вазифаларни бажаради.

Назорат қилиш вазифаси – талабаларни таълим босқичини ҳар бир босқичида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳисобланади.

Таълимий ва таълим бериш вазифаси – талаба ўқитувчини саволига нафақат жавоб беради, балки топшириқ ҳам бажариб, ўртоқлари жавобларини мулоҳазалайди, ўзгартиришлар киритади

Тарбиявий вазифаси – ўқув фаолиятини тизимли назорат қилишда текшириш ва баҳолаш намоён бўлиб, бу эса, талабаларни бажариладиган ишга маъсулиятини оширади, меҳнат қилишга, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни мустақил ечишга, ўзининг ўқув имкониятларини тўғри баҳолашга ўргатади.

Фронтал текширув – ўзлаштириш лозим бўлган (қоида, жадвал, йилномалар)кўп бўлмаган материални текшириш учун қўлланилади.

Талабани ўқув фаолиятини ўқитувчи ёки талабани ўзи (**ўз-ўзини назорат**) *техник восита компьютер* ёрдамида назорат қилиш мумкин. Назорат тури ва воситани танлаш таълим мақсади ва талабани индивидуал хусусиятидан, таълим олиш шароитдан келиб чиқиб танланади.

Оғзаки текшириш – назоратнинг энг ўзгарувчан усули бўлиб, таълим беришнинг барча босқичларида қўлланилади ва талабалар билан алоқани онсон ушлаб туришга, уларнинг фикр ва ҳаракатларини кузатишга, жавобларини тўғрилашга ёрдам беради.

Ёзма назорат (диктант, баён ёзиш, саволларга ёзма жавоб бериш ва ёзма назорат ишлари) – вақт бўйича тежамли бўлиб, бутун гуруҳни ва ҳар бир талабани таълим олишга тайёрлигини бир вақтда аниқлаш имконини бериб,

топшириқни индивидуал бажариш хусусияти билан ажралиб туради, бироқ топшириқни текширишга кўп вақтни талаб қилади.

Ўқув жараёнида текшириш ва баҳолаш жойидан, топшириқ ҳажми, текширишга ажратилган вақтга ва талабалар сонидан қатъий назар қуйидаги текшириш турларини ажратадилар, яъни: *жорий, оралиқ, якуний назорат*.

Жорий назорат – ўқитувчи томонидан ҳар кунги ишда, асосан дарсда жараёнида амалга оширилади.

Оралиқ назорат – дастур мавзуси, бўлимлари ўзлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.

Якуний назорат – ўқув йили ярмида ёки йил охирида амалга оширилади.

Текшириладиган саволларнинг сони ва хусусияти бўйича текширув **индивидуал, фронтал ва комбинациялашган** (масалан, бир талабани оғзаки жавоб бериши, бошқалар ёзма жавоб бериши) бўлиши мумкин.



10.2. Ўқитиш натижалари назоратида тестнинг ўрни

Нazorat – доимий текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув. Таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади; таълим берувчини таълим олувчилар билан қайтар алоқасини, улар томонидан ўқув материални ўзлаштириш даражаси тўғрисидаги ҳаққоний маълумотни олиш, шунингдек камчилик ва оралиқларни аниқлашни таъминлайди.

Бир қанча назорат турлари бўлган тест назоратини кўриб чиқамиз. Тест топшириқларини тузиш таълим натижаларини ифодалаш билан ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Тест топшириқлар сони унга ажратилган назорат тури ва вақтга боғлиқ бўлади.

<i>Нazorat тури:</i>	<i>Ўтказиш вақти (дақиқа):</i>	<i>Топшириқлар сони:</i>
Жорий	10-15	10-15
Оралиқ	30-40	25-30
Якуний	1- 1,5 соатгача	50 ва ундан кўп

Тест (инглизча–синаш) – бу бирор-бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида эталон ишлаб чиқилади. Ўз эталонига эга бўлмаган ҳар қандай тест, одатдагидек, бажарилиш сифати ҳақида субъектив мулоҳаза юритиш эвазига хулоса чиқарувчи назорат топшириғига айланиб қолади.

Тест назоратлари ва унинг афзалликлари:

➤ етарли тарзда тузилган педагогик тест натижалари назорат ўтказаётган шахсга боғлиқ бўлмаган холис педагогик ўлчов куроли ҳисобланади;

➤ тест ўқув мавзуларининг барча асосий мазмунини қамраб олиши мумкин, ўқитиш натижаларини тест усулида ўлчаш барча текширилувчиларга барабар қўлланадиган олдиндан ишлаб чиқилган мезон асосида аниқ ва ишончли баҳо беради;

➤ тест назорати технологиялашувчан бўлиб, у нисбатан қисқа вақт ичида маълум ўқув мавзулари ўзлаштирилишининг тўла назоратини кам куч ва воситалар сарфлаган ҳолда ўтказиш имконини беради.

➤ тест назорати компьютерлар ёрдамида осон автоматлаштирилади. Бу педагогик тест ўтказишнинг асосий афзалликларидан биридир.

Тўғри ташкил қилинганда педагогик тест талабалар билимларини ҳолис баҳолаш самарасини беради, чунки бу баҳо уни қўяётган одамга боғлиқ бўлмайди. У барча текширилувчиларга бир хил қўлланадиган қилиб тузилган мезон бўйича тўғри ечилган тест топшириқлари фоизи асосида аниқланади. Шунинг учун педагогик тест тўла асос билан ўқитиш натижаларини аниқ ва ишончли баҳолашга имкон берадиган педагогик ўлчов қуроли деб аталади. Аммо бундай баҳолаш жараёни фақат илмий талабларга риоя қилинган ҳолда тузилган, текширилувчан ва меъёрига етказилган сифатли тест воситасидагина амалга оширилиши мумкин.

Таълим жараёнида билим, иқтидор ва кўникмалар шаклланганлигини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Ўтказилган тажрибаларга ва ўқув адабиётларида изоҳланган илғор услубларга асосланиб назоратнинг мезони ва бажарадиган функцияларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Назоратнинг диагностик функцияси. Назорат натижасида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси аниқланади.

2. Назоратнинг талабаларда билим олишга иштиёқини ўстириш функцияси. Назорат натижасида талабаларда ўз билим, иқтидор ва кўникмаларини янада такомиллаштириш эҳтиёжи уйғонади.

3. Назорат жараёнида талабаларнинг шахсий хусиятлари шакллантирилади ва энг асосийси ривожлантирилади. Ривожланиш ўқув фаолияти орқали, яъни нутқ орқали амалга оширилади.

4. Назорат жараёнида талабалар ўз билимларини мустаҳкамлайди. Ўқув материали янада чуқур ўзлаштирилади, ҳодисалар ўртасида янги боғланишлар ўрнатилади, шу билан ақлий фаолият янада такомиллашади.

5. Назоратнинг тарбиявий функцияси. Назорат жараёнида талабаларнинг психологик ижобий хислатлари шаклланиб бормоғи лозим.

6. Назоратни баҳолаш функцияси. Назорат натижасида сифат ўзгаришларининг меъёри аниқланади.

7. Назорат – кўп қиррали мураккаб жараён. Назорат талабаларда доимо жонли қизиқиш, куюниш, аянч, хурсандчилик ҳисларини уйғотиб, ақлий фаолиятни фаоллаштиради. Юқорида кырсатилган функциялар бир-бирига узвий боғланган ҳолда юз беради.

Тўғри ташкил қилинган ўзини ўзи назорат ўқув материални ўзлаштиришга ижодий ва танқидий ёндашиш имконини беради. Бу айниқса янги предмет ўрганилаётганида талабаларнинг бундан олдинги ўқув предметларида ўзлаштирилган билимларга эга бўлишлигида кўринади. Талабалар мустақил ишлаб етишмайдиган билимларини тўлдириб борса яхши, аммо ўзини ўзи назорат қила олмайдиган талабаларнинг янги мавзунини ўзлаштириш жараёни мураккаб кечади. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларида ишлайдиган педагоглар янги предмет ва янги мавзунини бошлашдан олдин

талабаларнинг янги дастурни ўзлаштиришга тайёрлик даражасини аниқлаш мақсадида дастлабки назоратни амалга оширишлари зарур бўлади. Мазмун бўйича тест топшириқлари режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келиши зарур. Б.Л. Фарберман томонидан тавсия этилган бир қатор мисолларда тушунтирамиз.



10.3. Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларини ишлаб чиқиш йўллари

Фаннинг йўналишидан. талабалар даражасидан келиб чиққан ҳолда тест турлари шакллари танланиши лозим. Тест турларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Эслаш, ёдда сақлаш, таниш каби психик жараёнлар боришини таъминловчи тестлар. Бу тестлар мустаҳкамлаш ва текшириш вазифасини бажаради.

2. Ўзлаштиришнинг репродуктив даражасини ўлчовчи тестлар. Бу тестда талаба ўз билимларини ўрганган ҳолатида қўллай олиши талаб этилади. Бу тестларни ишлашда талаба тўрт хил психологик операцияни бажариши лозим:

- а) формулани эслаш;
- б) тенгликларни эслаш;
- в) шунга ўхшаш мисолларни эслаш;
- г) мисолни эслаш.

Бундай тест талабаларда билим, малака ва кўникмаларини баҳолашга ёрдам беради. Аммо бу тестда кўпроқ қўллай олиш назарда тутилади. Бундай тестлар ижодий фикрлаш даражасига таъсир этмайди ва уларни репродуктив тестлар деб аташ ўринли бўлади.

3. Продуктив тест тури. Бундай тестни ечишда талабадан ижодий ёндошув талаб этилади. Бундай тестни ечиш учун талаба 5-6 та операцияни бажариши лозим. Бу тест мантикий фикр юритишни ва изчилликни талаб этади. Бунинг учун ўқув жараёнида ечилган машқлардан бир оз бошқачароқ вазифалар танлаб олиниши керак бўлади.

4. Изланувчан – ижодий тест тури.

Маълумки ижод - бу қандайдир янги ечимни топишдир. Бунинг учун бу тестда стандарт бўлмаган вазифалар берилади. Бу мураккаб тест бўлиб, ижодни ривожлантиришда ва иқтидорли талабаларни танлаб олишда ишлатилади.

Тестларни шаклига кўра ҳам бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ёпиқ тестлар. Бу тест шарт ёки сўроқ ва бир қанча жавоблардан тузилган бўлиб, биттаси тўғри жавоб ҳисобланади. Унинг ёпиқ тест дейилишига сабаб талаба ўзининг тўғри жавобини бера олмайди. У фақат мавжуд жавоблардан биттасини танлаши мумкин. Бундай тестларни тузишда юзакиликдан эҳтиёт бўлиш керак ва жавоблар тузаётганда мантикийлик ва анализга асосланиши лозим.

Очиқ тестлар. Бу тестда шарт ва сўроқ берилади. Жавоб эса мустақил талаба томондан топилади. Бунда энг муҳим ўзак сўз тушириб қолдирилиши мумкин, ана шу ўзак сўз топилиши лозим.

Муносибликни танлашга қаратилган тестлар. Бу тестлар ажратиш ва жой – жойига қўйиш каби операцияларни бажаришда ишлатилади.

Изчилликни ўрнатишга бағишланган тест. Бунда тартибсиз берилган элементлар изчил кетма – кетликда жойлаштирилиб чиқиши керак.

15-жадвал

Тест мақсади	Тестлар тоифаси ва турлари	Хусусиятлари	Жавоблар	Тест топшириқларини ифодалаш намуналари
Талабалар аввал ўрганган материални танишини текшириш (ўзлаштиришнинг 1- даражаси)	Таниб олишликка оид топшириқ	Бир вақтни ўзида (айтиб бериш учун) <i>топшириқ ва жавобдан</i> иборат бўлади	“Ҳа” “Йўқ”	... ҳисобланадими?
	Ажратиб олишликка оид топшириқ	<i>Савол ҳамда танлаш учун жавоб вариантларидан</i> иборат бўлади	1. 2. 3. 4.	... шулардан қайси бири... тўғрилигини кўрсатинг
	Таснифлаш-ликка оид топшириқ	Мос қисмларни таққослаш топшириқларидан иборат бўлади	1-(г) 2-(б) 3-(а) 4-(в)	Мосликларни кўрсатинг (уларнинг тушунчаси ва белгиланиши)
Ташқи айтиб беришларсиз эсда қолганлар бўйича ўзлаштирилган маълумотларни қайта айтиб бериш ва шулар асосида намунавий топшириқлар ечиш кўникмаларини текшириш (ўзлаштиришнинг 2- даражаси)	Қўшимчалар қўйиладиган тестлар	Хоҳлаган шаклда: оғзаки, белгили, чизмаларда тақдим этилган фикрларни тўлдириш талаб этилади	Йўқ	... (формулани) тўлдириш, (етишмаётган элементни)... кўрсатинг
	Тузилишлик (конструктор-лик) ка оид тестлар	Эсда қолганларни айтиб беришларсиз қайта такрор тиклашни талаб этади	Йўқ	Бу “(тушунча / ифодалаш кўрсатилади) нима?”... Чизма чизинг ... Учун формулани ёзинг
	Намунавий топшириқлар	Маълум бўлган қоидаларни қайта тиклаш ва уни изланаётган натижа учун қўллаш талаб этилади	1. 2. 3. 4.	Намунавий топшириқ
Ижодий фикрлаш кўникмаларини текшириш (ўзлаштиришнинг 3-даражаси)	Нооддий топшириқлар	Намунавий тартиб остидаги топшириқларни охирига етказишда, қўшимча маълумотларни қидириш учун, дастлабки шароитларни ўзгартириш талаб этади	1. 2. 3. 4.	Нооддий топшириқлар

Масалан, “Бухгалтерия ҳисоби” фани бўйича уч даражали тестларни қуйидаги кўринишини ифода этиш мумкин.

“Бухгалтерия ҳисоби” фани бўйича ўқитишнинг мақсад, натижаларини белгиланиши.

Уч даражали тестлар.

Ўзлаштириш даражаси	Мақсад	Натижа	Тест
(Ўзлаштиришнинг 1 даражаси)	Корхона кассаси тўғрисида тушунчани шакллантириш.	Касса хонаси ҳақида айтади.	1. Корхона кассаси алоҳида хоналардан иборатми ? а) Ҳа б) Йўқ
		Касса қандай асосий ҳужжатларда иш олиб боришни ажратади.	2. Кассада қандай ҳужжатлардан фойдаланиб иш олиб борилади? А) дастлабки ҳужжат Б) комбинациялашган ҳужжат С) йиғма ҳужжат Д) фармойиш ҳужжат
		Корхона кассаси қайси счётада иш юритилишини тушунтириб беради.	3. Касса қайси счётада акс эттирилади. а) 0210 б) 6410 с) 5010 д) 5110
(Ўзлаштиришнинг 2 даражаси)	Корхона кассаси тўғрисидаги билимларини шакллантириш, касса дастлабки ҳужжатларида акс эттириш малакаларини ҳосил қилиш.	Корхона кассасида ой оборотини аниқлаб ой охирига қолдиқ чиқариб беради.	1. Корхонанинг кассасига 5000000 сўм банкдан иш маоши қабул қилиниб ой охирига бориб 4890000 сўм пул тарқатилди. Корхона кассасида ой охиридаги қолдиқ 110000. 1150000 1340000. 1250000
		Касса кирим ордерини тўлдириб беради.	2. “Касса кирим ордер” ҳужжати (бланка тўлдирилади)
		Корхона кассасида олиб борилган оборот бўйича тўғри проводка беради.	3. Корхона кассасига банкдан иш ҳақи қабул қилинди. Тўғри проводкани чиқариб беринг. 1) Дт 2370 Кт 6110 2) Дт 5010 Кт 5160 3) Дт 5010 Кт 5110 4) Дт 0110 Кт 6410
(Ўзлаштиришнинг 3 даражаси)	Корхона кассаси ва унда ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш амалий кўникма ва малакаларини ривожлантириш	Корхона кассасида дастлабки ҳужжат тўлдириб, касса қолдиғини аниқлаб, қолдиқни чиқаради.	1. Корхона кассасига банкдан 6500000 сўм ойлик маош, сотилган маҳсулот учун 380000 сўм, сафардан қайтган ходим 45030 сўм қабул қилинди, 6489900 сўм ойлик маош тарқатилди, 425100 сўм банкка топширилди. Ой охирига қолдиқни аниқланг. а) 100 с) 130 в) 30

Асосий тушунча ва атамалар: Лойиҳалаш, режалаштириш, ташкиллаштириш, ахборотли таъминот, назорат, баҳолаш ва ўзгартириш, технология харитаси, педагогик мониторинг

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

- 1.Талабаларнинг ўқув ютуқлари назоратининг аҳамияти ва унинг вазифаси нимадан иборат?
2. Ўқитиш натижалари назоратидаги тестни тушунтириб ўтинг.
- 3.Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларини қандай ишлаб чиқиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент, 2018 йил 5 июн
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б.
4. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
5. Жуков Г.Н, Матросов П.Г, Каплан С.Л. Основы общей и профессиональной педагогики.-М.: Гардарики, 2005.
6. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.

ГЛОССАРИЙ

Таълим олиш – билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқараши ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади.

Ўқитиш – таълим олувчиларга янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.

Ривожлантирувчи вазифа – ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади.

Тарбияловчи вазифа – ўқитишни тарбиялаш принципига асосланади. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари ўзвий боғлиқликда бўлади.

Билим - ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Талабалар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.

Кўникма – эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.

Малакалар – кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёрий), ҳаракатлардир.

Касб – бу меҳнат фаолиятининг барқарор тури бўлиб, у нафақат аниқ билим ва кўникмаларни бўлишини талаб қилмай, балки бир хил бўлган умум касбий билимларни ҳам бўлишини талаб қилади.

Мутахассис – мавжуд касб доирасидаги аниқ меҳнат фаолиятининг аниқлаштирилганлиги.

Касбий таълим олиш – касбий таълим устаси томонидаги ижодий фаолият йўллари ва уни талабалар томонидан ўзлаштирилиши ва касбий фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш мақсадида касбий билим, кўникмаларни етказишнинг махсус ташкиллаштирилган ва бошқариладиган жараёнидир.

Касбий тарбия – касбий муҳим сифатларни ривожлантириш ва касбий фаолиятга тайёргалигини шакллантириш мақсадида касбий таълим устаси томонидан талабаларни турли ижтимоий-касбий муносабатларга жалб қилишнинг махсус ташиллаштирилган ва бошқариладиган жараёнидир.

Рисола - ҳунармандчилик рисолалари “удумлар низоми” бўлиб (у унча катта бўлмаган 16-18 варақ ҳажмдаги китобча), уста-ҳунармандалар ва уларнинг шогирдларинг маънавий ҳаётлари ва меҳнат фаолиятларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат сифатида фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Методика - педагогиканинг ўқитиш қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб баҳолаш метод ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир.

Методология - "метод ва "логия" ибораларининг бирлигида билиш фаолияти усули, воситалари ва мантикий тартиби ҳақидаги таълимот маъносини англатади.

Давлат стандартлари – мутахассис тайёрланаётган йўналиш мазмунининг баёни ва талабани ўқитиш ҳамда тарбиялашга қўйилган талаблар, стандарт кўринишидаги назорат, услуб ва шакллари.

Ўқув режалари – таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат ҳужжати.

Ўқув дастурлар – ўқув фани мазмуни, уларни талабалар томонидан ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ келувчи хусусан ташкил этиш йўллари аниқланган ҳужжат.

Дарсликлар – ўқув фани мазмуни ўқув дарстурига мувофиқ баён қилинади.

Ўқув қўлланмалар – ўқув дастури асосида услубий ва амалий тавсиялар берилади.

Касбий мослашувчанлик – ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришнинг, иш жойини ва ҳаттоки бир касб доирасида ҳамда соҳасида мутахассислигини тез ўзгаришига бўлган тайёрлиги ва қодирлиги, янги мутахассисликларни тез эгаллаши.

Ижтимоий мослашувчанлик – мутахассисни нафақат иш жойи ва касбини ўзгартириш эмас, балки ўзининг ижтимоий вазифасини: ишчи, хизмат қилувчи, мутахассис, шахсий тадбиркор, жамоат арбоби ва б. ўзгартиришга тайёрлиги ва қодирлиги.

Касбий удабуронлик – мутахассиснинг ўзининг касбий ёки ташкилот, корхона фаолияти доирасида даромад олишга йўналтирилган, ўз ташаббуси билан амалга ошириладиган фаолиятга тайёрлиги ва қодирлиги.

Рақобатбардош мутахассис – бу биринчидан, ўзининг қобилиятларини ривожланганлиги, касбий чуқур билимлилиги, шахсий ва фуқаровий сифатларини шаклланганлиги, иккинчидан шахсий ва оилавий фаровонликни таъминлашга имкон берувчи, маҳсулотга яхши баҳо берувчидек таклиф қила олиш каби касбий фаолиятга юқори даражадаги тайёргарликдир.

Таълим бериш – ҳамкорий фаолиятни намоён қилиб бунда касб таълим ўқитувчиси талабалар фаолиятини ташкиллаштиради, рағбатлантиради, ўзгартиради ва назорат қилади.

Анъанавий тизим- ушбу тизим асосчилари Я.О. Коменский, Г. Песталоцци, И. Гербартлар таълим беришда асосий ўринни ўқитувчи фаолиятига ажратганлар.

Дастурлаштирилган таълим бериш- бу ғоя 1950 йилларда илгари сурилган. Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.

Муаммоли таълим бериш – муаммони ҳал этиш ғояси ётувчи, яхлит тизим. Муаммоли ўқитиш ҳам амалий, ҳам назарий-билиш хусусиятидаги муаммоли вазиятларни ҳал этиш орқали янги билимларни эгаллашга асосланган.

Ривожлантирувчи таълим – ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларни ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.

Мазмун – инсон ривожланиши мақсадлари билин мувофиқликда танланадиган ва унга етказиб бериладиган, авлодлар ижтимоий маҳорат қисми.

Ўқитиш мазмуни (ўқитиш, маълумот олиш)- таълим жараёнида эгаллаши зарур бўлган, илмий билим, амалий кўникма ва малакалар тизими.

Таълим принциплари – педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларини белгиловчи асосий қоидалар тизимидир.

Метод (усул) – юнонча сўздан олинган бўлиб, “Методос”- бирор нарсага йўл маъносини англатади.

Таълим бериш усули – белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.

Маъруза – давомли вақт ичида катта ҳажм бўйича монологик ўқув материални баён қилиш.

Семинар – таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулоти ўқитиш шаклидир.

«Технология» юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб «*течне*» - маҳорат, санъат, малака ва «*логос*» –сўз, таълимот маъноларини англатади.

Таълимни технологиялаштириш – ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиқ берувчи педагогик йўналишдир.

Педагогика тизим – шахснинг бор сифатларини шакллантириш учун ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва педагогик таъсир кўрсатишни кўзлаган, ўзаро боғлиқ восита, усул, жараёнларнинг йиғиндисини ифода қилувчи аниқ яхлитликдир.

Фанни ўқитиш услубиёти – таълим тизимида ушбу ўқув фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифаларини ва ўқитиш мазмунини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул, шакл ва ўқитиш воситалари баёнини ўз ичига олади.

Концепция – умумий ғоя ёки бирор-нарсга тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими.

Таълим воситалари – ўқув материални кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) – ўқув материални кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

Ўқув-услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Графикли ташкил этувчи – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

Таълим шакллари (форма-лотинча-ташқи кўриниш) - бу усул ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқ.

Оммавий иш (фронтал) - барча таълим олувчилар олдида бир хил топшириқ бажариш мақсади кўйилади.

Жамоавий иш (коллектив) - ҳам умумий ва гуруҳлига тааллуқли бўлиши мумкин: 1) олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш; 2) мажбуриятларни бўлиш, ҳисобот шаклини танлаш; 3) хулосаларни муҳокама қилиш (тартиб билан алоҳида таълим олувчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади); 4) Маъқул хулосаларни шакллантириш (умумий келишув билан).

Гуруҳли - кичик гуруҳларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.

Якка тартибли (индивидуал) - ўқув топшириғини якка ўзи бажариши.

Назорат – доимий текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув. Таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади.

Билимни текшириш ва баҳолаш – таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у талабаларанинг ўқув фаолиятини дарсда, уйда оғзаки, ёзма ва амалий топшириқлар ёрдамида тизимли назорат йўли орқали амалга оширилади.

Назорат қилишли вазифаси – талабаларни таълим босқичини ҳар бир босқичида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳисобланади.

Таълимий ва таълим бериш вазифаси – талаба ўқитувчини саволига нафақат жавоб беради, балки топшириқ ҳам бажариб, ўртоқлари жавобларини мулоҳазалайди, ўзгартиришлар киритади.

Тарбиявий вазифаси – ўқув фаолиятини тизимли назорат қилишда текшириш ва баҳолаш намоён бўлиб, бу эса, талабаларни бажариладиган ишга маъсулиятини оширади, меҳнат қилишга, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни мустақил ечишга, ўзининг ўқув имкониятларини тўғри баҳолашга ўргатади.

Жорий назорат – ўқитувчи томонидан ҳар кунги ишда, асосан дарсда жараёнида амалга оширилади.

Оралиқ назорат – дастур мавзуси, бўлимлари ўзлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.

Якуний назорат – ўқув йили ярмида ёки йил охирида амалга оширилади.

Фронтал текширув – ўзлаштириш лозим бўлган (қоида, жадвал, йилномалар) кўп бўлмаган материални текшириш учун қўлланилади.

Оғзаки текшириш – назоратнинг энг ўзгарувчан усули бўлиб, таълим беришнинг барча босқичларида қўлланилади ва талабалар билан алоқани онсон ушлаб туришга, уларнинг фикр ва ҳаракатларини кузатишга, жавобларини тўғрилашга ёрдам беради.

Ёзма назорат (диктант, баён ёзиш, саволларга ёзма жавоб бериш ва ёзма назорат ишлари) – вақт бўйича тежамли бўлиб, бутун гуруҳни ва ҳар бир талабани таълим олишга тайёрлигини бир вақтда аниқлаш имконини бериб, топшириқни индивидуал бажариш хусусияти билан ажралиб туради, бироқ топшириқни текширишга кўп вақтни талаб қилади.

Бошқарув - бу тартибга солиш даражасини ошириш орқали ижтимоий тизим фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган, фаолиятнинг махсус шакли.

Мақсадни белгилаш - дидактик вазифаларни аниқлаш, ўқув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради.

Ташхис - таълим олувчилар хусусиятларини ва мавжуд моддий - техник имкониятларни ўрганиш. Бу мақсадни тўғрилаш зарурлигига ва уларга эришиш воситаларини танлашга имкон беради.

Башорат қилиш - ўрнатилган вақт ичида мавжуд шароитларда педагогик ва ўқув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш.

Лойиҳалаш - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўллари аниқлаш.

Режалаштириш - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўқув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади.

Ташкиллаштириш - таълим берувчи томонидан талабаларни белгиланган ишга жалб қилиш, белгиланган мақсадга эришишда улар билан ҳамкорлик қилиш.

Ахборотли таъминлаш - ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиб беришнинг йўл ва воситаларини амалга ошириш. Бунда йиғилган ахборот жараёнининг боришини тезкорликда ўзгартиришни, таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни, самарали воситаларни киритишга имкон беради.

Назорат, баҳолаш ва ўзгартириш киритиш - ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни яратиш, педагогик таъсир этиш объекти ўзгаришини мувофиқлаш.

Тугалланган жараён таҳлили — самарасизликни, уларни пайдо бўлиш сабабини аниқлаш, келгуси такрор ишлаб чиқиладиган даврда унга йўл қўймаслик чораларини аниқлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Атамуратова ва бошқ. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. –Т.: Янги аср авлоди. 2008. – 180 бет.
2. Морева Н.А. Педагогика среднего профессионального образования. Практикум. -М.: Академия.-2008.
3. Олимов Қ ва бошқ. Касб таълими услубияти. – Т.: Иқтисод-Молия. 2006. – 160 бет.
4. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. –Т.: Фан ва технология. 2007. – 541 бет.
5. Тожибоева Д. ва бошқ. Иқтисодий педагогика. - Т.: Фан ва технология. – 2008. – 256 бет.
6. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т.: Иқтисодиёт, 2003. – 223 б
7. Хаджабоев А, И.Хусанов. Касбий таълим методологияси (лотин). –Т.: Фан технология. 2006. -175 бет.
8. Файзуллаева Д. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.- Т.: Иқтисодиёт, 2013.
9. Жуков Г.Н, Матросов П.Г, Каплан С.Л. Основы общей и профессиональной педагогики.-М.: Гардарики, 2005.
10. Никитина Н.Н., Железнякова О.М., Петухов М.А. Основы профессионально-педагогической деятельности: Учебное пособие.- М.: Мастерство, 2002.-28с.

Қўшимча адабиётлар

11. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. –Тошкент, 2018 йил 5 июнь.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
13. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. -56 б.
14. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
15. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -48 б.
16. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -488 б.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

18. Полякова А.А. Педагогика тесты и задания. Учебное пособие для студентов средних специальных учебных заведений. - М.: Владос. 2004.

Интернет сайтлари

19. www.кротов.инфо
20. www.гумер.инфо
21. www.гуманнажа-педагогика.ру
22. www.кооб.ру/педагогисс/
23. олд.зиёнет.уз
24. педагогика-рао.ру
25. педагогика.ру

М.Ф. Ҳакимова, Н.Х. Лутфуллаева, Р.М. Абдуллаева,
Д.М. Файзуллаева

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқув қўлланма

“*IQTISODIYOT*” - 2019

Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.

Мусаҳҳиҳ
Matxo `jayev A.O.

Лицензия АІ № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 09.09.2019. Босишга рухсат этилди 09.09.2019. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма.

Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 8,5. Ҳисоб нашр варағи 8,2.

Адади 10 нусха. Баҳоси келишилган нархда

“*IQTISODIYOT*” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100003. Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 49-уй.

0000 Махсус фанларни ўқитиш
методикаси. Ўқув қўлланма.
/Ҳакимова М.Ф., Лутфуллаева Н.Х.,
Абдуллаева Р.М., Файзуллаева Д.М.
-Т.: IQTISODIYOT, 2019. 140 б.

1. Ҳакимова М.Ф.
2. Лутфуллаева Н.Х.
3. Абдуллаева Р.М.
4. Файзуллаева Д.М.

I

ISBN 0000000000000

UO`K: 0000
КБК:000000